

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEK LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

2020

№1

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – ю.ф.д., профессор.

Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – ю.ф.д.

Суянова Дилбар Жолдасбаевна – ю.ф.д., доц.

Адилходжаева Сурайё Махкамовна – ю.ф.д., профессор.

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – ю.ф.д., профессор.

Рахимов Фахри Хайдарович – ю.ф.д., профессор.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.

Тошев Бобоқул Норқобилович – ю.ф.д., профессор.

Мухамеджанов Омон Зокирович – ю.ф.д., профессор.

Нарзиев Отабек Саъдиевич – ю.ф.н., доц.

Ҳужаев Шохжаҳон Акмалжон ўғли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади:

**Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**
ТДЮУ, Халқаро тижорат ҳуқуқи кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

**Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация
комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.**

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2020 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университети мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**
Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**
Техник муҳаррир: **Ш. Ҳужаев**
Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 04.05.2020

Нашриёт ҳисоб табоғи – 5
«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди
Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ**

1/2020

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

Ш.Сайдуллаев	Жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари.....	5
Дж.Сафаров, А.Рўзиев	Тартибга солиш таъсирини баҳолаш – қонун ижодкорлиги сифатини таъминлаш гарови.....	9
Қ.Умидуллаев	Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш методологияси	12
А.Исабаев	Фуқароларнинг мурожаатлари институтининг ривожланиши.....	15
А.Эранов	Натижадорлик – давлат хизматчилари фаолиятининг бош мезони.....	20
Т.Алтмишев	Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини такомиллаштириш	23
Б.Норматов	Солиқ текширувларининг турлари, шакллари ва таснифи.....	25
Б.Нариманов	Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши	29
ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ		
С.Гулямов, А.Сидиков	Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиёти ривожланиши шароитида иқтисодий суд ишларини юритишни рақамлаштириш ва виртуаллаштириш	35
О.Оқюлов	Маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик тизими сифатида	40
Д.Махмудов	Ҳарбий хизматчиларнинг мажбурий давлат суғуртасини ташкил этишни ривожлантириш йўллари	45
А.Якубов	Ташки савдо муносабатларини объекти сифатида крипто-валюта ва блокчейн технологияларнинг ҳуқуқий табиати	49
Ш.Эркабаева	Ширкатларда бошқарув масалалари.....	53
Қ.Мусаев	Ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битимлар.....	56
Х.Шарипова	Халқаро технологиялар трансфери ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш	59
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ		
Х.Абзалова	Боланинг ҳаётини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш	61
Д.Суянова	Жиноят-процессда медиация институти ва унинг Ўзбекистондаги истиқболлари.....	63
Р.Гафуров	Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари.....	66
С.Ҳўжақулов	Жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи нормалари таҳлили	69
Ш.Ғофуров	Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида «уюлмаган ёшлар» тушунчасининг назарий-ҳуқуқий таҳлили	73
М.Умमतов	Таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг мақбулликни таъминлашга оид айрим мулоҳазалар	76
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР		
И.Рустамбеков	Низоларни онлайн ҳал этишининг айрим долзарб масалалари	80
Қ.Садуллаев	Халқаро хусусий ҳуқуқда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш масалалари	84
У.Сайдахмедов	Марказий Осиёда транснационал сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари.....	87
М.Бахрамова	Арбитраж судининг юрисдикцияси	91
Ш.Ишметова	Халқаро меҳнат бўлинишининг тартибга солиниш тизими шаклланиши	95
Ш.Жолдасова	Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқини қўллашнинг айрим масалалари	98
А.Исакулов	Халқаро арбитражда сунъий интеллект: афсона ёки ҳақиқатми?	101
Ф.Зайнобиддинова	Ўзбекистон Ҳукумати билан тузиладиган инвестиция шартномаси.....	103
М.Турдалиев	Халқаро молия марказлари ва уларнинг турлари.....	107
Ш.Зуфарова	Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни белгилловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили	110
Э.Ахунджанов	Халқаро бағаж ташиш шартномаси мазмуни	113

EDITORIAL BOARD

GENERAL MANAGER:

Dr. Gulyamov Said – Professor, Doctor of Sciences in Law.

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:

Dr. Islambek Rustambekov – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Omonboy Okyulov – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Vosit Ergashev – professor, candidate of sciences in law

Dr. Otabek Makhkamov – doctor of sciences in Law.

Dr. Dilbar Suyunova – doctor of sciences in Law, associate professor.

Dr. Surayo Adilkhodjaeva – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Mavlyuda Akhmedshaeva – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Fakhri Rakhimov – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Botir Samarkhodjaev – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Toshev Bobokul – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Omon Mukhamedjanov – professor, doctor of sciences in Law.

Dr. Otabek Narziev – Docrot of Philosophy in Law

Dr. Shohjahon Hujaev – Docrot of Philosophy in Law

For further information please contact:

Prof. Dr. Said Gulyamov,
Prof. Dr. Islambek Rustambekov
35, Sayilgoh Street, Tashkent,
TSUL, Department of "International commercial Law",
Council of Young Scientists
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at www.lawreview.uz

The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.

Published in 2020.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**
Publishing editor: **N.Niyazova**
Technical editor: **Sh.Khujaev**

License No. 02-0074
Authorized to issue – 04.05.2020
Bulk – 5

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse
Number of copies – 100

SCIENTIFIC-ANALYTICAL JOURNAL

1/2020

CONTENTS

STATE LAW AND MANAGEMENT

Sh.Saydullaev Constitutional and Legal Guarantees of Public Associations	5
Dj.Safarov, A.Ruziev Regulatory Impact Assessment – assurance of lawmaking quality	9
K.Umidullaev The Methodology for Evaluating Affairs of Local Executive Bodies	12
A.Isabaev Development of the Institute of Citizens' Appeals	15
A.Eranov Effectiveness is the Main Criterion for the Activity of State Servants.....	20
T.Altmishev Some Issues of Improving the Activity of the Sectors for Socio-Economic Development of Regions	23
B.Normatov Types, Forms and Classification of Tax Audits.....	25
B.Narimanov Development of Organizational and Legal Basis of Non-profit Organizations in Uzbekistan.....	29

CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS

S.Gulyamov, A.Sidikov Digitalization and virtualization of litigation as part of the development of the digital economy of Uzbekistan.....	35
O.Okyllov Piracy as a System of Offenses.....	40
D.Mahmudov Methods of Developing Mandatory State Insurance of Military Servants.....	45
A.Yakubov Legal Nature of Cryptocurrency and Blockchain Technologies as an Object of Foreign Trade Relations	49
Sh.Erkabaeva Management Issues in Companies	53
K.Musaev Transactions Made with a Purpose that is Obviously Contrary to the Foundations of Law and Order or Morality	56
H.Sharipova Some Questions of International Transfer of Technology and Protection of Intellectual Property	59

CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS

H.Abzalova Criminal-legal Protection of Child's Life	61
D.Suyunova Institute of Mediation in Criminal Procedure and its Perspectives in Uzbekistan	63
R.Gofurov Legal Grounds for the Activities of Prosecutorial Bodies in the Supervision over the Enforcement of Legislation in the Field of Ecology and Environmental Protection.....	66
S.Hujakulov Analysis of the Norms of Criminal and Criminal Procedure Legislation Regulating the Prevention of Offenses	69
Sh.Gofurov Theoretical and Legal Analysis of the Concept of «Unorganized Youth» in Crime Prevention.....	73
M.Ummatov Some Opinions on the Admissibility of Evidence Obtained as a Result of Presentation for Identification.....	76

INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS

I.Rustambekov Some Actual Issues of Online Dispute Resolution.....	80
K.Sadullaev Issues of Determining the Legal Status of Individuals in Private International Law	84
U.Saydahmedov International Legal Aspects of the Use of Transboundary Waters in Central Asia.....	87
M.Bahramova Jurisdiction of the Arbitral Tribunal	91
Sh.Ishmetova Some Questions of the Formation of the System of Regulation of the International Division of Labor.....	95
Sh.Joldasova Some Questions of the Application of Foreign Law in Private International Law.....	98
A.Isakulov Artificial Intelligence in International Arbitration: Myth or Reality?.....	101
F.Zaynobiddinova Features of the Investment Agreement with the Government of the Republic of Uzbekistan	103
M.Turdaliev International Financial Centers and Their Types.....	107
Sh.Zufarova Analysis of international legal documents governing the protection of intellectual property rights.....	110
E.Ahundjanov The Content of the International Carriage of Baggage Contract	113

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Гулямов Саид Саидахарович – доктор юридических наук, профессор.

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – д.ю.н., профессор.

Оқюлов Омонбой – д.ю.н., профессор.

Эргашев Восит Ёкубович – к.ю.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – д.ю.н.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна – д.ю.н., доц.

Адилходжаева Сурайё Махкамовна – д.ю.н., профессор.

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – д.ю.н., профессор.

Рахимов Фахри Хайдарович – д.ю.н., профессор.

Самарходжаев Ботир Билялович – д.ю.н., профессор.

Тошев Бобоқул Норқобилович – д.ю.н., профессор.

Мухамеджанов Омон Зокирович – д.ю.н., профессор.

Нарзиев Отабек Саъдиевич – доктор философии права.

Хўжаев Шохжохон Акмалжон ўғли – доктор философии права.

Для получения информации просим обращаться:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТГЮУ, кафедра Международное коммерческое право.
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,
ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:
www.lawreview.uz

Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2020 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**

Издательский редактор: **Н.Ниязова**

Технический редактор: **Ш.Хужаев**

Лицензия № 02-0074

Подписано к печати – 04.05.2020 г.

Уч.- изд. лист. – 5

Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»

Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ**

1/2020

СОДЕРЖАНИЕ

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ

Ш.Сайдуллаев	
Конституционно-правовые гарантии функционирования общественных объединений.....	5
Дж.Сафаров, А.Рузиев	
Оценка регуляторного воздействия – гарантия обеспечения качества законотворчества.....	9
К.Умидуллаев	
Методология оценки деятельности местных органов исполнительной власти.....	12
А.Исабаев	
Развитие института обращений граждан.....	15
А.Эранов	
Результативность – главный критерий деятельности государственных служащих.....	20
Т.Алтмишев	
Некоторые вопросы совершенствования деятельности секторов по социально-экономическому развитию регионов.....	23
Б.Норматов	
Виды, формы и классификация налоговой проверки.....	25
Б.Нариманов	
Развитие организационно-правовых основ некоммерческих организаций в Узбекистане.....	29

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС

С.Гулфмов, А.Сидиков	
Цифровизация и виртуализация ведения судебных дел в рамках развития цифровой экономики Узбекистана.....	35
О.Оқюлов	
Пиратство как система правонарушения.....	40
Д.Махмудов	
Способы развития обязательного государственного страхования военных служащих.....	45
А.Якубов	
Юридическая природа крипто-валюты и блокчейн-технологий как объекта ВЭО.....	49
Ш.Эркабаева	
Управление в партнерстве.....	53
К.Мусаев	
Сделки, совершенные с целью, заведомо противной основам правопорядка или нравственности.....	56
Х.Шарипова	
Некоторые вопросы международного трансфера технологий и охраны ИС.....	59

УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

Х.Абзалова	
Уголовно-правовая охрана жизни ребенка.....	61
Д.Суёнова	
Институт медиации в уголовном процессе и его перспективы в Узбекистане.....	63
Р.Гафуров	
Правовые основы деятельности органов прокуратуры по осуществлению надзора за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды.....	66
С.Хужакулов	
Анализ норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства, регулирующих профилактику правонарушений.....	69
Ш.Гофуров	
Теоритико-правовой анализ понятия «неорганизованная молодежь» в профилактике правонарушений.....	73
М.Умματος	
Некоторые мнения по обеспечению допустимости доказательств, полученных в результате предъявления для опознания.....	76

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ

И.Рустамбеков	
Некоторые актуальные вопросы онлайн разрешения споров.....	80
К.Садуллаев	
Определения правового статуса физических лиц в международном частном праве.....	84
У.Сайдахмедов	
Международно-правовые аспекты использования трансграничных вод в ЦА.....	87
М.Бахрамова	
Юрисдикция арбитражного суда.....	91
Ш.Ишметова	
Некоторые вопросы становления системы регулирования международного разделения труда.....	95
Ш.Жолдасова	
Некоторые вопросы применения иностранного права в МЧП.....	98
А.Исакулов	
Искусственный интеллект в международном арбитраже: миф или реальность?.....	101
Ф.Зайнобиддинова	
Особенности инвестиционного договора с правительством Республики Узбекистан.....	103
М.Турдалиев	
Международные финансовые центры и их виды.....	107
Ш.Зуфарова	
Анализ международно-правовых документов, регламентирующих защиту прав на объекты интеллектуальной собственности.....	110
Э.Ахунджанов	
Содержания договора международной перевозки багажа.....	113

Ш.А. Сайдуллаев,
ТДЮУ профессори

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Аннотация: мақолада жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Унда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми, жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ёритиб берилган. Жамоат бирлашмалари шакллари, уларни ташкил этиш мақсадлари кўрсатиб берилган.

Асосий сўзлар: жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари, касаба уюшмалари, сиёсий партия, ҳуқуқий давлат.

Аннотация: в статье анализируются вопросы, связанные с конституционно-правовыми гарантиями деятельности общественных объединений. Рассмотрены правовой статус общественных объединений, их роль в обществе и государстве. Изучены цели, задачи и формы общественных объединений.

Ключевые слова: общественные объединения, институты гражданского общества, профсоюзы, политические партии, правовое государство.

Abstract: the article analyzes issues related to constitutional and legal guarantees of the activities of public associations. The legal status of public associations, their role in society and the state are studied. The goals, tasks and forms of public associations are reviewed.

Keywords: public associations, institutions of civil society, trade unions, political parties, legal state.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган жамоат бирлашмаларининг конституциявий асослари мустаҳкамланган бўлиб, унда ушбу ташкилотларнинг турлари, ташкил этиш шартлари ва улар фаолияти кафолатларига оид нормалар ўз ифодасини топган.

Конституциямизда жамоат бирлашмаларига алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомига алоҳида XIII боб бағишланиши бежиз эмас [1]. Зеро, жамоат бирлашмалари жамият ва давлатда:

– фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларни биргаликда рўйбга чиқариш, давлат бошқарувида қатнашиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ривожлантириш учун давлат ва жамият ишларида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун шароит яратди;

– замонавий фуқаролик жамиятининг шаклланишида, демократия қарор топишида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишида муҳим яратувчанлик ролини ўйнайди, хусусан, аҳолининг кенг қатламларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга, уларга ҳуқуқий билим бериш, маданий-маърифий ишларни олиб боришга, ижтимоий муносабатларни демократлаштиришга кўмаклашди ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан уйғунлашувда эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг гарови ҳисобланади;

– ҳуқуқий давлат шаклланиши учун замин ҳозирлаб, бу жараёни қуйидан, омма ичидан туриб

кучайтиради, ижтимоий муносабатларга ўзини ўзи бошқаришнинг янгича элементларини олиб қиради, ҳуқуқий кадрятлар устуворлигини қарор топтиради, фуқароларда жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида халқ ҳокимиятчилиги принципини амалга оширишга ёрдам беради;

– аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда, фуқаролар ташаббуслари ва ижтимоий фаолликларини рағбатлантиришда беқиёс аҳамият касб этади, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларга бепул юридик маслаҳатлар бериш, ҳуқуқий маорифни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга муҳтож шахсларни (ногиронлар, болаларни) ҳимоя қилиш, уларга аниқ моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни амалга оширади;

– иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ умуммиллий ва минтақавий вазифаларни ҳал этишга ўзига хос ҳисса қўшади, хусусан, мамлакатдаги ва ҳудудлардаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан узвий ҳамкорликни амалга оширади.

Конституциямизда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми белгиланиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни эътироф этишдан келиб чиққанлигини кўриш мумкин. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 20-моддасида “Ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга” эканлиги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 22-моддасида “Ҳар бир инсон бошқалар билан уюшиш эркинлиги ҳуқуқига, шу жумладан касаба уюшмалар ташкил этиш эркинлиги ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эга” эканлиги каби қоидалар шулар жумласидандир. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10, 12, 15, 30, 34 ва 44-моддалари билан ҳамоҳанг эканлигини, шунингдек ушбу нормалар мазмунига халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг тўла сингдирилганлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида белгиланган ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши тўғрисидаги нормани реализация қилишга ҳам хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида нотижорат ташкилотлари ҳам функционал, ҳам моддий жиҳатдан мустаҳкамланди. Таъкидлаш лозимки, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган жамоат бирлашмаларига оид нормалар 100 дан ортиқ қонун ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Булар қаторида “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа шу каби бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Сўнги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатга олиш, тугатиш, уларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, улар томонидан солиқ, статистика ва рўйхатга олувчи органларга ҳисоботлар тақдим этиш тартибини соддалаштиришга қаратилган қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳалари бўйича тўққиз мингтадан ортиқ жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишда иштирок этиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш, касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш, илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш, аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш, маданий-маърифий, жисмоний соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш, табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, халқро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган.

Конституциянинг 56-моддасида “қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган”, деган талаб белгиланган бўлиб, бу жамоат бирлашмаларининг давлат томонидан тан олинishi ҳамда Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинишининг асосий шартларидан бири бўлиб, жамиятда ва давлатда барча томонидан қонунийлик ҳамда қонун устуворлиги принципига амал қилинишини таъминлайди. Таъкидлаш лозимки, шу сингари қоидалар бошқа давлатлар (Испания, Португалия, Франция, Италия) тажрибасида ҳам учрайди. Масалан, Испания Конституциясининг 22-моддасида айтилишича, “Ассоциациялар улар фаолиятида очикликни таъминлаш мақсадида рўйхатга киритилиши лозим”, Сербия Конституцияси 44-моддасига мувофиқ эса, “Ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилган сиёсий, касбий ва бошқа ташкилотлар эркинлиги кафолатланади”.

Конституцияда жамоат бирлашмаларининг турлитуман шакллари белгилаб берилган. Унда жамоат бирлашмаларининг тўққизта шакли аниқ кўрсатилган бўлсада, бошқа шаклларда тузилиши тўғрисидаги қоида улар қонунда тақиқланмаган бошқа шаклларда ҳам тузилиши мумкинлигини аниқлатади. Масалан, юртимизда фаолият кўрсатаётган Фермерлар кенгаши, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси, Кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси, Экологик ҳаракат ва бошқаларни мисол сифатида айтиб ўтишимиз мумкин.

Бугунги кунда жамоат бирлашмаларининг энг оммавий шаклларида бири ҳисобланган касаба уюшмалари жамиятнинг ижтимоий тараққиётига сезиларли даражада таъсир ўтказиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига кўра “Касаба уюшмаси ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига кўра ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва

бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган фуқароларнинг жамоат бирлашмасидир”.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 6,1 миллиондан ортиқ касаба уюшмалари аъзоларини бирлаштирадиган 14 та тармоқ касаба уюшмалари, яъни 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотларидан иборат [2]. Ҳозирги вақтда ушбу институтнинг ижтимоий жараёнларга таъсири фақатгина меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмасдан, балки ундан ҳам кенгроқ, яъни инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари доирасига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг демократик асослари мустаҳкамлана боргани сари, жамоат бирлашмаларининг муҳим тури ҳисобланган сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳам тобора ошиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...олиб борилаётган ислохотларимизнинг муваффақияти, авваламбор, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг жонажон Ватанимиз олдидаги масъулиятни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир” [3].

Ҳозирда мамлакатимизда 5 та сиёсий партия, яъни Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси ва “Ўзбекистон экологик партияси” фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунига кўра “Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир”.

Сиёсий партиялар фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлаш, фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал этишда муҳим сиёсий куч сифатида фаолият олиб бормоқда.

Сиёсий партия демократик жараёнларда, хусусан, очик ва ошқора ўтказиладиган сайловларда фаол қатнашиши, уларнинг давлатни идора этиш ишларида мукамал тажриба орттиришларига кўмак беради [4]. Сиёсий партиялар билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ижтимоий ҳаракатлар ўртасидаги туб фарқ шундан иборатки, партиялар давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этиш учун курашадилар, ННТ ва оммавий ҳаракатлар эса унда бевосита иштирок этишга даъво қилмайдилар ва шу билан боғлиқ мажбуриятларни ҳам ўз зиммаларига олмайдилар [5]. Оммавий ҳаракатлар жамоат бирлашмаларининг бир шакли сифатида Конституцияда алоҳида қайд этиб ўтилган.

Президентимиз 2017 йил декабрь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидлаб

ўтганидек, "...2008 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўтган даврда чинакам сиёсий кучга айланди. Аммо тан олиш керак, Ҳаракат вакиллари парламент куйи палатасига квота асосида киритилиши унинг фаол ва ташаббускор бўлиб ишлашга муайян даражада сусайтирмоқда. Барча сиёсий кучлар учун тенг шароит яратиш ва парламент куйи палатасидан Экологик ҳаракат вакиллари учун махсус ўрин ажратишдан воз кечиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу ўзгариш сиёсий майдонда соғлом рақобатни кучайтиради ва Экологик ҳаракатнинг алоҳида сиёсий куч сифатида мустақамланишига хизмат қилади".

Шунга боғлиқ ҳолда, бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар йўлидаги кейинги қадам сифатида тўпланган тажрибалар асосида янги сиёсий партияни ташкил этиш зарурати эътибори келгани, экологик сиёсий партиянинг асосий эътибори эса атроф-муҳитни муҳофаза қилишни мамлакат ҳар бир фуқаросининг умумий ишига айлантиришга қаратилиши зарур эканлигини қайд этилмоқда. 2018 йилнинг 14 ноябрь куни Тошкент шаҳридаги Халқаро савдо марказида янги партия ташкил этиш бўйича ташкил этилган мамлакатимиз фуқароларидан иборат ташаббускорлар гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда янги сиёсий партияни ташкил этиш, номлаш, шунингдек унинг ташкилий қўмитасини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифлар қўллаб-қувватланди. 2019 йилнинг 22 январь куни Ўзбекистон Экологик партияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатида олинди [6].

Мамлакатимизда фахрийларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор жамоат бирлашмалари фаолият юритади. Булар қаторида Ўзбекистон "Ветеран" жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев ўз чиқишларида кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан эканлигини, мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада яхшилаш, саломатлигини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини, зотан нуронийларни эъзозлаган кам бўлмаслигини таъкидлайди.

Шу мақсадда мамлакатимизда кекса-фахрийларнинг ҳаёти даражасини ошириш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4906-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-2705-сон Қарори кексаларни мақсадида қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасида катта

авлод вакилларининг ролини ошириш мақсадларини кўзлайди.

Турли соҳаларда кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган нафақа ёшидаги юртдошларимиз, шунингдек, уй бекаси сифатида ҳаётини оилалар мустақамлигини сақлаш, фарзандларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига бағишлаб, жамиятимизда ҳурмат қозонган оналарни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида" ПҚ-3133-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қайд этиб ўтилган ҳужжатлар Конституциянинг жамоат бирлашмаларига оид белгилаб қўйилган нормалари ҳаётийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга ҳамда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва бошқа шу каби йўналишлар бўйича 700 га яқин жамоат бирлашмалари фаолият юритмоқда.

Ёшларнинг катта қисмини ўзига қамраб олган энг оммавий жамоат бирлашмаларидан бири 2017 йилнинг 30 июнидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқидир. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айланишига замин яратадиган 2017 йил 5 июлда "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ПФ-5106-сон Фармон қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар куни" сифатида нишонланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар ташкилотлари зиммасига бир қатор янги ва муҳим вазифалар юкланди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон фалсафа жамияти, Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти, Ўзбекистон математика жамияти, Ўзбекистон Республикаси Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси, Халқаро фан ва маданият жамғармаси каби қатор илм-фанни ривожлантиришга қаратилган олимлар жамиятлари фаолият юритади.

Шунингдек, хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қизларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, уларни спортга кенг жалб этиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли хил соҳалари бўйича хотин-қизларнинг беш юздан ортиқ жамоат бирлашмалари фаолият юритмоқда.

Улар қаторида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар Ассоциацияси, Ўзбекистон хотин-қизлар “Олима” уюшмаси кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

1991 йил 27 декабрда ташкил қилинган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлашдан иборат.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айна пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларини янги босқичга кўтаришдаги фаолияти янада такомиллаштирилди.

Шу ўринда, Ўзбекистондаги аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган жамоат бирлашмаларининг фаолияти ва улар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги қатор давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг эътиборини ўзига тортаётгани алоҳида эътироф этиш лозим. “Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатингиз эришаётган ютуқлар ҳар қанча эътирофга сазовор, – дейди “Европа аёллари лоббиси” ташкилоти Италия бўлими бош котиби Мария Людовика Боттарелли, – Хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасида ҳам муайян тажриба тўпланган. Айниқса, уй меҳнатини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар диққатимни тортди. Буни ўтган даврда ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан биргаликда аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини кучайтириш, ижтимоий мослашуви бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида амин бўлган эдик. Юртингизнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш бугун айна муддаодир” [7].

Демак, фуқаролик жамияти давлат билан жамиятнинг аниқ мақсадли ва ўзаро мувофиқлаштирилган куч-ғайратисиз ташкил топиши мумкин эмас. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида жамоат бирлашмаларининг конституциявий-ҳуқуқий мақомининг мустақамланиши уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда ва юртимизнинг ривожланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларининг муҳим ҳуқуқий кафолатидир. Зеро, мазкур институтларнинг ривожланганлиги ўз навбатида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг янада ишончли ҳимоя қилинишига, шунингдек уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошишига замин яратмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 80 б.
2. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси расмий веб-сайти – <https://kasaba.uz/uzbekiston-kasaba-uyushmalari-federatsiyasining-tarihi/>
3. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъруза // Халқ сўзи, 2017 йил 13 июль.
4. Жалилов А., Муҳаммадиев У., Жўраев Қ. ва бошқ. Фуқаролик жамияти асослари. – Тошкент, Baktria press, 2015. Б.200.
5. <https://ecouz.uz/uz/o-nas/>
6. <http://xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/551>
3-хотин-қизлар-манфаатларини-таъминлаш-фуқаролик-жамиятини-шакллантиришнинг-муҳим-шарти.
7. Маматов Х. Конституциявий ҳуқуқ. – Т.: Yurist-media markazi, 2018. – Б.229.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ // Масъул муҳаррир А.Азизхўжаев. – Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б.228-244.

Дж.И. Сафаров,
юридик фанлар доктори, доцент
А.И.Рўзиёв,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ – ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг ривожланиш ҳолати, шунингдек, бу борадаги асосий тенденциялар таҳлил қилинган. Мақолада шунингдек, тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини тўлиқ жорий этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қонун ижодкорлиги, қонунчилик сифати, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, тартибга солиш оқибатлари.

Аннотация: В статье проведено анализ состояние развития института оценки регуляторного воздействия в Республике Узбекистан, а также основные тенденции в этой сфере. В статье также разработаны конкретные предложения по комплексному внедрению института оценки регуляторного воздействия.

Ключевые слова: законотворчества, качества законодательства, оценка регуляторного воздействия, последствия регуляторного воздействия.

Abstract: The article analyzes the condition of development of the institute of regulatory impact assessment in the Republic of Uzbekistan, as well as the main trends in this area. The article also developed specific proposals for the integrated implementation of the institute of regulatory impact assessment.

Keywords: lawmaking, quality of legislation, regulatory impact, regulatory impact assessment.

Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда норма ижодкорлиги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил январь ойидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи йиғилишидаги, Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларида, шунингдек, Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳам **қонун ижодкорлиги жараёни сифатини тубдан оширишга** қаратилган муҳим йўналишлар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган **қарорларнинг амалда қандай ишлаётганини баҳолаш тизимини жорий этиш**, Вазирлар Маҳкамаси қарорларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги бўйича аҳоли фикрини ўрганиш тизимини амалиётда қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ назариясида ва қонунчиликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қандай ишлаётганини баҳолаш – **тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти** орқали амалга оширилади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалдаги ёки жорий этилаётган тартибга солувчи механизм (қонун ҳужжати)нинг ижобий ва салбий таъсирини баҳолаш усули ҳисобланади. Ушбу институт қуйидаги мақсадларда ўтказилади: норматив-ҳуқуқий ҳужжат

лойиҳаси сифатини яхшилаш; тартибга солиш тизимини яхшилаш ва соддалаштириш; қабул қилинаётган қарорнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий оқибатларини прогност қилиш; тадбиркорлик ва бюджет учун асосиз сарф-харажатларга йўл қўймаслик, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа манфаатдор тараф ва шахслар манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда ҳимоя қилиш.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Хусусан, 2008 йил 18 августда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Халқаро молия корпорацияси ўртасида давлат ва хўжалик бошқарув органлари фаолиятига қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан ўзаро ҳамкорлик Меморандуми имзоланган [1]. 2008 йил 26 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий этишга оид 281-сон қарори қабул қилиниб, унинг асосида қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилган ҳамда мазкур тизимни жорий этишга қаратилган 63 та чора-тадбир белгиланган [2].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон **“Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир этадиган ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли лойиҳа ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқувчилар – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилиши тартиби жорий этилди.

Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимининг айрим элементлари амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Хусусан, 2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ–342-сон **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”**ги Қонуни 20-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи қонун ҳужжатларининг ҳолатини ўрганиши ҳамда қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлаши белгиланган.

Қолаверса, қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйиш назарда тутилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори билан 2018 йил 1 майдан бошлаб барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши бўйича мажбурий талаб белгиланган.

2018 йил 9 июлда янги таҳрирда қабул қилинган ЎРҚ-483-сон “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, Савдо-саноат палатаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун улар юзасидан хулосалар берувчи ваколатли орган ҳисобланади. Палата норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг мазмунига умуман ёки унинг бирор қисмига рози бўлмаган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органга тегишли хулоса киритишга ҳақли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги ПФ-5644-сон “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси таркибида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими ташкил этилди.

Айни дамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 82-сон қарорининг 16-иловасида ушбу бўлимда иқтисодий, молиявий ва пул-кредит соҳасида ҳамда ижтимоий соҳада тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича мутахассислар штатлари тасдиқланган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган **Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида** тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини комплекс ҳуқуқий институт сифатида шакллантириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, унда лойиҳаларни жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш, шу жумладан, фойда, харажат ва қутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш имконини назарда тутувчи тизимни жорий этиш, таъсир кучини баҳолаш тизими тартиб-таомилдан ўтиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг яқунланган рўйхатини шакллантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Гувоҳи бўлганимиздек, Ўзбекистонда тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг муайян элементлари (жамоатчилик муҳокамаси, умумхалқ муҳокамаси, муқобил лойиҳалар тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, Савдо-саноат палатаси хулосаси ва б.қ.) ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланиб келмоқда, шунингдек истиқболда ушбу тизимни тўлақонли амал қиладиган комплекс институт сифатида жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш ривожланган давлатларда самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш имконини берувчи стандарт таомил ҳамда давлат аралашувини комплекс баҳолаш тизими сифатида қонун ижодкорлиги жараёнига кириб келган.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш хорижий мамлакатларда 1960-йиллардан бошлаб қўлланила бошланган. Илк маротаба ушбу тизим **Данияда** 1966

йилда давлат секторига иқтисодий ва маъмурий таъсирни баҳолаш мақсадида қўлланилган. 1997 йилдан бошлаб, Данияда иқтисодиётга маъмурий таъсирни баҳолаш бўйича тизим доимий қўлланила бошлаган.

Ҳозирги вақтда тартибга солиш таъсирини баҳолаш **60 дан** ортиқ давлатларда кенг қўлланилади. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтидан фойдаланиш бўйича халқаро тажриба унинг ёрдамида бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига зарар етказмаган ҳолда давлатнинг сифатли ва мувозанатлашган норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Масалан, **АҚШда** 1981 йилдан бошлаб, барча ижтимоий дастурларни тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича мажбурий тизим жорий этилди. Ҳозирги вақтда тартибга солиш таъсирини баҳолаш барча федерал даражадаги ижро органлари учун мажбурий ҳисобланади. Савдо ва саноат департаменти тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. АҚШда тартибга солиш жараёнини мувофиқлаштириш учун Президент Администрацияси Маъмурий-бюджет бошқармасида 50 штатдан иборат бўлган **Ахборот ва тартибга солиш хизмати** ташкил этилган. Ушбу хизматда сиёсий таҳлил, юриспруденция, иқтисодиёт, статистика ва ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар фаолият кўрсатади [3].

Буюк Британияда эса, Ҳукумат таркибида тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича алоҳида тузилма – Тартибга солиш сиёсати бўйича қўмита (Regulatory Impact Unit) фаолият кўрсатади. Ушбу ташкилот аппаратида бешта гуруҳ фаолият кўрсатади: иқтисодий гуруҳ; тадқиқотлар ўтказиш гуруҳи; бизнес-тартибга солиш гуруҳи; давлат сектори гуруҳи; тартибга солишни нормарказлаштириш гуруҳи. Қўмитанинг 8 нафар доимий аъзоси бўлиб, унда тадбиркорлик, касба уюшмаси, иқтисод, илм-фан соҳасидаги мутахассислар фаолият кўрсатади. Унинг фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш мақсадида 15 нафар ходимдан иборат котибияти фаолият кўрсатади. Мазкур қўмита тартибга солиш сифати устидан назоратни амалга оширади. Қолаверса, ҳар бир департамент (вазирлик)да тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун махсус бўлинмалар ташкил этилган [4].

Мамлакатимизда келгусида Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси доирасида қуйидагиларни назарда тутувчи тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини жорий этиш тақлиф этилади:

– норма ижодкорлиги ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтини **босқичма-босқич амалга ошириш**: дастлаб қонунлар ва уларнинг лойиҳаларини ҳамда кейинги босқичда барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш;

– тартибга солиш таъсирини баҳолаш институтининг объектини **аниқ чегаралаш**: қонун ҳужжатларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаолиятига, рақобатга, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш;

– тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг **институционал асосларини** такомиллаштириш – барча вазирлик ва идораларда тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъулларни ҳамда тартибга солиш таъсирини баҳолашни амалга ошириш учун масъул мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган сифатида **Адлия вазирлигини белгилаш**;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш унинг ўзидан белгиланган муддатларга кўра, ташаббус тартибида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ амалга ошириш тартибини белгилаш, шунингдек, ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида **мамлакатда тартибга солиш соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши ҳолатини муҳокама қилиш**;

– Жаҳон банки Давлат бошқаруви сифати индексининг (World Governance Indicators) муҳим таркибий қисми ҳисобланган Тартибга солиш сифати рейтингидеги (Regulatory Quality Ranking) **Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичларининг тизимли таҳлилин** амалга ошириш ҳамда уларни янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш тизимини жорий этиш;

– халқаро стандартларни, шунингдек лойиҳа ва амалдаги ҳужжатлар бўйича баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда, **тартибга солиш таъсирини баҳолаш методикасини** ишлаб чиқиш;

1. Третьяков И.А. Место конституционного права на обращения в системе основных прав и свобод человека и гражданина // Юрист – Правовед. 2010. № 2. - С. 14 - 18; Подъячев К.В. Модернизация института обращений граждан и возможности повышения эффективности взаимодействия общества и власти в России // Бизнес. Общество. Власть. 2008. - №3. - С. 20 - 27.
2. Латифов А. Парламентский контроль в Узбекистане // Право и политика. 2002. - №5. - С.33.
3. Права человека: учебник для вузов /отв. ред. Е.А. Лукашева. - М., 2002. - С. 95; Матузов Н.И. Актуальные проблемы теории права. - Саратов, 2003. - С. 263.
4. СПС «Консультант Плюс». Версия от 13.05.2019.
5. Информационный бюллетень. Межпарламентская Ассамблея государств-участников Содружества Независимых Государств. 2005. - N 35 (часть 1). - С. 242 – 262.
6. ¹Информационный бюллетень. Межпарламентская Ассамблея государств-участников Содружества Независимых Государств. 2005. - N 35 (часть 1). - С. 242 – 262.
7. Чичерин Б.Н. О народном представительстве. М., 1999. С.54.
8. Кабашов С. Ю. Организация работы с обращениями граждан в истории России. М., 2010. С. 160.
9. Бычкова Е. И. Обращения граждан и правотворческая инициатива граждан как формы участия населения в осуществлении местного самоуправления. С.3.
10. Попов И. Е. Институт права граждан на обращения в органы власти: проблемы понятия и принципиальные особенности // Вестник ЮУрГУ. 2009. № 6. С 91.
11. Миронов М. А. Обращение граждан как конституционно – правовой институт. С.128.
12. Закон Республики Казахстан от 12 января 2007 г. № 221-III «О порядке рассмотрения обращений физических и юридических лиц» [Электронный ресурс] URL: <http://www.pavlodar.com/zakon/?dok=03358&all=a>
13. Саидов А.Х. В правовой путь в третье тысячелетие: концепция судебно-правовой реформы в Узбекистане // Хукук -Право-LAW. 2000. №1. -С.16.
14. Закон Республики Узбекистан от 11 сентября 2017 г. «Об обращениях физических и юридических лиц». www.lex.uz
15. Из годового отчета Народной приёмная Президента Республики Узбекистан по Ташкентской области.
16. Слово о науке. Кн. 1. М., 1976. С. 104.

А.Эранов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш
агентлиги Департамент мудирини ўринбосари

НАТИЖАДОРЛИК – ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

“Натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб,
асосий мезонга айланмоқда. Бу борада 2020 йил
барчамиз учун алоҳида синов ва масъулият йили
бўлади”[1]

Шавкат Миромонович Мирзиёев

Аннотация: мазкур мақолада давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашнинг зарурати кўрсатиб берилган, хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашни самарали ташкил этиш юзасидан тегишли мезонлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, хизматчи, самарадорлик кўрсаткичлари, баҳолаш мезонлари, натижадорлик.

Аннотация: в данной статье показана необходимость оценки деятельности государственных служащих, проанализирован опыт зарубежных стран. На основании результатов исследования разработаны соответствующие критерии по эффективной организации оценки деятельности государственных служащих.

Ключевые слова: государственная служба, служащий, показатели эффективности, критерии оценки, результативность.

Abstract: this article shows the need to evaluate the activities of civil servants, analyzes the experience of foreign countries. Based on the results of the study, appropriate criteria for the effective organization of evaluation of civil servants' activities have been developed.

Key words: civil service, employee, performance indicators, evaluation criteria, performance.

Давлат бошқарувининг сифати ва халқ фаровонлиги ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд бўлиб, бошқарув самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, халқ фаровонлиги шунчалик яхши бўлишига эришилади.

Давлатлар ўртасида кескин рақобат юзага келган ҳозирги даврда тезкорлик билан ўзгариб бораётган янги шароитларга мослашувчан, олдида қўйилган масалаларни тезкор ва сифатли ҳал этишга қодир давлат хизмати аппаратини ташкил этиш ҳамда ушбу борада муваффақиятга эришиш муайян давлатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини белгилаб беради.

Яъни, давлат хизматчиларининг самарадорлиги ва натижадорлиги давлат олдида турган стратегик вазибаларни ўз вақтида амалга ошириш имконини бериши керак.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистонда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат хизмати аппарати сезиларли даражада оширилди, давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга,

- давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг иш самарадорлигини белгиловчи мезонларнинг мавжуд эмаслиги;

- улар фаолиятини баҳолашнинг аниқ механизмларининг йўқлиги;

- давлат хизматчилари жавобгарлик доирасининг аниқ чегараларини белгиловчи эришилиши лозим бўлган кўрсаткичларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;

давлат хизматчиларини лавозим бўйича ўстириш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортишнинг комплекс баҳолаш тизимига асосланмаганлиги давлат хизматчиларини натижадорликка йўналтириш имконини бермаяпти.

Юқоридаги қайд қилинган тизимли муаммоларнинг мавжудлиги давлат хизмати аппарати имкониятларининг тўлиқ сафарбар этилмаслигига ҳамда давлат хизматчиларининг самарадорлиги талаб даражасида бўлмаслигига олиб келмоқда.

Ушбу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Миромонович Мирзиёев** ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматчилари фаолиятини холисона баҳолаш бўйича самарали тизим жорий этиш зарурлиги ҳамда **натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезон эканлигини** алоҳида таъкидлади.

Давлат Раҳбарининг давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш борасидаги сиёсий иродасини амалга ошириш мақсадида **“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги** Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, қонун нормаси билан давлат хизматчиларининг самарадорлигини ва натижадорлигини баҳолаш имконини берадиган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI – key performance indicators) асосида баҳолаш тизимини жорий этиш таклиф этилади.

Мазкур тизимга кўра ҳар бир давлат хизматчиси фаолиятининг ҳисобот даврида эришилиши лозим бўлган самарадорлик кўрсаткичлари белгиланади ҳамда мазкур кўрсаткичларга эришиш даражасига кўра ходим фаолияти объектив баҳоланади.

Баҳолаш тизимини унификациялаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари самарадорлигининг ягона ўлчовларини яратиш учун “намунали”, “аъло”, “яхши”, “қониқарли”, “паст даражада”, “қониқарсиз” каби баҳо турларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ўз навбатида давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларга қуйидаги чоралардан бирини қўллаш мумкин:

- шахсий устамалар тўлаш;
- лавозимда ўстириш;
- малака даражасини навбатдан ташқари бериш;
- номоддий тусдаги рағбатлантириш;
- малака ошириш;
- ротация;
- берилган интизомий жазо чорасини олиб ташлаш;
- эгаллаб турган лавозимга муносиблиги юзасидан аттестация ўтказиш;
- интизомий жазо чоралари;

– давлат органининг қарори билан белгиланадиган бошқа чоралар.

Қонун нормасига давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаб бориш бўйича умумий қоидаларни киритиш, мазкур норма асосида барча давлат фуқаролик хизмати ташкилотларида самарадорликни баҳолаш тизимлари жорий этилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Қайд қилиш лозим-ки, самарадорликни баҳолаш тизимлари аксарият **ривожланган давлатларда** жорий этилган ҳамда амалда давлат хизматчилари самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо аксарият давлатларда (АҚШ, Франция, Австрия, Япония, Корея ва бошқалар) самарадорликни баҳолаш тизимлари жорий этилган ҳамда давлат хизматчилари самарадорлигини оширишда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Жумладан, АҚШ Президент Администрацияси административ бюджет бошқармаси (The Office of Management and Budget) – бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш принципи бўйича давлат органларини баҳолайди [2].

Жанубий Кореяда Ҳукумат фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича кўмита (Government Performance Evaluation Committee - GPEC) ташкил этилган [3].

Малайзия самарадорлик ва натижадорликни бошқариш агентлиги (Performance Management and Delivery Unit – PEMANDU) – Малайзия Бош вазири маъмуриятининг идораси, унинг асосий вазифаси кўрсаткичлар тизими орқали давлат дастурлари самарадорлигини баҳолаш тизими ҳисобланади [4].

Бирлашган Араб Амирлигида Келажак ва ҳукумат ишлари бўйича вазирлик (Ministry of Cabinet Affairs and Future) – Vision 2021 дастури мақсадларига эришиш доирасида амирлик ва давлат идоралари кесимида мониторингини юритади [5].

Сингапурда Иқтисодий ривожланиш давлат кўмитаси (EDB) инвестицияларни жалб қилиш ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши учун маъсул бўлиб ҳисобланади.

Давлат хизматчиларини баҳолаш борасида аксарият хорижий давлатлар томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (ЭМСК, KPI) тизими жорий этилган.

Хусусан, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари – давлат фуқаролик хизматчилари томонидан функционал мажбуриятлари ва топшириқларни ижро этилишининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган ва миқдоран ўлчаш мумкин бўлган баҳолаш индикаторидир.

Шу билан бирга, давлат хизматчиси фаолиятидаги ҳар қандай кўрсаткич ЭМСК бўлиб ҳисобланмайди. Яъни, **ЭМСК бир қатор қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:**

аниқ, прогност қилинаётган натижа ва кутилаётган ижобий ўзгаришлар аниқ белгиланиши;

ўлчанадиган, кўрсаткичларни ҳисоблашнинг муайян шартли бирликларида ўлчаш мумкинлиги;

эришиш мумкинлиги, прогност қилинаётган параметрлар мавжуд ресурс ва ваколатлар билан мувофиқ бўлиши;

вақт чегарасининг мавжудлиги, эришишнинг аниқ муддатлари белгиланиши;

компетентлиги, ЭМСК давлат фуқаролик хизматчисининг жавобгарлиги доирасида бўлиши; давлат ташкилотининг **стратегик мақсадларига эришишга йўналтирилганлиги.**

Шу билан бирга, мамлакатимизда ЭМСКни амалиётда татбиқ этишда ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд:

ЭМСКни жорий этиш ва ҳисоблаш бўйича норматив-ҳуқуқий асослари мавжуд эмас;

ягона электрон ҳужжат айланиш тизимининг мавжуд эмас;

мукофотлаш тизимининг КРІ тизимига мослаштирилмаган;

ўрта бўғин раҳбарларида стратегик режалаштириш бўйича тажриба ва билимларнинг етарли эмас;

давлат ташкилотларида оғзаки ва навбатдан ташқари топшириқларнинг мавжудлиги;

давлат органининг бутун вертикали бўйлаб ўзаро боғлиқ вазифалар занжирининг мавжуд эмас.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун авваламбор давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, уларнинг давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, давлатнинг олдига қўйилган стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича энг юқорида мансабдор шахслардан энг қуйидаги давлат фуқаролик хизматчисига эришилиши лозим бўлган индикатор ва вазифаларни белгилашни кўзда тутувчи **занжир услуги** жорий этиш мазкур борада ижобий самара беради. Жумладан, мазкур услуб давлат органининг миссияси ва стратегиясидан келиб чиқиб, вазифаларни раҳбар, унинг ўринбосарлари, таркибий тузилмалар раҳбарлари ҳамда мутахассисларга босқичма-босқич тушириб боришни назарда тутди. Яъни, давлат органининг стратегик вазифаларига эришишида ўзининг ҳар бир давлат хизматчиси қўшаётган ҳиссасани ўлчаш ва баҳолаш имкони яратилади.

Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини баҳолаш бўйича ягона мезонлар ва тегишли давлат органларининг ваколатлари белгилаш улар фаолиятини ягона ёндашув баҳолаш ва рейтингини шакллантириш имконини беради.

Хусусан, хорижий давлатларнинг тажрибаси ҳамда Ўзбекистондаги давлат хизмати соҳаси ривожининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини баҳолаш бўйича қуйидаги мезонлар ва ваколатли органларни белгилаш таклиф этилади:

1. Стратегик мақсад ва вазифаларини ўз вақтида ва сифатли ижро этиш – Иқтисодий таррақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги;

2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида, тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш, давлат хизматларининг тури ва сифатини ошириш – Халқ қабулхонаси, Адлия вазирлиги;

3. Давлат органи фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;

4. Давлат органлари ва ташкилотларида инсон ресурсларини барқарор ривожлантириш – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги.

Баҳолаш яқунлари бўйича ягона рейтингни шакллантириш ва жараёни холис бўлишини таъминлаш мақсадида юқорида қайд қилинган органлар томонидан шакллантирилган рейтинглар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан умумий рейтинг шакллантириш, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш ҳамда кўрсаткичлар паст бўлган йўналишлар бўйича зарурий чоралар белгилаш тўғрисида тегишли давлат органларига тавсия ва кўрсатмалар бериш тизимини жорий этиш лозим.

Барча **жараёнларни холис амалга ошириш ва инсон омилини камайтириш** учун давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини баҳолаш бўйича **ягона электрон платформа яратиш** лозим.

Ўйлаймизки, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, давлат хизматчилари фаолиятида баҳолаш тизимининг амалда жорий этилиши шак-шубҳасиз уларнинг самарадорлиги ва натижадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. uza.uz. 25.01.2020
2. www.whitehouse.gov/omb/
3. www.kdevelopedia.org
4. www.pemandu.org
5. u.ae/en/about-the-uae/the-uae-government/the-uae-cabinet

Т.Ҳ.Алтмишев,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҲПББ бўлим
бошлиғи, майор

ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада секторлар фаолияти учун масъул бўлган тузилмалар, шу жумладан, ички ишлар органларининг секторлар бўйича фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар таҳлил қилиниб, амалий илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қарор, секторлар фаолияти, халқ фаровонлиғи, жисмоний ва юридик шахслар муурожаати.

Аннотация: В статье анализируется ряд структур, ответственных за деятельность сектора, в том числе за деятельность органов внутренних дел по его совершенствованию, и даются практические научно обоснованные предложения и рекомендации.

Ключевые слова: решение, деятельность секторов, общественное благосостояние, обращение физических и юридических лиц.

Abstract: The article analyzes a number of structures responsible for the activities of the sector, including the activities of internal affairs bodies to improve it, and gives practical, scientifically based proposals and recommendations.

Key words: decision, sector activity, public welfare, appeal of individuals and legal entities.

Биз яшаётган ҳозирги шиддатли давр, олдимизга қўйган улкан мақсадлар барча соҳаларда ўтган қисқа даврда орттирилган ижобий тажрибаларни янада такомиллаштириш, уни мазмун жиҳатдан ривожлантиришни талаб этмоқда. Бугун ҳамюртларимиз нигоҳида ҳаётдан розилик, эртанги кунга ишонч, келажакка интилиш акс этмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, юртдошларимиз барча соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараларини, хусусан, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифати таъминланаётганини ўз турмушлари мисолида кўриб, сезиб туришибди. Бу эса фуқароларнинг бахтли-саодатли, фаровон умр кечиришини кафолатлаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза этиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши эканидан далолат. Тажрибалардан аёнки, ҳар қандай муваффақият негизида халқ ишончини оқлаш, ишга муносабат, қатъий интизому юксак масъулият ётади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Муурожаатномасида ана шу долзарб масалага алоҳида тўхталиб, Халқ қабулхоналари фаолиятида мутлақо янги тизимга – сифат жиҳатидан янада юксак босқичга ўтилиши ҳақида маълум қилган эди(1). Ушбу Муурожаатномада келтирилган устувор вазифаларни таъминлаш мақсадида, 2019 йил 17 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди (2).

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деб таъкидлаган эди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Эл-юртимиз қалби ва онгидан чуқур жой олган бу сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотларни ҳаракатлантирувчи қудратли кучга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ғоявий ўзагига айланди. Халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларимизни рози қилиш йўлидаги залворли ишлар айнан ана шундай эзгу ва ҳаётбахш ғоялар асосида олиб борилиб, тобора янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда. Бундай тарихий ўзгаришлар силсиласида халқ билан мулоқот қилиш, муурожаатлар билан ишлаш бўйича тамомила янги тизимга асос солингани, халқаро миқёсда ноёб тузилма сифатида кенг эътироф этилаётган Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари институти яратилгани шубҳасиз марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ муурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими, янги тизимнинг замонавий усули – Президент Виртуал қабулхонаси ва унинг ишонч телефони ҳамда Халқ қабулхоналари ташкил этилди (3).

Ушбу Қабулхоналар давлат раҳбарига муурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди. Сизда ҳал этилмаган масалалар, муаммолар, ариза, шикоят ёки таклифлар бўлса, муурожаатингизни тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентига 3 хил усулда юбориш имконияти яратиб берилди.

Халқ қабулхоналари халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини ушалтириш мақсадида ташкил этилгани боис ҳам эл-юртимиз ҳаётидан, мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёнидан тез фурсатда ўзининг муносиб ўрнини топиб, ҳар бир ҳудуд ва соҳадаги реал манзарани, асл ҳолат ва мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал қилиш йўлида янги ғоялар, амалий таклиф ва ташаббуслар юзага келадиган, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқиладиган марказларга айланиб бормоқда.

Ўтган даврда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари ёрдамида 2 миллион 500 мингдан зиёд киши ўзини қийнаб келаётган муаммоларга ечим, ўйлантираётган саволларга жавоб топгани уларнинг халқимиз мушуқлини осон, оғирини енгил қилиш, жамиятимизда адолат тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришда амалий аҳамияти нақадар юқори бўлаётганини яққол кўрсатади.

Яна бир халқимизнинг оғирини енгил қиладиган ҳужжат 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ҳисобланади. Ушбу қарор асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида йўлга қўйилган секторлар фаолияти давлат органларини аҳоли билан янада яқинлаштириш, халқ билан тизимли мулоқотни йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда аҳолининг муаммоларини жойида, туман, вилоят ва республика даражасида ҳал этишни таъминлашга қаратилган яхлит тизим яратилди.

Ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари бошчилик

қилаётган секторлар ўз ҳудудларида барча ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошироқда.

Аммо айрим объектив ва субъектив омиллар мазкур тизим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, учта сектор раҳбари – прокурор, ички ишлар ва солиқ органлари раҳбарлари ўз секторларида аниқланган муаммоларни ҳал этиш, сектор штаби фаолиятини тизимли асосда йўлга қўйиш мақсадида ташкилотлардан вакилларни жалб этиш, фаол ишлаганларни рағбатлантириш бўйича зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моливий ваколатларга эга эмас эди. Қолаверса, аниқланган муаммоларни республика даражасида умумлаштириш, уларнинг ҳал этилишини назорат қилиш бўйича шаффоф тизим йўлга қўйилмаганди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда секторлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2019 йил 8 январда давлатимиз раҳбарининг “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди(4).

Мазкур қарор асосида секторлар фаолияти учун масъул бўлган тузилмалар, шу жумладан, ички ишлар органларининг секторлар бўйича фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, секторлар фаолиятига “туман (шаҳар) – вилоят – республика” тамойили жорий этилди. Унга қўра, ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар ва солиқ идораларида секторлар бўйича вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилади.

Ички ишлар вазирлиги вилоят ва туман учун, вилоят даражасидаги ички ишлар ҳудудий органлари эса туман ва шаҳарлардаги секторларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда фаолиятини назорат қилиш учун масъул. Бу республика сектор раҳбари ҳар бир тумандаги ўзларининг секторлари фаолияти самарадорлиги учун шахсан жавобгар бўлишини аниқлатади.

2019 йил 1 февралдан бошлаб муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни янги тизимга асосан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат жами **1 096 та** кичик ишчи гуруҳлар томонидан республика ҳудудларидаги барча туман ва шаҳарлар секторларида ўрганишлар ўтказилмоқда.

Ушбу тизимни ички ишлар органлари тизимида тўлақонли жорий қилиш ҳамда учинчи сектор фаолиятини янги талаблар асосида ташкил этиш мақсадида 2019 йил 22 январда ички ишлар вазирининг “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ички ишлар органлари раҳбарларига бириктирилган секторлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги буйруғи билан мазкур йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи гуруҳ фаолияти йўлга қўйилди. Унинг функционал вазифалари тасдиқланди ҳамда ишчи органи сифатида Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаментининг Ташкилий-назорат бошқармаси белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ички ишлар органлари раҳбарлари ҳамда

уларнинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқлари секторларида қарорда белгиланган идора ва ташкилотларнинг масъул ходимларидан иборат “сектор штаблари” ташкил этилди.

Бугунги кунда ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг масъуллигидаги секторларда аҳолининг турли қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни биринчи навбатда бевосита жойида бартараф этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриб борилмоқда.

Хусусан, 2019 йилнинг 28 июнига қадар 3-секторлардаги жами 2 294 та маҳаллаларда мавжуд 1 млн 560 минг 888 та хонадонлардан (*8 млн 316 мине 657 нафар аҳоли истиқомат қилади*) 1 млн 532 минг 771 таси ёки қарийб 98 фоизи ўрганилган бўлиб, аҳолида 96 165 та муаммолар мавжудлиги аниқланди ва улардан 83 642 таси ёки деярли 87 фоизи бевосита 3-сектор штаблари томонидан бартараф этилган.

Хонадонма-хонадон юриш орқали Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразмда 100 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 99 фоиз, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 98 фоиз, Сирдарёда 94 фоиз ҳамда Тошкент шаҳрида 86 фоиз аҳолининг муаммолари ўрганилган.

Аниқланган муаммолардан 1189 таси уй-жойни таъмирлаш, 8 756 таси уй-жойга муҳтожлик, 1 473 таси табиий газ, 17 773 таси газ ва 369 таси кўмир билан таъминлаш, 1 390 таси электр энергия, 2 189 таси ичимлик суви, 10 502 таси соғлиқни сақлаш, 1 258 таси мактабгача таълим, 124 таси халқ таълими, 16 546 таси бандлик, 10 422 таси банкдан кредит олиш, 6 173 таси моддий ёрдамга муҳтожлик ва бошқа масалалар ташкил этди.

Мазкур муаммолардан Қашқадарёда 96,8 фоиз, Андижонда 96,1 фоиз, Жиззах ва Наманганда 96,5 фоиздан, Самарқандда 93,2 фоиз, Фарғонада эса деярли 92 фоизи жойлардаги бевосита сектор штаблари томонидан бартараф этилиши таъминланган (5).

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб, мавжуд хато ва камчиликларни келгусида йўл қўймаслик мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. Штаб аъзолари иштирокида секторда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, ҳал этилмасдан қолган муаммоларни бартараф этиш юзасидан мақсадли чораларни кўриш;

Шунингдек, муддат ва маблағ талаб этиладиган муаммоларни ечиш борасида ҳудудий ҳокимликлар билан келишилган ҳолда ўрта ва қисқа муддатли чора-тадбирлар режалари (“Йўл харита”)ни ишлаб чиқиш;

2. Ташкил этилган сектор штаблари аъзоларининг ҳар бирига маҳаллаларни бириктириб, улар томонидан олиб борган ишлар юзасидан ҳисоботларни тинглаш амалиётини жадаллаштириш;

3. Ўрганишлар натижасида аниқланган ҳар бир муаммога индивидуал ёндашган ҳолда уларни қисқа муддатларда ечимини топишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар белгилаш ва уларни белгиланган муддатларда бажариш;

4. Режа-жадвал асосида, қабулларга пухта тайёргарлик кўрган ва сектор штаби аъзоларининг барчасини ҳозир бўлишларини таъминлаган ҳолда туман-шаҳар сектор раҳбарлари ўз ҳудудларида ҳар haftaда камида бир маротаба, вилоят штаблари эса

3-сектор ҳудудларида ойда камида икки маротаба сайёр учрашувларни ўтказиш;

5. “Туман (шаҳар)-вилоят-республика” таъмоили асосида вертикал бошқарув тизимини кучайтириш. Бунда вилоят штаблари томонидан ҳудудларда олиб борилаётган ишларни аҳволи чуқур таҳлил қилиб, ҳудудий 3-секторлар томонидан аниқланган муаммоларни бартараф этилишини назорат қилиш ва бу борада амалий ёрдам кўрсатиш;

6. Вазирликнинг мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан мунтазам равишда бириктирилган ҳудудларни танқидий ўрганиб бориш ва аниқланган камчиликларни биринчи навбатда амалий ёрдам кўрсатиш орқали бартараф этиш чораларини кўриш;

7. Сектор штаблари биноларидаги моддий-техника таъминотини қайта кўриб чиқиб, мавжуд камчиликларни ҳудудий ҳокимликлар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБ бошлиқлари кўмагида бартараф этиш.

Хулоса сифатида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг секторлар фаолиятига оид янги қарори асосида секторлар фаолиятини ташкил этиш бўйича янги – адолатли ва таъсирчан тизим жорий этилди. Бу тизим фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш ҳамда секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyas-28-12-2018>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5633/2496-сон

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 5-модда

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 07/19/4102/2434-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган маълумотлар асосида.

Б.А.Норматов,
ТДЮУ катта ўқитувчиси

СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ТАСНИФИ

Аннотация: муаллиф ушбу мақолада солиқ текшируви тушунчаси, солиқ текширувларининг турлари ва шакллари, солиқ текширувларининг нормаларини таҳлил қилиб ёритган.

Калит сўзлар: солиқ текшируви, солиқ текшируви тури, солиқ текшируви шакли, солиқ текшируви таснифи.

Аннотация: в данной статье автор рассматривает понятие налоговой проверки, виды и формы налоговых проверок, классификацию налоговых проверок, а также анализ законодательных норм по проведению налоговой проверки.

Ключевые слова: налоговые проверки, виды налоговых проверок, формы налоговой проверки, классификация налоговой проверки.

Abstract: in this article, the author examines the concept of tax audit, types and forms of tax audits, classification of tax audits, and analysis of legislative norms for conducting tax audits.

Keywords: tax audits, types of tax audits, forms of tax audits, classification of tax audits.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида солиқ ва солиқ солиш қонунчилиги ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш борасида бир-қатор ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 2019 йил 10 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4389-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида реал вақт режимида маълумотлар алмашиш имконини берадиган, солиқ ҳисоботини топшириш тизими билан интеграция қилинган бухгалтерия ҳисобининг ягона ахборот тизимини (Ягона ахборот тизими) ишлаб чиқиши ва жорий қилиши лозимлиги, шундан сўнг 2020 йил 1 январдан бошлаб: Ягона ахборот тизимидан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти ушбу дастурий маҳсулотни қўллаган даврида текширилмаслиги белгиланди.

Юқоридаги қарор билан тасдиқланган Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясига қўра солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш, барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қулай шароитларни таъминлайдиган транспарент ва барқарор солиқ тизимини шакллантириш ҳамда солиқ тўловчилар фаолиятига аралашини, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида «инсон омили»ни ҳамда коррупция ҳолатларининг салбий кўринишларини камайтириш имконини берадиган таваккал-таҳлил ва масофавий таҳлилий ишлар тизими асосида солиқ

назорати тизимини шакллантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.[1]

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан солиқ қонунчилиги ва солиқ органлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғишларида солиқ текширувлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2019 йил 22 февралдаги йиғилишда солиқ ва прокуратура идораси ходимлари қулоғига қуйиб олсин: бу йил янги солиқ тизимининг тартиб-қоидалари ва ҳисоб-китоблари тадбиркорлар онгида тўлиқ шаклланмагунча, уларни жазолашга, жаримага тортишга умуман йўл қўйилмасин. Аксинча, улар тадбиркорларга маслаҳатчи ва кўмакчи бўлиб, солиқларни аниқ ҳисоблаш ва тўлашда тўғри йўл кўрсатиши керак, шунингдек қанчалик мураккаб бўлмасин, бошлаган ислохотларимизни охиригача етказишимиз зарур. Лекин тарғибот-тушунтириш ишларини баҳона қилиб, ўрганишларни текширувга айлантиришга мутлақо йўл қўйилмайди. Ҳалол тадбиркор доимо давлат ҳимоясида, менинг ҳимоямда, — деди давлат раҳбари[2] Ш.Мирзиёев.

Шу билан бирга, 2019 йил 5 июлдаги йиғилишда 2018 йил 29 июнда “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” Президент фармони қабул қилинган эди. Мазкур концепция амалда татбиқ этилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетига 39 триллион 118 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп маблағ тушди. Прогноз 8 фоиз ортиғи билан бажарилгани ҳисобига, маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қўшимча 2,8 триллион сўм маблағ қолдирилди. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ижтимоий тўловлар ставкаси кескин камайтирилгани натижасида 570 мингдан зиёд яширин иш ўринлари легаллаштирилди. 2020 йил 1 январгача солиқ текширувларига мораторий эълон қилингани қайд этилар экан, Давлат солиқ қўмитасига халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда, йил охирига қадар, солиқ тўламаслик хавфини баҳолаш имкониятига эга электрон дастур яратиш вазифаси қўйилди.[3]

Шунинг билан бирга, 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ш.Мирзиёев томонидан фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши кераклиги, 2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутиши, шу орқали иқтисодийимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қўлай муҳит яратишга эришиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.[4]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқ органлари ходимларининг солиқ тўловчиларнинг фаолиятига ноқонуний аралашishi, коррупцияни олдини олиш ҳамда давлат томонидан оқилна текшириш сиёсатини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида солиқ текширувларини ҳуқуқий тартибга солиш яъни солиқ текширувлари тушунчаси, унинг турлари, шакллари ва таснифини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Солиқ текшируви тушунчаси. Солиқ текширувлари солиқ назоратининг асосий шакли ва солиқ маъмуриятчилигининг муҳим бўғини сифатида солиқ органлари томонидан бевосита ва билвосита солиқ

тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини бажаришларини таъминлашга хизмат қилади.

Л.В.Спиринанинг фикрига кўра солиқ текширувлари – ваколатли орган томонидан солиқ солиш объектларида ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларда солиқ ва йиғимларни тўлаш тартибининг ишончилиги ва қонунийлигини ўрнатиш мақсадида қўлланиладиган солиқ назоратининг махсус усуллари жамланмаси ҳисобланади.[5]

В.А.Тимошенконинг таъкидига кўра солиқ текширувлари – солиқ тўловчини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга олиш жараёнини, солиқ тўловчилардан ҳисоботлар ва бюджетга тушумларини, солиқ солиш объектларини солиқ тўловчиларнинг бошқа молия-жўжалик фаолиятини текшириш каби молия текширувларининг таркибий қисми ҳисобланади.[6]

М.А.Дудкиннинг фикрига кўра солиқ текширувлари солиқ ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш бўйича солиқ органининг процессуал ҳаракати. Бу солиқ назорати натижасида олинган фактик ҳолатларни ва солиқ органларига топширилган солиқ декларацияларини солиштириш орқали амалга оширилади.[7]

Бизнинг фикримизча, солиқ текширувлари – солиқ органларининг махсус ваколатли ходимлари томонидан солиқ ва йиғимларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашга қаратилган маъмурий, профилактик ва инфорацион чора-тадбирлари йиғиндиси.

Солиқ текширувларининг тури, шакли ва таснифи. Солиқ текширувлари тури бу унинг бир-биридан фарқ қилувчи усул ва ҳаракатлари жамланмасини ташкил этувчи йўналиши ҳисобланади. Солиқ текшируви шакли эса солиқ турининг ичида текшириш предметиға нисбатан қандай усулни танлашни англатади. Солиқ текширувининг таснифи эса ушбу икки тушунчаларнинг турли мезонлар сифатила таҳлил қилиниши ҳисобланади.

С.А.Шорников солиқ текширувларини иккига бўлади: камерал ва сайёр текширув. Шунингдек, у солиқ текширувларининг таснифини қуйидаги асосларда мезонлайди:

а) текширув объектиға нисбатан: солиқ тўловчиларнинг молия-хўжалик фаолияти масалаларининг қамрови даражаси; солиқ ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг туркуми ва текширилувчи шахснинг статуси бўйича;

б) текширув субъектиға нисбатан: текширув иштирокчиларининг таркиби ва такрорланиш белгиси бўйича;

в) текширувларни ўтказиш ва тайёрлаш усулиға нисбатан: текшириш усули ва текшириш режасиға қараб.[8]

Л.И.Кофлер ва Ю.П.Кашириналарнинг қайд этишича текширилаётган ҳужжатларнинг ҳажми ва текширув ўтказиладиган жойға қараб солиқ текширувлари иккига бўлинади: камерал ва сайёр текширувлар.[9]

Текширилаётган масалаларнинг ҳажмиға қараб солиқ текширувлари учға бўлинади: комплекс, мақсадли ва тематик солиқ текширувлари. Комплекс солиқ текширув – маълум вақт оралиғида солиқ қонунчилиғиға риоя элиши бўйича ташкилотларни молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳисобланади. Мақсадли солиқ текшируви – маълум йўналишда солиқ

қонунчилиги роя этилиши бўйича ташкилотларни молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ҳисобланади. Тематик солиқ текширув – алоҳида масала бўйича ташкилотнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш.

Солиқ текширувларини ташкил этиш усулига қараб режали ва тасодифий текширувларга бўлинади.

Текширилаётган ҳужжатларнинг ҳажмига қараб солиқ текширувлари ёппасига ва танловлига бўлинади. Ёппасига текширув – ташкилотнинг барча ҳужжатларини текшириш. Танловли текшириш – ташкилот ҳужжатларининг бир қисmini текшириш.

А.С.Селивановнинг фикрига кўра камерал ва сайёр солиқ текширувлари солиқ текширувларининг тури ҳисобланмайди, балки солиқ назоратининг мустақил шакли ҳисобланади. Чунки, уларни регламентлаш тартиби бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади ва турли хил ҳуқуқий тартибга солишга асосланади.[10]

Концептуал қоидадан келиб чиқиб, шуни ҳулоса қилиш мумкинки, солиқ назорати солиқ текширувлари ҳисобланади, демак камерал солиқ текшируви солиқ текширувининг бир тури ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, “сайёр” ёки “ҳужжатли” солиқ текширувлари синоним ҳисобланади. Чунки, сайёр солиқ текширувлари солиқ тўловчининг ҳудудида ўтказиладиган текширув. Ҳужжатли солиқ текшируви эса солиқ тўловчининг дастлабки бухгалтерия ва ҳисоб ҳужжатларини текшириш ҳисобланади.

Солиқ текширувлари текширув ўтказиш жойи ва текшириладиган ҳужжатнинг ҳажмига қараб: камерал ва сайёр; текшириладиган масалаларнинг ҳажмига қараб: комплекс, мавзули ва мақсадли; солиқ текширувларини ташкил этиш усулига қараб: режали ва тасодифий; ҳужжатнинг ҳажмига қараб: ёппаси ва танловлига бўлинади.[11]

Н.Н.Быкованинг қайд этишича солиқ назорати (солиқ текшируви)нинг турларига, ҳусусан текширувнинг амалга ошириш жойига қараб: камерал (солиқ органи ҳудудида) ва сайёр (солиқ тўловчининг ҳудудида); манбасига кўра: ҳужжатли (ҳужжатда кўрсатилган маълумотларга асосланиб) ва фактик (гувоҳларнинг кўрсатуви, кўздан кечириш, тафтиш, назорат ҳариди ва бошқа); навбати бўйича: дастлабки ва қайта; режалаштириш даражасига кўра: режали (график бўйича олдиндан режалаштириш) ва тўсатдан (режадан ташқари заруратдан келиб чиқиб); мажбурийлигига кўра: мажбурий (масалан, юридик шахс тугатилаётганда) ва ташаббус тартибида; текшириладиган ҳужжатнинг ҳажмига қараб: ёппасига (дастлабки ҳужжатлар ва регистрлар бутун фаолият давр текширилади) ва танлов (муайян вақтдаги ҳужжатлар текширилади); амалга ошириш вақтига кўра: дастлабки, жорий ва ўткан текширувларга бўлинади.[12]

Т.Ю.Курбатовнинг назарида солиқ текширувлари текшириш жойига қараб: камерал ва сайёр текширувлар; текшириладиган масалаларнинг ҳажмига қараб: комплекс, мавзули, мақсадли; солиқ текширувларини ташкил этишнинг усулига қараб: режали ва тўсатдан; текшириладиган ҳужжатларнинг ҳажмига қараб: ёппасига ва танловли текширувларга бўлинади. Шунингдек, солиқ кодекси назорат ва қайта солиқ текширувларини ҳам назарда тутди.[13]

М.Н.Садчиков ҳам молиқ текширувларининг икки шакли: камерал ва сайёр текширувлар мавжудлигини таъкидлайди.[14]

Бизнинг фикримизча солиқ текширувининг тури – амалга ошириш жойи, усули ва текшириш объектига нисбатан амалга ошириладиган бир-биридан фарқли белгиларга эга бўлган бир-хил йўналишдаги чора-ҳаракатлар йиғиндиси ҳисобланади. Солиқ текширувларининг турлари сифатида камерал ва сайёр текширувларни келтириб ўтиш лозим. Аммо, янги таҳрирдаги 2019 йил 30 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 137-моддасига кўра солиқ текширувларининг турлари 3 га бўлинади: камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви ва солиқ аудити.[15]

Шунингдек, бизнинг фикримизча, солиқ текширувларини ўтказиш даврийлигига қараб режали ва режадан ташқари; мувофиқлаштирувчи органининг иштирокига қараб: рухсат сўраб ва хабардор қилиш тартибида; ташаббус субъектига қараб: мажбурий ва ихтиёрий турларга бўлиш мумкин.

Солиқ текширувининг шакли – солиқ текшируви ўтказиладиган объектга нисбатан унинг қайси турдаги фаолият йўналишини қамраб олишини ифодаловчи кўрсаткичлар жамланмаси. Ҳусусан, юридик адабиётларда солиқ текширувининг шакли сифатида 2 тоифани ажратишади: биринчи тоифа – молия ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ текшириш (тафтиш) иккинчи тоифа – молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текшириш.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган Солиқ кодексининг 85-моддасига кўра солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига роя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

Қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.[16]

Солиқ текширувининг таснифи – солиқ текшируви субъекти томонидан солиқ текшируви объектига нисбатан текширув билан боғлиқ ҳаракат ва чораларини турли мезонлар билан гуруҳлаш ҳисобланади. Масалан, солиқ текшируви таснифи: солиқ текшируви вақти, жойи, усули, даври ва ҳажмига қараб гуруҳланади.

Статистика. Ўзбекистон Республикасида ўтказилган солиқ текширувларининг динамикаси кўра 2012 йилда рўйхатдан ўткан юридик шахслар сони 551.900 та ва ўтказилган солиқ текширувлари сони 19.563 та, 2013 йилда рўйхатдан ўткан юридик шахслар сони 554.400 та ва ўтказилган солиқ текширувлари сони 19.103 та, 2014 йилда рўйхатдан ўткан юридик шахслар сони 56.0500 та ва ўтказилган солиқ текширувлари сони 18.115 та, 2015 йилда рўйхатдан ўткан юридик шахслар сони 58.6800 та ва ўтказилган солиқ текширувлари сони 16.861 та, 2016 йилда рўйхатдан ўткан юридик шахслар сони 616.700 та ва ўтказилган солиқ текширувлари сони 18.524 тани ташкил қилади.[17] Албатта, ушбу динамикада текширувлар сони пасайиб бормоқда ва текшириш тушунчаси сайёр текширувларни англатмоқда.

Агар 1998 йилдан бошлаб солиқ текширувларини амалга ошириш даврийлиги йилда бир маротаба қилиб белгиланган бўлса, 2005 йилдан бошлаб режали текширувларнинг даврийлиги микрофирма ва кичик

корхоналар учун тўрт йилда бир маротабага, бошқа хўжалик субъектлари учун уч йилда бир маротабагача қисқартирилди. Пировардида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилаётган режали текширувлари сони 2015 йилда 2001 йилдагига нисбатан 3.7 баробар камайиб, фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни режали солиқ текширувларига жалб қилиш даражаси 15.9 фоиздан 2.7 фоизга ёки 5.9 баробар камайиши таъминланди.[18]

Чет эл элементи. Солиқ текширувлари деганда қоида тариқасида давлат ички ҳудудида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тушунилади. Аммо, солиқ текширувлари халқаро ҳуқуқ элементларини ҳам қамраб олиши мумкин. Бу борада Е.Д.Кастанова, солиқ маъмуриятчилиги бўйича халқаро ҳамкорликда солиқ маълумотларини алмашиш; солиқларни йиғишга ёрдам бериш; бирвақтда солиқ текширувларини ўтказиш; ҳамкорликда солиқ текширувларини ўтказиш ва хорижда солиқ текширувини ўтказиш каби усуллардан фойдаланилишини таъкидлайди.[19]

Хулоса. Солиқ текширувларининг турлари, шакллари ва таснифи бўйича олимларнинг фикрлари ва қонунчилик ҳужжатларининг мазмунидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб ўтамыз:

биринчидан, солиқ текшируви – солиқ органларининг махсус ваколатли ходимлари томонидан солиқ ва йиғимларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашга қаратилган маъмурий, профилактик ва инфорацион чора-тадбирлари йиғиндиси;

иккинчидан, солиқ текшируви тури – унинг бир-биридан фарқ қилувчи усул ва ҳаракатлари жамланмасини ташкил этувчи йўналиши ҳисобланади, қоида тариқасида камерал ва сайёр текширувларга бўлинади;

учинчидан, солиқ текшируви шакли – солиқ текшируви ўтказиладиган объектга нисбатан унинг қайси турдаги фаолият йўналишини қамраб олишини ифодаловчи кўрсаткичлар жамланмаси ҳисобланади, қоида тариқасида молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ва ушбу фаолият билан боғлиқ бўлмаган текшириш шакллари бўлинади.

тўртинчидан, солиқ текширувининг таснифи – солиқ текшируви субъекти томонидан солиқ текшируви объектига нисбатан текширув билан боғлиқ ҳаракат ва чораларини турли мезонлар билан ғуруҳлаш ҳисобланади. Масалан, солиқ текшируви таснифи: солиқ текшируви вақти, жойи, усули, даври ва ҳажмига қараб ғуруҳланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2019 й., 07/19/4389/3409-сон

2. Шавкат Мирзиёев раислигида солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. 22.02.2019.

<https://president.uz/uz/lists/view/2390>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 июль куни биринчи ярим йилликда давлат бюджетига тушумлар натижадорлигини таҳлил қилиш ва янги вазифаларни белгилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. 05.07.2019 <https://president.uz/uz/lists/view/2698>

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

5. Л.В.Спирина. Налоговые проверки: учебно-практические пособие. М., 2007.-С.6-7

6. В.А.Тимошенко, Л.В.Спирина. Проверки налоговых органов: учебно-практические пособие. М., "Дашков", 2009.-С.15

7. М.А.Дудкин. Налоговые проверки как одна из основных форм налогового контроля // Российское право на современном этапе: материалы науч.-практ.конф. студентов и молодых учёных: у 10-летию юридического факультета РГЭУ «РИНХ» (28 апреля 2006 г.) 2006.

8. С.А.Шорников. Теоретико-правовые основы осуществления налоговых проверок в Российской Федерации. Автореферат. Дисс. канд.юр.наук.-М.2008.-С.18

9. Л.И.Кохлер, Ю.П.Каширина. Налоговые проверки: виды, порядок проведения и оформления результатов.Статья.Воронежский экономико-правовой институт. Территория науки.2017.№1.-С.165-169

10. А.С.Селиванов. Финансово-правовое регулирование форм налогового контроля в Российской Федерации.--С.10

11. А.С.Селиванов. Финансово-правовое регулирование форм налогового контроля в Российской Федерации –С.64-67

12. Н.Н.Быкова. Классификация формы методов налогового контроля в Российской Федерации.Статья. Карельский журнал.2017, Т.6 .№4 (21) -С.143-144

13. Т.Ю.Курбатов. Правовые формы и методы налогового контроля. Диссертация.канд.юр.наук. Москва-2015, -С.66-67

14. М.Н.Садчиков. Камеральные и выездные налоговые проверки как формы налогового контроля. Автореферат. Дисс.канд.юр.наук.Саратов.2010,-С.18

15. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон

16. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон;

17. Ж.Ж.Урмонов. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари: Монография, Т.: "Iqtisod - Moliya",- 2018. - Б.170.

18. Қ.Т.Базаров, У.Қ.Бахтияров. Мустақиллик йилларида миллий солиқ тизимининг ривожланиши. Мақола. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон молия-банк тизимининг ривожланиши мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Тошкент 2016 -Б.40.

19. Е.Д.Кастанова. Правовые основы международного сотрудничества в области избежания двойного налогообложения уклонения от уплаты налогов. Диссертация канд.юр.наук.М.2014,-С.84.

Б. Нариманов,
ТДЮУ катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар тушунчаси, ўзига хос белгилари, нотижорат ташкилотларнинг ривожланган хорижий мамлакатлардаги тавсифи, ННТларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиш тенденциялари ва такомиллаштириш истиқболлари.

Калит сўзлар: нодавлат нотижорат ташкилоти, жамоат бирлашмаси, нотижорат ташкилоти, давлат рўйхатидан ўтказиш, хабардор қилиш, аккредитация, маъмурий тартиб-таомиллар.

Аннотация: в данной статье рассматривается понятие негосударственных некоммерческих организаций в Узбекистане, конкретные признаки, характеристика некоммерческих организаций в развитых зарубежных странах, тенденции развития и перспективы совершенствования организационно-правовых основ НКО.

Ключевые слова: некоммерческая организация, Общественное объединение, некоммерческая организация, государственная регистрация, уведомление, аккредитация, административные процедуры.

Abstract: this article discusses the concept of non-governmental non-profit organizations in Uzbekistan, specific features, characteristics of non-profit organizations in developed foreign countries, development trends and prospects for improving the organizational and legal foundations of NGOs.

Key words: non-profit organization, Public Association, non-profit organization, state registration, notification, accreditation, administrative procedures.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (ННТ) ижтимоий муҳим мақсадларини амалга оширишдаги фаолиятини ҳисобга олмасдан уларнинг юридик мақомини, фуқаролик ҳуқуқи ҳажми ва мазмунини аниқлашга энг мақбул ёндошувларни топиб бўлмайди.

Фуқаролик жамиятининг ўзагини ташкил этадиган нотижорат сектори фаолиятини демократик талаблар асосида йўлга қўймасдан янги Ўзбекистонни барпо этишга ҳам, дунёвий бозор муносабатларини янада ривожлантиришга ҳам эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 58-моддасига кўра, давлат жамоат бирлашмаларининг манфаатларини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Бу борада ННТларнинг демократик жараёнлардаги иштирокини ҳуқуқий таъминлаш уларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг ғоят муҳим шартини ҳисобланади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [1] белгилаб берилган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш

мақсадида давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигининг замонавий механизмлари изчиллик билан такомиллаштирилмоқда.

ННТ атамаси кўпгина давлатлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлсада, аксарият ҳолларда уларнинг конституцияларида бу атама ўрнида жамоат бирлашмаси ишлатилади. Шунингдек, кўпчилик давлатларда ННТга нисбатан махсус юридик таъриф мавжуд эмас. [2]

Ш.Якубов фикрича, Социология, юриспруденция ва политология соҳасида фаолият олиб борувчи ғарблик аксарият мутахассисларнинг фикрича, ноҳуқумат ташкилотлар, (инглиз тилида «non-governmental organizations» (NGO), рус тилида «неправительственные организации» (НПО) фуқаролик жамиятининг асосий институти ҳисобланади. [3; 24-б]

Ш.Назаровнинг фикрича, ҳар қандай жамоат ташкилоти ижтимоий ва энг аввало, ҳуқуқий нормаларга асосланган ташкилий бирлик сифатида намоён бўлади. Жамоат ташкилотлари онгли равишда тизимлашган ички ташкилий муносабатлар йиғиндиси ва ижтимоий воқеликка мақсадга мувофиқ тарзда таъсир этиш учун зарур бўлган ташкилий усулларнинг бутун бир комплексига эга бўлган институт сифатида майдонга чиқади. [4; 21-б]

БМТ томонидан ноҳуқумат ташкилоти “давлат ёки халқаро даражада фуқароларнинг ихтиёрий нотижорат мақсадда ташкил этилган иттифоқи” деб таъриф берилган бўлса, Европа Кенгаши томонидан “ноҳуқумат ташкилоти ўз моҳиятига кўра, ўзини ўзи бошқаришга асосланган ихтиёрий ташкилот” сифатида келтирилади. [5; 17-б]

Россия Федерациясининг “Нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида нотижорат ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, хусусан уюшма (иттифоқ) ташкилий-ҳуқуқий шакли санаб ўтилган. Россия Федерациясининг “Нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг [6;] 11-моддасида ҳам юридик шахслар ва фуқаролар умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш ва бошқа нотижорат мақсадларда уюшма (иттифоқ)га бирлашишлари мумкинлиги қайд қилинган.

Францияда нотижорат ташкилотлар ассоциация деб аталади ҳамда уларнинг фаолияти 1901 ва 1971 йилларда қабул қилинган Ассоциациялар тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади. [7;]

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 40-моддасида тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Мазкур Кодекснинг 77-моддасида тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулккий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкин, шу билан бирга, нотижорат ташкилотлари ҳам ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида

бирлашмалар тузишлари мумкинлиги назарда тутилган.

Ушбу нормаларга эътибор берадиган бўлсак, тижорат ташкилотлари ҳамда нотижорат ташкилотларининг уюшмаларни алоҳида-алоҳида қайд қилинган.

Амалиётда ҳам тижорат ташкилотлари ҳамда нотижорат ташкилотларининг уюшмалар алоҳида органлар томонидан алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан амалга оширилиди.

Хусусан, тижорат ташкилотларининг уюшмалари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори [8;] билан тасдиқланган Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги низомга кўра давлат рўйхатидан ўтказилади. Мазкур Низомнинг 2-3-бандларида тижорат ташкилотларининг уюшмаларини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармалари томонидан амалга оширилиши қайд қилинган.

Бироқ, амалиётда тижорат ташкилотларининг уюшмаларини тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, нотижорат ташкилотларининг уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқармалари томонидан (уларнинг Нодавлат нотижорат ташкилотлари бошқарма ёки бўлимлари томонидан) амалга оширилади.

Бироқ, қонун ҳужжатларида бир ҳам тижорат ташкилотларининг ҳам нотижорат ташкилотларининг уюшмаларини рўйхатдан ўтказувчи орган белгиланмаган. Бу эса, амалиётда тижорат ва нотижорат ташкилотларининг уюшмаларини рўйхатдан ўтказишда айрим муаммолар юзага келишга сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида бир вақтнинг ўзида ҳам юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, шунингдек ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида тузилган аъзоликка асосланган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли назарда тутилмаган.

Масалан, куёнчилик билан жисмоний шахслар ва юридик шахслар ҳам шуғулланиши мумкин. Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги нотижорат ташкилотлар ҳам ўзаро бирлашиш эҳтиёжи юзага келиши мумкин. Амалда эса, бу каби уч ҳил турдаги субъектларни бирлаштирувчи юридик шахсни ташкил қилувчи ташаббускорлар, юридик шахснинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлашда қийналади. Натижада, ташаббускорлар томонидан, фақат бир турдаги субъектларни бирлаштирувчи юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлашга мажбур бўлишади.

Бу эса, юридик ва жисмоний шахслар томонидан умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя

қилиш мақсадида аъзо бўлиш орқали бирлашишларида қийинчиликлар юзага келтирмоқда. Амалиётда эса, бу каби уюшмаларни рўйхатдан ўтказиш масаласига Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари, шу жумладан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят бошқармалари турли ёндашилишига сабаб бўлмоқда.

Конституциянинг 34-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги қайд қилинган.

Шунингдек, Асосий Қонунимизнинг 13-боби жамоат бирлашмалари деб аталиб, ушбу бобдаги 56-62-моддалар жамоат бирлашмалари фаолияти бўйича нормаларни ўз ичига олади.

Конституциямизда фуқаролари қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатлар тушунча ва атамалар қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан сўнг ННТ тушунчаси кенг қўлланила бошланди. Асосий қонунимизда “жамоат бирлашмаси” деб берилган тушунча Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунда ННТларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида берилганлиги ҳам аксарият ҳолларда мутахассислар ўртасида кескин баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида фақат бундай ташкилотлар ташкил этишнинг эҳтимол тутилган мақсадлари белгиланган: «Нодавлат нотижорат ташкилоти ... даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир». [9;]

Шундай қилиб, ННТнинг 4 та ўзига хос белгисини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилади.

Иккинчидан, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмайди.

Учинчидан, олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайди.

Тўртинчидан, ўзини ўзи бошқарувга асосланади.

Ўзбекистонда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланишини турли олимлар ўз илмий ишларида тадқиқ қилишган.

Фикримизча бутун дунёда бугунги кунда амалдаги қонунчиликда мустаҳкамланган ННТ институти “учинчи сектор” сифатида юритиш мақсадга мувофиқ. Бу тушунча юқорида келтирилган ННТнинг 4 та хусусиятини ҳам ўзида акс эттиради.

Бу борада ислохотларни, амалга оширилган ишларни мустақиллик давридаги тарихий ривожланишдан келиб чиқиб, шартли равишда уч босқичга ажратади:

Дастлабки босқич - 1991-2000 йиллар.

Мазкур босқич мустақил Ўзбекистон сиёсий тизими пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Маълумки,

истиқлолгача юртимизда ҳақиқий маънодаги сиёсий партия ҳамда кўппартиявийлик бўлмай, яқка мафкура, ягона партия ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги қатъиян конституциявий асосда белгиланиб, ҳақиқий маънодаги сиёсий партиялар фаолият кўрсатиши учун зарур ҳуқуқий база яратилди.

Иккинчи босқич (2001-2010 йиллар). Бу босқичдаги устувор йўналишларнинг барчасини ўзига қамраб олган энг муҳим вазифа мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада эркинлаштиришдан иборат бўлди. Бу босқичда мустақил ривожланиш йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, ривожланган мамлакатларнинг давлат қурилиши ва бошқаруви бўйича босиб ўтган йўлини чуқур тадқиқ этиш асосида ижобий тажрибани ўтган йиллар мобайнида тўпланган миллий тажрибамиз билан уйғунлаштириш асосида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинди.

Учинчи босқич (2010 йил - ҳозирга қадар). Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма йўналишидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида жамоат бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан қатор таклифларни илгари сурдилар. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш; атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш; фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг очиқ - ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиш каби таклифлар шулар жумласидандир.

Ш.Якубов давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари доирасида мустақилликнинг дастлабки йилларида Конституция қонунларда турли жамоат бирлашмалари фаолиятига оид асосий принципларнинг мустақамлаб қўйилгани ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида бошланган ислохотларни “учинчи сектор” фаоллигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланганлигини эътироф этади. [10;]

А.Жалилов ва бошқаларнинг Фуқаролик жамияти асослари ўқув қўлланмасида [11;] Асосий Қонунимиз билан ННТлар фаолиятига доир асосий тамойилларнинг мустақамлаб қўйилгани ва унинг асосида қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожлантирилганига эътибор қаратади. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасида янги давр бошлаб берганини эътироф этади. Ислохотларнинг мазкур босқичида олий қонунчилик органи ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу муҳим соҳада ислохотларнинг муҳим босқичи бошланганлиги “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ҳамда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги кўплаб муҳим қонунлар қабул қилинганлиги билан асослаб берган.

М.Моховикова ўзининг диссертациясида Ўзбекистонда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўзаро ҳамкорлигини тадқиқ қила туриб Ўзбекистонда ННТлар ривожланишининг илк босқичларини Ҳукумат ижтимоий фаолликни ННТ форматидаги ижтимоий йўналтирилган фаолиятга айлантирилганлиги билан асослантиради. Шунингдек, у Ўзбекистонда ижтимоий шериклик, жамоат фонди каби механизмлар ва замонавий иш шаклларида фойдаланишга қарамай советча тажрибаси асосида давлат томонидан йирик жамоат ташкилотларини тузиш каби ўзига хос ривожланиш йўлини келтириб ўтади. [12; 26-27 б.]

Бизнингча, Ўзбекистонда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланиши турли йилларда қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан чамбарчас боғлиқ.

Шартли равишда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланишини 3 та муҳим босқичдан иборат деб олиш мумкин:

Биринчи босқич. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши ва мамлакат Бош қомусининг қабул қилиниши билан “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги (1991), “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995-1996), “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги (1996), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999) қонунлари қабул қилиниб ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосининг пойдевори ўрнатилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги масалалари” қарорига [5;] асосан жамоат бирлашмалари билан алоқаларни таъминлаш, уларнинг уставларини рўйхатдан ўтказиш ва ана шу уставларга риоя

қилиниши устидан назорат олиб бориш ишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлигига мазкур вазирликнинг марказий аппаратида жамоат бирлашмалари бўйича Бошқарма, Қорақалпоғистон МССЖ Адлия вазирлиги, вилоят ижроия кўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия кўмитаси адлия бошқармаларида тегишли бўлимлар тузилиб, ЎзССЖ Адлия вазирлиги бошқарув системаси аппарати ходимларининг сонини 60 кишига, шу жумладан, Вазирлик марказий аппаратининг сонини 20 кишига кўпайтиришга рухсат этилиши белгиланди.

Демак, мазкур босқични асосий жиҳатларини таҳлил қилиб, биринчидан, ННТлар ҳуқуқий асоси конституциявий норма билан мустаҳкамланганлиги, иккинчидан, кўппартиявийлик тизимининг ҳуқуқий асоси яратилганлиги, учинчидан, давлат ва ННТлар ўртасидаги муносабат, хусусан ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни назорат қилиш механизми ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур институционал ва ҳуқуқий асослар Ўзбекистонда ННТлар давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши учун етарли эмас эди. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги “Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги Қарори ННТлар ташкилий ҳуқуқий асосини ривожланиши борасида янги даврни бошлаб берди. Мазкур босқичда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги (2004), “Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (2007), “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролин кучайтириш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Парламентнинг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма йиғилишида илгари сурган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” [5:] ҳуқуқий асос сифатида “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилинишига олиб келди.

Мазкур босқичда қуйидаги Ўзбекистонда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асослари ривожланиши бўйича қуйидаги муҳим масалаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизми белгиланди. Бу борада жамоатчилик назорати институтига 2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида конституциявий мақом берилди. Мазкур ислохотлар билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ННТларининг роли ва ўрнини оширди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ННТ фаолияти ва молиявий ҳолатининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасида белгиланган юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи қоида ННТларга жорий этилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилаётган давлат божи миқдори 5 бараварга, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилаётган йиғимлар миқдори 2,5 бараварга камайди, Ўзбекистон Республикасида ННТнинг алоҳида бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказишда давлат божи олинмаслиги, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлари икки ой муддат ўрнига бир ой муддатда кўриб чиқилиши белгиланди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, шунингдек, фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилиши давлат томонидан ННТларни қўллаб-қувватлашнинг институционал асосини белгиланишига олиб келди. Мазкур тузилмалар ННТларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошқора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлашга қаратилган.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ННТ фаолият кўрсатишининг қонунийлигини таъминлаш Адлия вазирлигига юклатилиши ННТ ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожланиш дастурларини амалга ошириш, маҳаллий, халқаро ва хорижий нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторинг олиб боришнинг ҳуқуқий механизмининг белгилади. Мазкур ҳужжатларга асосан адлия органлари ННТ тадбирларига эркин кириш имкон бериши ҳамда солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган низомга асосан ННТ адлия органига ҳар йили 1 февралгача – ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши ва фаолиятни молиялаштириш манбалари ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги декларацияни, мавжуд аъзолар сони тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишлари шартлиги белгиланган.

2015 йил 8 июнда “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тадбирларини келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари

тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Аккредитация карточкасининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳужжатлар асосида ННТнинг адлия органлари билан муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизми белгиланди. Масалан, ҳисобот шаклларида ННТларнинг рўйхатдан ўтиши билан боғлиқ маълумотлар, банк реквизитлари, раҳбарлари ва раҳбар органлари, ходимларга оид маълумотлар, почта манзили, аъзолари, ҳамкорлари, уларнинг таъсисчилигида очилган тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари, лицензияланган фаолият турлари, устав доирасида амалга оширилган ишлари, шу билан бирга фаолиятини молиявий таъминлаш маблағлари ҳамда ташкилотни текшириш (мониторинг қилиш) ҳақидаги маълумотларни кўрсатиш

Учинчи босқич. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур босқичда ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустақамлашга қаратилган ишларни қуйидаги 3 та муҳим қисмга ажратиш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида амалий ва самарали мулоқот механизмлари йўлга қўйиш мақсадида қабул қилинган “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Бундан ташқари, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига қўра 2018 йил 1 июндан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган билан ННТнинг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилди. Шунингдек, худди шу санадан бошлаб, ННТга чет давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлар, чет давлатларнинг фуқароларидан келиб тушган пул маблағларидан ва мол-мулкдан, уларни олиш рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилгандан сўнг, бирон-бир тўсиқларсиз фойдаланиш имконияти берилди. Жамоат фондлари ҳар йилги маъмурий харажатлар барча харажатлари суммасининг максимал чегараси 20 фоиздан 30 фоиз этиб деб белгиланди. Бу борада “учинчи сектор” ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан келишиш мажбурий тартибда амалга оширилиши белгиланди. [13;]

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4473-сон Қарори билан тасдиқланган амалий чора-тадбирлар режасининг 8-бандида илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва шаклланган миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти асосида **Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс** лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланди. Мазкур кодексни қабул қилишдан асосий

мақсад ННТлар соҳасидаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари нормаларини ягона кодексга бирлаштириш, ННТларга давлат хизматларини очиб, ошқорча кўрсатишни таъминлаш мақсадида барча маъмурий-тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга ошириш, умуман давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан муносабатларини демократлаштириш ҳисобланади. [14;]

ННТларга адлия органлари билан боғлиқ барча хизмат ва алоқаларни электрон шаклда амалга ошириш имконини берувчи E-ngo.uz сайти синов режимида ишга туширилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосан Жамоатчилик палатаси қуйидаги бир қатор вазибаларни амалга ошириш мақсадида тузилди:

- фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришга ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишга кўмаклашиш;

- аҳоли фикрини тизимли ўрганиш орқали ечимини кутаётган долзарб масалалар муҳокама қилиш ва уларнинг ечими бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифларни киритиб бориш;

- фуқаролик жамияти институтларининг жамият ва давлат ривожига қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва соҳадаги ҳолат ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида йиллик маърузалар тайёрлаш;

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашиш ҳамда мазкур масала бўйича жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш;

- давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини кучайтириш, уларга услубий ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш;

- муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, жамоатчилик билан маслаҳатлашув ва эшитувларини ташкил этиш орқали норма ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилашга кўмаклашиш ва бошқалар.

ННТлар ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожланишини қуйидаги рақамлар яққол кўрсатиб турибди. Жумладан, ННТларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланишини ўрганган биринчи босқичнинг боши яъни 1991 йилда ННТлар сони 100 та бўлган бўлса 2000 йилда қарийб 2000 тани ташкил этган. Иккинчи босқичда, яъни 2015 йилда 8 219 тани ташкил этган ҳолда учинчи босқич, яъни 2019 йил 1 июль ҳолатига 10194 та ННТ рўйхатидан ўтказилган. ННТлар ҳуқуқий асосларига назар ташлайдиган бўлсак, 2020 йилга қадар соҳага оид 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Шу билан бир қаторда ННТ ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид бир қатор таклифларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, ННТлар ва уларнинг рамзларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ барча маъмурий тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга ошириш билан боғлиқ нормаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, рўйхатга

олувчи орган билан боғлиқ барча давлат хизматлари ҳам ННТ махсус сайт орқали мазкур тартиб-таомиллар доирасида масофадан туриб амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, қонун ҳужжатларида бир вақтнинг ўзида ҳам юридик шахслар ҳам жисмоний шахслар умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда химоя қилиш, шунингдек ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида тузилган аъзоликка асосланган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, ННТларни ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш ҳамда жамият ривожланишига қўшган ҳиссасини инобатга олган ҳолда уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари ва методологияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Унда самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари ёки мезонлари сифатида ижтимоий фойдали лойиҳалар сони, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича берилган таклифлари ва улар асосида иш жараёни ва қонун ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартиришлар, жамоатчилик назорати соҳасида фаоллик даражаси кабиларни келтириш мумкин.

Бешинчидан, ННТларнинг хорижий манбалардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш тартибини рўйхатдан ўтказувчи органнинг қонун ҳужжатларига номувофиқлик бўйича эътирозини билдириши мумкинлиги бўйича умумий ваколатини сақлаган ҳолда хабардор қилиш тартибига ўзгартириш.

Олтинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини жамоатчилик томонидан назоратига солиш учун нодавлат нотижорат ташкилотларининг Этика кодексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозим.

Еттинчидан, ННТлар фаолиятини очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар, ўтказётган тадбирлар ва ижтимоий фойдали лойиҳалар, шунингдек жамоат фондлари томонидан хайрия маблағларини мақсадли сарфланиши бўйича ягона электрон платформага жойлаштириб бориш муҳим ҳисобланади.

Саккизинчидан, ННТларни давлат рўйхатидан ўтказишни хабардор қилиш тартибига амалга оширишни жорий этишни эксперимент сифатида қасаба уюшмаларидан бошлаш мумкин.

Тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларида иштирок этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг доимий вакили институтини жорий этиш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатаси кўрилаётган масала хусусиятидан келиб чиқиб, муайян фуқаролик жамияти институтларини сессияларда иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Ўнинчидан, жамоатчилик назоратини амалга оширувчи фуқаролик жамияти институтлари томонидан айнан тор доирадаги мутахассислар томонидан мониторинг амалга оширишнинг аниқ тартибларини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон,
2. Либоракина М. Некоммерческий сектор международный опыт // <https://socpolitika.ru>

3. Ш. Якубов. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари / Монография. – Т.: «LESSON PRESS» нашриёти, 2018 –206 б.

4. Ш.Назаров. Конституция ва жамоат бирлашмалари. /Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А.Х.Саидов. –Тошкент: ТДЮИ , 2012. – 30 б.

5. Боржелли Н. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги // Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. – Т., ART FLEX, -2012.

6. Федеральный Закон от 12.01.96 N 7-ФЗ (ред. от 02.07.2013 с изменениями, вступившими в силу с 14.07.2013) "О некоммерческих организациях" / Законодательная база Российской Федерации/ <https://zakonbase.ru/content/base/63902> .

7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2017 й. 03/18/455/0492-сон, "Ассоциациялар тўғрисида"ги Қонун, www.legifrance.gouv.fr

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/docs/694533>

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда.

10. Ш. Якубов. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари / Монография. – Т.: «LESSON PRESS» нашриёти, 2018 –206 б.

11. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/ А. Жағилов, У. Мухаммадиев, Қ. Жўраев ва бошқ. — Тошкент, 2015, 264 б.

12. Моховикова М.Н. Взаимодействие государства и негосударственных некоммерческих организаций в Узбекистане. АВТОРЕФЕРАТ дис... канд. полит. Наук (23.00.02) / Моховикова Мария Николаевна; МГИМО. – Москва, 2016. 26-27 сс.

13. Маҳмудов З. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий веб сайти / <http://uza.uz/oz/society/fu-arolik-zhamiyatining-mu-im-b-ini-26-06-2015>

14. Эшбоев Р. Нодавлат нотижорат ташкилотлари-га берилган имтиёзлар. Адолат газетаси расмий веб-сайти [https://adolatgzt.uz/news latest/glavnaya-novosty/4755](https://adolatgzt.uz/news/latest/glavnaya-novosty/4755)

С.С.Гулямов,
юримик фанлари доктори, профессор
А.С.Сидиков,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий
кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби бўлим
бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ВИРТУАЛЛАШТИРИШ

Аннотация: В рамках данной статьи, обоснованы и предложены новые фундаментальные, концептуально-базовые принципы судебной реформы – цифровизация и виртуализация экономического судопроизводства, которая позволит существенно обеспечить доступ физических и юридических лиц к правосудию, обеспечить его максимальную открытость и прозрачность. Данная концепция в практическом аспекте реализует принцип независимости и объективности при вынесении судебных решений, будет служить антикоррупционным механизмом и способствовать предотвращению незаконного вмешательства в дела судьи и давления на него со стороны прокуратуры или иных органов власти, что явится концептуальным подходом для пересмотра не только арбитражного, но и гражданского, уголовного, административных процессов и даст существенный толчок в дальнейшем развитии судебной системы любой страны.

Ключевые слова: информационные технологии, цифровая экономика, пандемия, реформы, принципы, антикоррупционный механизм, прозрачность, демократия, право, законодательство, правосудие, судопроизводство, арбитраж, удаленный доступ, электронный документооборот, ЭЦП.

Abstract: Within the framework of this article, new fundamental, conceptual and basic principles of judicial reform are substantiated and proposed - digitalization and virtualization of economic legal proceedings, which will significantly provide access to justice for individuals and legal entities, ensure its maximum openness and transparency.

In practical terms, this concept implements the principle of independence and objectivity in judicial decisions, will serve as an anti-corruption mechanism and will help to prevent unlawful interference in the affairs of a judge and pressure on him by the prosecutor's office or other authorities, which will be a conceptual approach for reviewing not only arbitration, but and civil, criminal, administrative processes and will give a significant impetus to the further development of the judicial system of any country.

Keywords: IT, digital economy, pandemic, reforms, principles, anti-corruption, transparency, democracy, law, legislation, justice, legal proceedings, arbitrage, remote access, e-document, EDS.

Иқтисодиётни рақамлаштириш дунё сиёсатидаги сўнгги ўн йилликнинг асосий тенденцияларидан бири бўлиб келмоқда. Айниқса, кибермақонда иқтисодий алоқаларнинг долзарблиги ортмоқда. Виртуал дунё тобора кўпроқ ҳақиқий ҳаётнинг бир қисмига айланиб бормоқда. Виртуал иқтисодиёт эса ҳақиқий иқтисодиётнинг бир қисмига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни

ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасида давлат, жамият ва хусусий бошқарувнинг барча соҳаларида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши шароитида рақамлаштириш зарурати суд соҳасида ҳам, яъни суд ишларини юритиш жараёнида намоён бўлмоқда. Виртуал маконда суд ишларини юритиш, умуман олганда, карантин шароитида, яъни суд жараёнида иштирок этувчиларнинг шахсан ҳозир бўлиш имконияти бўлмаган ҳолларда, долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг фикримизча, барқарор ривожланишга эришиш учун рақамли билимлар ва ахборот технологияларини чуқур ўзлаштириш лозим, бу эса тараққиётга эришиш учун энг қисқа йўлдан боришга имкон беради. Қўлай инвестициявий муҳитни яратиш суд тизимининг самарадорлиги билан бевосита боғлиқдир. Ўз ваколатларини самарали амалга оширадиган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя қилинишини таъминлайдиган суд тизимини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Мазкур мақола доирасида биз суд ислохотларининг **янги концепцияси** – иқтисодий суд ишларини юритишни рақамлаштириш ва виртуаллаштиришни таҳлил қилдик ва таклиф бердик, бу эса одил судловга жисмоний ва юридик шахсларнинг эришишини сезиларли тарзда таъминлашга имкон яратиб, унинг максимал тарзда очиқ ва шаффоф бўлишини таъминлайди. Бизнинг фикримизча, ушбу концепция амалий жиҳатдан суд қарорларини қабул қилишда мустақиллик ва холислик таъминлини амалга оширади, бу нафақат иқтисодий, балки фуқаролик, жиноий, маъмурий процессларини қайта кўриб чиқишда концептуал ёндашув бўлиб хизмат қилади ва мамлакат суд тизимининг янада ривожланишига муҳим туртки бўлади.

Кўпгина вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон корхоналари ҳали ҳам рақамли технологияларни тўлиқ жорий этишдан узоқдир, десак муболаға бўлмайди. Албатта, “рақамли иқтисодиёт”ни шакллантириш учун тегишли инфратузилма, улкан ресурслар ва ишчи кучи талаб этилади. Аммо, қанчалик қийин бўлмасин, биз бу ишни бугун бошлашимиз керак, акс ҳолда эртага жуда кеч бўлади.

Шу сабабли ҳам рақамли иқтисодиётга тез суръатларда ўтиш кейинги беш йилда бизнинг устувор вазирамиз бўлади [1].

Эҳтимол, виртуал суд жараёни суд келажоғи ҳисобланади, чунки бу суд жараёнинининг барча иштирокчилари учун уларнинг вақтлари ва пулларини тежаш орқали, шунингдек, ҳар қандай пандемиядан қатъий назар, суд жараёнини осонлаштиради.

Адолат билан айтиш керакки, Ўзбекистоннинг иқтисодий судида иш юритишда масофадан туриб суд ишларини юритиш учун баъзи чоралар кўрилди. Видеоконференцалоқа орқали суд процессларини ўтказиш, процесс иштирокчиларини томонларнинг шахсий ҳисоблари ёки электрон почта орқали хабардор қилиш, даъво аризаларини электрон шаклда бериш - буларнинг барчаси иқтисодий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, иштирокчиларга судгача ва суд ҳаракатларини масофадан туриб амалга оширишга имкон беради.

Бироқ, суд жараёнини такомиллаштиришдаги сезиларли ютуқларга қарамай, процессуал кодексларнинг ва суд процессларида ахборот технологияларидан

фойдаланишни тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар деярли ўтган аср тушунчалари ҳисобланган "телеграммалар, факслар, телетайплар ва бошқа алоқа воситалари" тушунчалари билан чекланган бўлиб, улардан замонавий кибермаконда фойдаланишни мураккаблаштиради.

Суд ишларини юритишни рақамлаштириш ва виртуаллаштириш учун қонунчилик базасини яратиш, аynикса рақамли иқтисодий ривожлантириш йилида катта ютуқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан, иқтисодий суд ишларини юритишни такомиллаштириш мақсадида, иқтисодий ва бошқа суд ишларини юритишнинг қуйидаги **концептуал ва базавий тамойиллар ва тартиб-таомилларни**, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мустаҳкамлашни тақлиф қиламиз:

- даъво аризасини ёки суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани фақат даъвогар ёки аризагининг электрон почтасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ЭПК деб юритилади)да назарда тутилган талабларга мувофиқ иқтисодий суднинг ягона электрон почтасига фақат электрон шаклда бериш;

- ишда иштирок этаётган шахсларга виртуал суд жараёни вақти тўғрисида уларнинг электрон почта манзиллари ёки шахсий кабинетларига хабар қилиниши керак;

- даъво аризаси ёки суд буйруғи қайтарилган ёки уни қабул қилиш рад этилган тақдирда, судья бу ҳақида ажрим қабул қилади ва уни даъвогар ёки аризага электрон почта орқали ёки уларнинг шахсий кабинетига юборади;

- иш юритиш учун даъво аризаси қабул қилинганда ва иш қўзғатилиши билан суд жараёни иштирокчиларига процессуал даъво аризасини қабул қилиш ва виртуал суд мажлисини тайинлаш тўғрисида электрон хабар бериш виртуал суд зали (кейинги ўринларда виртуал зал деб юритилади)га кириш учун паролларни иқтисодий суднинг веб-сайтида тақдим этган ҳолда электрон почта ёки иштирокчиларнинг шахсий кабинетлари орқали амалга оширилади;

- виртуал хона - ёпиқ суҳбат учун майдон бўлиб, унга фақат суд жараёни иштирокчилари парол орқали киришлари мумкин. Шу билан бирга, иштирокчилар виртуал залга ҳам шахсий компьютердан, ҳам Интернетга уланган мобил қурилмалардан киришлари мумкин. Ишни кўриб чиқиш учун белгиланган вақтда судья суд процессининг барча иштирокчиларининг виртуал иштирокини ЭПК асосида текширади. Барча иштирокчиларнинг виртуал хонага киришини тасдиқлаганидан сўнг судья суд бошланганлигини эълон қилади;

- судья суд мажлиси иштирокчиларини ўзининг Ф.И.Ш. билан таништирмайди. Судья судгача ва суднинг бирон бир босқичида ўзини танитмайди. Ушбу қонуннинг бузилиши жиноят иши қўзғатилгунга қадар судьяга нисбатан интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Судья албатта маълум бир логин билан шифрланган бўлади. Ушбу логин судьянинг электрон рақамли имзоси (бундан кейин - ЭРИ) орқали имзоланади. Бундай ҳолда, ҳар бир суд мажлиси учун, шунингдек ҳар бир (апелляция, кассация ва назорат) инстанцияси учун логин ҳар хил бўлиши керак. Бу бошқа суд жараёнларида судьяни иштирокчилар томонидан виртуал суд жараёнида кўриши мумкин бўлган логин орқали таниб олишини олдини олиш мақсадида қилинади;

- белгиланган вақтда виртуал хона судьянинг рухсатисиз автоматик равишда очилади ва суднинг электрон имзоси билан суд охирида ёпилади. Жараён иштирокчиларига виртуал хонага белгиланган вақтда судьянинг рухсатисиз киришга рухсат берилади. Чиқиш суд мажлисининг якунида судьянинг электрон рухсати билан амалга оширилади. Агар судья белгиланган вақтда ўзининг иштирокини электрон рақамли имзоси билан тасдиқламаса, бу виртуал суд ўтказилмаганлиги сабабли суд мажлисини бошқа кунга қолдириш учун асос бўлади. Ўз навбатида, судьянинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар автоматик равишда маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг инспекциясига юборилади;

- суд жараёнида қатнашувчилар виртуал хонадан судьянинг рухсатисиз чиқиб кета олмайди. Виртуал залдан фақат техник сабабларга кўра (Интернет сигналнинг етишмаслиги) чиқиш мумкин. Чатни такрорий тарқ этиш, сабаблардан қатъий назар, тарқ этган тарафнинг иштирокисиз ишни кўриб чиқиш учун асос бўлади. Агар суд жараёнида иштирок этаётган шахс чатдаги суҳбат чоғида суд мажлисида раислик қилувчи томонидан берилган саволларга жавоб бермаса, судья бу ҳолатни саволга жавоб беришдан бош тортиш сифатида кўриб чиқишга ҳақли. Шунингдек, суд интизоми бузилган тақдирда, тарафлар автоматик равишда виртуал хонадан чиқарилиши мумкин ва бу ҳақида чатда автоматик тарзда юритиладиган суд мажлиси баённомасида тегишли ёзув қайд этилади;

- виртуал хона тарафларга суд томонидан кўриб чиқиш учун зарур бўлган ёки сўралган барча ҳужжатларни юклашга имкон беради. Агар бошқа тарафда электрон шаклда тақдим этилган ҳар қандай ҳужжатнинг ҳақиқийлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлса, унинг илтимосига биноан судья ЭПКнинг 80-моддасига мувофиқ суд экспертизасини тайинлаши мумкин. Бундан ташқари, агар экспертиза хулосаси билан шубҳа ўйотган ҳужжат ҳақиқий деб топилган бўлса, шубҳа пайдо бўлган тараф экспертизанинг барча харажатларини ўз зиммасига олади;

- виртуал хонада тартибни таъминлаш учун судья чатни бошқаради ва у раислик қилувчи сифатида кимга сўз берилишини (бу ҳолда, чатда ўз сўзини ёзиш ҳуқуқини) белгилаб беради ва кейин худди шу ҳаракатни амалга ошириш учун чатни бошқа тарафга ўтказди. Бир иштирокчи фаоллаштирилганида, бошқа иштирокчи блокланади, сўнгра бошқа тараф фаоллаштирилади ва биринчи тараф блокланади. Бу оддий суд жараёнларида бўлгани каби, суд жараёнида суд тартибини сақлашга ва иштирокчиларни бири-бирига халақит бермаслигига имкон беради;

- агар процессни бошқа кунга ўтказиш керак бўлса, судья виртуал суд пайтида чат орқали бу ҳақида хабар беради;

- суд мажлиси котибининг виртуал жараёнда иштироки талаб этилмайди, чунки протокол автоматик равишда чатда сақланади. Виртуал суд жараёни якунига кўра, судья чатдаги суҳбатни алоҳида электрон файлга юклайди, бу эса суд мажлисининг баённомаси бўлиб хизмат қилади. Суд муҳокамаси тарафлари виртуал суд процессининг электрон файлини электрон ариза билан бирон-бир давлат божини тўламасдан олиш ҳуқуқига эга;

- виртуал суд мажлисида тақдим этилган ҳужжатлар, шу жумладан суд жараёни давомида ариза ва илтимосномалар электрон рақамли имзо билан имзоланиши керак;

- агар мутахассис, гувоҳ, эксперт ёки таржимонни, шунингдек адолатли қарор қабул қилиш учун иштироки муҳим бўлган бошқа шахсларни таклиф қилиш зарурати вужудга келса, судья виртуал судга кириш учун бир марталик пароль тақдим этади. Ушбу кириш пароли судьянинг уларни таклиф қилиш ёки учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жалб қилиш тўғрисидаги электрон ажрими асосида асосида техник хизмат кўрсатиш маркази томонидан берилади. Кириш пароли йиғилиш вақти ва жойи, шунингдек суднинг виртуал мажлисида иштирок этиш тўғрисида кўрсатма билан биргаликда суд қатнашувчисининг электрон манзили ёки шахсий кабинетига юборилиши мумкин;

- аудио ёки видео хабарлар ёрдамида виртуал судда иштирок этишга йўл қўйилмайди, суд мажлиси қатнашчиси кўзи ожиз ёки кўриш имконияти чекланган ҳоллар бундан мустасно. Агар процесс иштирокчиларидан бири кўзи ожиз ёки кўриш имконияти чекланган бўлса, суд унга бутун суд жараёнининг овоз чиқариб ўқишлини таъминлаши керак;

- суд мажлиси якунида судья суд қарорини судьянинг ЭРИ томонидан имзоланган электрон файл кўришида виртуал суд залига (чатда) юклаб қўяди. Суд қарори идентификация қилинадиган QR-кодида эга бўлиши керак, унга кўра суд қарорларини ижро этувчи органлар судьянинг электрон рақамли имзоси билан имзоланган ижро тўғрисидаги ҳужжатни оладилар. QR-коди ноёб бўлади ва ҳар бир суд қарорига идентификация қилиш учун берилади;

- суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда судьянинг электрон рақамли имзоси билан имзоланган ва идентификация қилинадиган QR-кодида эга суд буйруғи ижро этиш учун суд қарорларини ижро этувчи органнинг шахсий кабинетига ёки электрон почтасига юборилади;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларида ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатларида апелляция ва кассация ишларини уч (беш ёки етти) нафар судьядан иборат коллегиал таркибда кўриб чиқишда уларнинг ҳар бири виртуал суд мажлисида бир вақтнинг ўзида ўзларининг шахсий логинлари билан қатнашадилар ва суд ҳайъати аъзолари бир-бирларини билишмайди, чунки улар шифр орқали номсизлантирилган бўлади. Ушбу жиҳат, ҳар бир судья низо бўйича ҳақиқатан ҳам ўз фикрини билдиришини ва одатда амалда бўлганидек, раислик қилувчининг фикрига қўшилмаслигини таъминлайди. Шу билан бирга, судьялар ҳеч қандай иккиланишларсиз ўз фикрларини билдиришлари мумкин, чунки улар шифрланган бўлиб, раислик қилувчининг фикри билан рози бўлишнинг оқибатларидан қўрқмайдилар;

- виртуал суд жараёнида прокурорнинг иштироки иштирок этаётган прокурорнинг шахсини судьянинг шахсини шифрлаш каби амалга оширилиши фарқи билан таъминланади. Судья ва прокурорнинг эгасизлантириш суд жараёнида инсон омилининг йўқлигини таъминлайди. Прокурор судья билан суд залидан ташқарида ишни муҳокама қила олмайди, чунки у судьянинг шахсини билмайди. Ушбу омил коррупцияга қарши механизм бўлиб хизмат қилади ва судьянинг ишига ноқонуний аралашуш ҳамда унга прокуратура ёки бошқа органлар томонидан босим ўтказилишининг олдини олишга ёрдам беради.

Иқтисодий судларда суд жараёнини виртуаллаштириш даъвогарларнинг ташрифи вақтини ва ҳарajatларини камайтиради, чунки бу ҳолда иштирокчи-

ларнинг шахсан ҳозир бўлиши шарт эмас. Иштирокчи исталган вақтда ва исталган жойда Интернетга уланган шахсий компьютер ёки мобил қурилмадан фойдаланган ҳолда ишда қатнашиши мумкин. Йўллардаги ва бошқа сабабларга кўра суд мажлисига кеч қолиш ҳолатлари камаяди. Виртуал судга кечикишнинг ягона сабаби, иштирокчининг жойлашган жойида Интернетнинг йўқлиги бўлиши мумкин. Бироқ Ўзбекистонда Интернет ва ахборот технологияларининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, иштирокчининг шу сабабга кўра кечикиши сезиларли эмас.

Бундан ташқари, иқтисодий судларда судларни виртуаллаштириш орқали ушбу судларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш учун давлат ғазнасидан ажратиладиган бюджет маблағлари келажакда сезиларли даражада камаяди, чунки ҳудудларда судларнинг фактик жиҳатдан мавжудлиги зарур бўлмаслиги мумкин.

Фикримизча, суд жараёнларини виртуаллаштириш бўйича лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши биноларни сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш ходимларини қисқартириш имкониятини беради, бу эса, ўз навбатида, бюджет маблағларининг қисқаришига олиб келади.

Судларни виртуаллаштиришнинг юқорида тавсифланган концептуал тамойилларидан фойдаланиш, шубҳасиз, Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамиятида суд ишларини юритиш рейтингини оширади.

Энг муҳими, суд жараёнларини виртуаллаштириш карантин, эпидемия, пандемия ҳолатларида ҳам суд мажлисларини масофадан туриб (он-лайн режимда) амалга оширишга имкон беради.

Ушбу жараёнда махфийлик алоҳида аҳамият касб этади. Судьянинг кимлиги сир сақланиши керак, бу албатта судья фаолиятига аралашуш ва босим омилини бартараф этишга ёрдам беради. Виждонсиз суд жараёни қатнашчиси судья тўғрисидаги маълумотларни билганида, у албатта ишни ўзининг фойдасига коррупцион йўллар орқали ҳал қилиш мақсадида судья билан учрашиш имкониятини қидиради. Судьяларнинг анонимлиги суд тизимида ушбу салбий ҳолатларни олдини олишга ёрдам беради, агар судьянинг ўзи иштирокчилар билан алоқа ўрнатиш йўлини қидирмаса. Шу муносабат билан судьяга пора бериш тўғрисидаги ҳар қандай хабар судьянинг айбдор эканлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак, чунки судьянинг кимлигини унинг хоҳишисиз аниқлаш имконияти истисно қилинади.

Шифрлаш базаси махфийликнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ушбу база суд тизимидан ташқарида ишлаши керак. Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш судьянинг иш юкмасига қараб автоматик равишда амалга оширилади. Шу билан бирга, махфийликни сақлаш жуда муҳим: қайси иш кимга нисбатан чиқарилганлиги сир бўлиши керак. Шунинг учун шифрлаш иш автоматик равишда судьяга топширилган пайтдан бошланади. Судьянинг логини ҳар сафар автоматик равишда ўзгариши керак, акс ҳолда судья ўзини суд раисига танитиши мумкин. Махфийлик ҳолати ҳар қандай вазиятда ҳам процесснинг барча босқичларида қолиши керак.

Маълумотлар базасини автоматлаштириш ҳар қандай инсон омилини олдини олади. Бундай ҳолда база суд қарамоғига кирмайдиган техник марказ томонидан юритилиши лозим. Акс ҳолда, судья ёки бошқа манфаатдор шахс техник марказдан маълумотни олиб танишиши мумкин. Бундай ҳолда, техник марказ бирон бир куч ишлатар тузилмага кирмайдиган органнинг

таркибида бўлиши керак. Мазкур лойиҳани амалга ошириш кўп пулни, шунингдек кўп вақтни талаб қилмайди. Фикримизча, ушбу лойиҳани ҳозирги кунда, айниқса карантин шароитида синовдан ўтказиш мумкин.

Бундан ташқари, иқтисодий суд ишларини виртуаллаштириш судларда тез-тез учрайдиган баъзи салбий омилларни четлаб ўтишга имкон беради. Мисол учун, судларда, бир тарафнинг нутқи пайтида, бошқа тарафнинг вакиллари юз ифодасини ўзгартириб, бошларини силкитиб, бармоқларини кўрсатиб, жилмайиб, масхара қилиб ва турли тақлид ҳамда имо-ишоралардан фойдаланган ҳолда судьяга ёки қарама-қарши тарафга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилишади. Ушбу ҳаракатлар бошқа тарафга салбий таъсир кўрсатиш ва суднинг эътиборини бошқа томонга йўналтириш учун амалга оширилади, суд жараёнидаги бу ҳаракат одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келмайди. Судья ҳам одамдир, шу сабабли ҳам у, албатта, ҳиссиётларга берилиб кетиши мумкин, айниқса у ҳали тажрибага эга бўлмаса, ва бунинг натижасида нотўғри қарор чиқариши мумкин. Виртуал суд муҳокамасининг афзалликларидан бири бу ҳиссиётларга берилмаслик бўлиб, бу фактларни ва умуман ишдаги ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан совуққонлик билан баҳолаб боришга хизмат қилади.

Лойиҳани амалга ошириш учун, биринчи навбатда, виртуал суд залини яратиш, суд чатлари, пароллар, логинлар, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг мавжуд маълумотлар базаси билан интеграция қилиш ва бошқа техник жараёнлар билан боғлиқ техник ишларни амалга ошириш керак.

Агар чет эл тажрибасини синчковлик билан ўрганидан бўлсак, виртуал суд процедуралари аллақачон бир қатор мамлакатларда, масалан, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Хитой, Ҳиндистон, АҚШ ва бошқа мамлакатларда амалиётда қўлланилаётганлигини гувовчи бўлишимиз мумкин.

Ушбу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида, биринчи навбатда, суд тизимларини ривожлантириш бўйича амалиёти Ўзбекистонга яқин мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш тавсия мақсадга мувофиқ.

Қозоғистон. Бу борада қўшни Қозоғистоннинг тажрибаси ўрганиш мақсадга мувофиқ, чунки Қозоғистон бизга нафақат жуғрофий ва тарихий жиҳатдан яқин бўлиб, балки МДҲ мамлакатлари орасида Қозоғистон суд амалиётида рақамли жараёнларни виртуаллаштириш ва рақамлаштириш бўйича етакчи ўринларни эгаллайди.

Қозоғистон Республикаси Олий судининг раиси Ж. Асанов 2017-йилда суд залида иштирокчиларни тўплашни шарт бўлмаган виртуал суд ташкил этиш ҳақида топшириқ берган, деб хабар беради "Казинформ" [2].

Шундай қилиб, Қозоғистон суд тизими суд жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш ва рақамлаштиришни оммалаштириш доирасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Илғор ИТ-технологияларидан кенг фойдаланиш, ахборот тизимларининг интеграцияси одил судловнинг тезкорлиги ва шаффофлигини жиддий равишда оширади. "Виртуал суд" лойиҳаси суд тизимининг илғор ИТ-технологияларидан бири саналади.

"Виртуал суд" пилот лойиҳаси "Электрон суд" лойиҳаси доирасида, Қозоғистон суд тизимини ривожлантиришнинг етти устувор йўналишларидан бири

сифатида бошланган. Бу низо тарафларига видеоалоқа орқали суд жараёнига тўғридан-тўғри боғланиш ва судга далилларни тақдим этиш имконини беради. Бунинг учун смартфонга "TrueConf" дастурини ўрнатиш кифоя қилади [3].

"Виртуал суд" лойиҳаси ишларни кўриб чиқишда қўлланилади ва агар судга келиш имкони бўлмаса, тарафларнинг суд жараёнида тўлиқ иштирок этишига имкон яратади. Бу, айниқса, ноқулай об-ҳаво шароитида ёки томонлардан бири бошқа шаҳар (вилоят, мамлакат)да истиқомат қилганда долзарб аҳамият касб этади. Агар илгари судда шахсан иштирок этиш талаб қилинган бўлса, энди суд мажлисни замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиш ҳуқуқига эга.

"Виртуал суд" мобил иловасининг афзалликларидан бири бу тезкорликдир. Мобил дастур уйда, офисда ва ҳатто саёҳат пайтида ҳам қўлланилиши мумкин. Терминал сифатида ишлай оладиган қурилма сифатида ҳар қандай мобил телефон, смартфон, планшет, компьютердан фойдаланиш мумкин, унга махсус "TrueConf" иловасини ўрнатиш кифоя қилади, бунинг асосий мезони Интернетдан фойдаланиш имконияти мавжудлигидир.

Суд мажлиси "Виртуал суд" мобил иловаси ёрдамида ўтказилиши учун тарафларнинг бири ишни кўраётган судьянинг номига илтимоснома билан мурожаат қилиши керак. Кейин суд котиби тарафга керакли соғламаларни ўрнатишга ёрдам беради. Ушбу дастур ҳар қандай ёшдаги одамлар учун қийинчилик туғдирмайди, улардан фойдаланиш осон. Белгиланган вақтда мобил телефонга оддий кўнғирок келиб тушади ва абонент суд мажлиси зали билан боғланади. Ягона шарт суд мажлисини ёзиб олишга рухсат бериш ҳисобланади [4].

"Telegram" ва "WhatsApp" мессенджерлари орқали суднинг электрон мулоқотини амалга ошириш суд ишларини юритиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни тезда ҳал қилишга имкон беради. СМС-хабарлар орқали фуқаролар алоқа маълумотларни, ариза ва илтимосномалар намуналарини, давлат божларини тўлаш учун тўлов реквизитларини тезкор олиш имкониятига эга бўлишади.

Қозоғистон 2017 йилда судда виртуал иш юритишни бошлаган, бу вақтда Россияда бу имконият фақатгина муҳокама қилинаётган эди. Бу таниқли юрист Р.Бевзенконинг блогида умумий юрисдикция судларини ислоҳ қилиш истиқболлари тўғрисидаги муҳокама давомида айтиб ўтилиб, унда судья ишини автоматлаштириш, шу жумладан юқори турувчи судларнинг ҳуқуқий позицияларини рақамлаштириш орқали такомиллаштириш ҳақида сўз юритилиб, мазкур ислоҳот суд амалиётининг бир хиллигига ижобий таъсир кўрсатиши алоҳида таъкидланди [5].

Россия Федерацияси. Россиянинг ушбу соҳадаги тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатдики, Россия суд ҳамжамияти виртуал суд муҳокамаси масаласини аллақачон муҳокама қилган, ammo бундай лойиҳани жорий этиш фақат шу йилдан бошланган. Хусусан, 2020 йил апрел ойида биринчи марта Россия Федерацияси Олий судида онлайн суд мажлиси бўлиб ўтди.

Олий суд матбуот хизматида тушунтирилганидек, энди онлайн жараёнга жалб қилинган тарафлар ҳеч қарга боришлари шарт эмас, чунки суд мажлисига уй ёки офис орқали уланиб судда чиқиш қилиш мумкин бўлади.

Бунинг учун онлайн мажлис иштирокчилари судга ўз ваколатларини тасдиқловчи ариза ва ҳужжатларни олдиндан юборишлари ва ўзларининг шахсини “Давлат хизматлари портали” орқали тасдиқлашлари керак. Тасдиқлашдан сўнг, улар ишни кўриб чиқаётган Олий суднинг виртуал суд залига ҳаволани олишади.

60-КГ20-2-сонли иш бўйича суд мажлиси шу тарзда давом этди. Низони кўриб чиқиш бир соатдан камроқ вақт давом этди ва мажлиснинг ўзини YouTube орқали кўриши мумкин бўлди. Тарафларга ўзларини таништириш ва шахсларини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт)ни камерга кўрсатиш илтимос қилинди.

Процессуал ҳуқуқлар одатий тушунтирилгандан сўнг, тарафларда ҳеч қандай рад этишга асослар пайдо бўлмаган. “Ҳайъат бу ишни веб-видеоконференцалоқа орқали кўриб чиқишга қарор қилди”, - деди суд тарафларнинг розилигини олгандан сўнг ҳамда тарафлардан илтимосномалар бор-йўқлигини сўради ва бошқа шахслар бўлмаган тақдирда ишни кўриб чиқишга аниқлик киритди. Кейин мажлис одатий режимда давом эттирилди [6].

Ҳитой. Онлайн-суд технологиясини синаб кўриш Хитойда 2015 йилдан бери давом этмоқда. Мазкур жараён Хитойнинг Хуанчжоу шаҳридан бошланиб, 2019 йил 28 июнда эса Хитой Олий суди қуйидаги пресс-релизни чиқарди:

“Пекин Интернет-суди пайшанба куни дунёда биринчиларда бўлиб сунъий интеллектга эга виртуал судья (AI-судья) билан суд ишларини юритишнинг онлайн марказини ишга туширди.

Нутқ ва тасвир синтези интеллектуал технологиялари асосида ишлаб чиқилган AI-судья судьяларга вақти-вақти билан тақдорланадиган асосий ишларни, шу жумладан даъво аризасини олишга ёрдам беради ва шу билан профессионал амалиётчиларга суд жараёнларига эътибор қаратишларига имкон беради.

Виртуал судьянинг овози, юз ифодалари ва ҳаракатлари ҳақиқий одамдан кўчирилган. Шунингдек, у фойдаланувчиларга онлайн суд платформасини ишлатишда ёрдам бериш орқали суд жараёни бўйича кўрсатмаларни тақдим қилиши мумкин.

Янгилик суд ишлари сифати ва самарадорлигини ошириши кутилмоқда. Технология ривожланиб боргани сари, AI-судья профессионал суд билимлари ва ҳақиқий судьяларнинг кўрсатмаларига асосланган фойдаланувчилар билан ақлли савол-жавобларни амалга оширишга қодир бўлган ёрдамчи ролини ўйнайди” [7].

Дубай (БАА). Юқорида айтиб ўтилганларга қўшимча равишда шуни ишонч билан таъкидлашимиз мумкинки, Дубай (БАА) судлари биринчи марта 2020 йил 19 апрелдан бошлаб масофавий равишда суд мажлисларини ўтказишни бошладилар. Видеоконференцалоқа режимдаги мажлислар барча инстанцияларда, шу жумладан биринчи инстанция, апелляция ва кассация судларида бўлиб ўтади.

Мажлис иштирокчилари, шу жумладан судьялар, суд мажлиси котиблари ва адвокатлар, уйдан чиқмасдан қатнашишлари мумкин, бу эса ҳар кимга корона-вирус пандемиясидан ҳимояланишга ёрдам беради. Судлар жиноят ишларидан ташқари барча ишларни соат 08:00 дан 10:30 гача кўриб чиқади.

Барча манфаатдор тарафлар Дубай судларининг расмий веб-сайтида рўйхатдан ўтиши, тингловчилар жадвалини текшириши ва камера белгисини босиш орқали керакли мажлисга уланиши мумкин.

Шубҳасиз, “виртуал” суд мажлисларини ўтказиш ҳудудий тўсиқларни йўқ қилади, уларни енгиш учун сарф қилинадиган вақт ва моддий ресурсларни тежайди ва одил судловга бирон-бир тўсиқларсиз ва қулай тарзда эришишни таъминлайди. Судлар ишида замонавий технологиялардан фойдаланиш ижобий натижалар бермоқда ва илғор технологияларнинг жорий этилиши суд ишларини юритиш жараёнини автоматлаштиришга имкон беради [8].

Суд муҳокамаларини виртуаллаштиришдан ташқари, бизнинг фикримизча, иқтисодий судлар тизимида шаффофлик (transparency) тамойили жорий этилиши керак. Ушбу тамойилни амалга ошириш механизми судлар томонидан чиқарилган барча суд қарорларини автоматик равишда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ягона порталининг “Иқтисодий судлар қарорлари банки” бўлимида очик ва бепул эълон қилиш тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Агар биз суд тизимининг яхлитлиги нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Конституциявий суд, Олий суд ва бутун суд тизимининг ташкил этилган кундан бошлаб қабул қилинган барча қарорларига **шаффофлик тамойилини** жорий этиш, яъни уларни рақамли форматга ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва бошқа судларнинг расмий сайтыда эълон қилиш тақлиф қилинади.

Архивда сақланаётган суд ишлари материаллари билан танишиш учун шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишини истисно этадиган шароитларни яратиш учун суд архивлари тизимини электрон шаклда шакллантиришни, шу жумладан судларда архивга тақдим этиладиган амалдаги суд ҳужжатлари ва доимий сақланадиган ишларни сканерлаш учун махсус жойлар яратишни бошлаш керак.

Шу муносабат билан суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш тизимини ва суд-экспертиза фаолиятини тезкор равишда жорий этиш зарур, бу уларнинг ривожланишида инновацион ёндашувни шакллантиришга, шунингдек одил судловни амалга ошириш сифати ва муддатлари, суд экспертлари томонидан амалга ошириладиган экспертизаларнинг сифати ва тезлигини оширишга имкон беради, суд қарорларининг самарали ижро этилишини таъминлайди.

Биз томонимиздан Ўзбекистон қонунчилигига тақлиф қилинаётган тамойилларни амалга ошириш, шунингдек суд тизимини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, хусусан, суд тизимини виртуаллаштириш ҳамда суд қарорларини Интернетга жойлаштириш ва ушбу қарорлардан фойдаланишни таъминлаш тизимини такомиллаштириш суд ҳокимиятининг моддий-техник базасини сезиларли даражада мустаҳкамлашни талаб этади.

Бизнинг фикримизча, ушбу лойиҳани техник жиҳатдан амалга оширишга қараганда уни тарғиб қилиш мураккаброқ бўлиб, мазкур лойиҳани амалга оширишдан кўра анча кўпроқ вақт талаб этади.

Лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки босқичида, юқоридаги тақлифларни амалга ошириш аъъанавий суд ишларини юритиш билан ҳамоҳанг равишда амалга оширилиши мумкин, аммо энг қисқа вақт давомида рақамлаштириш ва виртуаллаштиришга ўтиш муҳим шарт бўлиши керак. Акс ҳолда, ушбу тамойиллар аъъанавий суд процессига муқобил бўлиб қолади.

Бундан ташқари, юридик аҳамиятга эга электрон ҳужжат айланишига ўтиш бўйича чора-тадбирларни

ишлаб чиқиш доирасида иқтисодий судларнинг судьялари учун суд ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан имзолаш имкониятини таъминлаш учун қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш талаб этилади.

Суд тизимига замонавий ахборот технологияларини фаол ва зудлик билан жорий этиш, фикримизча, одил судловнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд орқали ҳимояланиш конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, ишларни ва низоларни кўриб чиқиш вақтини мақбуллаштириш, иш юритуви тугалланмаган ишлар сонини камайштириш ва ҳужжатларни йўқотиш ҳолатларини истисно қилиш, судлар аппарати фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш, шунингдек маълумотлардан қулай ва тезкор равишда фойдаланиш учун шароит яратишга қаратилган асосий чора-тадбирлардан бири бўлиши керак.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, давлатнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда инсон ҳуқуқлари, фуқаролик ва сиёсий эркинликларини тўлиқ таъминлашга имкон берадиган ривожланган фуқаролик жамияти ва барқарор демократияни барпо этиш ҳисобланади. Шу муносабат билан одил судлов сифатини ошириш, суд ишларини юрителини такомиллаштириш ҳамда уни давлат ва жамиятнинг замонавий воқеликлари ва эҳтиёжларига доимий равишда мослаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик жараённинг ажралмас қисми бўлиши керак.

Тақлиф қилинаётган чора-тадбирлар мажмуи уларнинг қўллаш жараёни тўғри ташкил этилганда Ўзбекистонда суд ишларини юрителини ривожлантиришга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, кучли ички иқтисодиётни шакллантиришда ва Ўзбекистон аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. «Ўзбекистонда 2020 йил Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди» номли мақола. Тошкент, Ўзбекистон. 24/01/2020. UzDaily.uz
2. Астана, «КАЗИНФОРМ». 26/01/2018. www.inform.kz.
3. Любовь Доброта. Виртуальный суд. Казахстанская правда. 29/11/2018.
4. Лях Н.С. Мобильное приложение «Виртуальный суд». 17/07/2019. www.zakon.kz.
5. Виртуал суд, Қозоғистон. 23/10/2018. www.kazpravda.kz/news.
6. «РИА Новости» Россия Федерацияси Олий судининг матбуот хизматида иқтибос келтирган ҳолда. 21/04/2020. <https://ria.ru>
7. Пекинский интернет-суд задействовал виртуального судью с искусственным интеллектом. Пекин, Синьхуа. 28/06/2019. Russian.News.cn.
8. Наталья Реммер. В Дубае заработал виртуальный суд. Дубай, ОАЭ. 19/04/2020. Gulf News.

О.Оқюлов,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, ТДЮУ профессори

МАДАНИЙ ҚАРОҚЧИЛИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТИЗИМИ СИФАТИДА

Аннотация: ушбу илмий мақолада маданий қароқчиликнинг ҳуқуқбузарлик тизими сифатидаги моҳияти таҳлил этилади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга, мулк ҳуқуқларга ва шахсий ҳуқуқларга тажовуз сифатидаги хусусиятларнинг намоён бўлиши ўрганилади. Саноат мулки, муаллифлик ҳуқуқи, шахсийлаштириш воситаларига нисбатан содир этилган маданий қароқчилик ҳаракатларни малакаловчи белгилар очиб берилади. Маданий қароқчиликка қарши барча юридик воситалар билан миллий ҳуқуқ сегментида тизимли, комплекс кураш олиб бориш зарурати асослаб берилади.

Калит сўзлар: маданий қароқчилик, плагиат, контрафакт товар, мутлақ ҳуқуқлар, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқлар, интеллектуал мулк объектларига нисбатан шахсий ҳуқуқлар, Париж конвенцияси, Берн конвенцияси.

Аннотация: в данной научной статье анализируются особенности пиратства в сфере интеллектуальной собственности как система правонарушений. Раскрывается специфика проявления пиратства как посягательство исключительных, имущественных, личных прав правообладателей на различные объекты интеллектуальной собственности. Особое внимание уделено на квалификационные признаки неправомерных действий пиратов в сфере промышленной собственности, авторского права, права на средства индивидуализации. Аргументируется необходимость системной и комплексной борьбы с применением всего арсенала юридических средств против пиратства в сегменте национального права.

Ключевые слова: пиратство, плагиат, контрафактные товары, исключительные права, имущественные права на объекты интеллектуальной собственности, личные права на объекты интеллектуальной собственности, Парижская конвенция, Бернская конвенция.

Abstract: This research paper analyzes the features of piracy in the field of intellectual property as a system of offenses. The specifics of manifestation of piracy as an infringement of exclusive, property, personal rights of right owners to various intellectual property objects are revealed. Special attention is paid to the qualifying characteristics of illegal acts of pirates in the field of industrial property, copyright, the right to means of individualization. The need for a systematic and comprehensive fight against the use of the entire arsenal of legal means against piracy in the segment of national law is argued for.

Keywords: piracy, plagiarism, counterfeit goods, exclusive rights, property rights to intellectual property objects, personal rights to intellectual property objects, Paris Convention, Berne Convention.

Президентимиз ташаббуси билан 2020 йил мамлакатимизда “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Илм-фан, янги техника-технологиялар, инновацион ишланмалар бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий тараққиётини таъминловчи манба ҳисобланади. Шу сабабли ҳам илм-фаннинг асосий ишланмалари интеллектуал мулк сифатида ҳуқуқий ҳимоя остидадир. Конституциямизнинг 53-моддасида мулк ҳуқуқи дахлсизлиги ва ҳар томонлама ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган. Бу билвосита интеллектуал мулкка ҳам тааллуқлидир. Мулк ҳуқуқи мамлакатимиздаги барча қонунлар ва ҳуқуқ-тартибот асослари билан таъминланган. Интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳам нафақат Фуқаролик кодекси ва интеллектуал мулкнинг алоҳида объектлари бўйича махсус қонунлар, балки ҳуқуқ-тартибот тизими негизларининг асосий фундаментал таомиллари ва тамойиллари билан таъминлангандир. Мулкдор ҳуқуқлари ҳимояси учун мол-мулкка нисбатан қилинадиган ҳар қандай тажовузлар турлари ва уларга қарши санкциялар миллий ҳуқуқ-тартибот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Интеллектуал мулк ўз моҳиятига кўра, муайян хусусиятлари билан мулк ҳуқуқидан фарқ қилади, шу сабабли ҳам мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг барча воситалари ва усулларини ўз-ўзидан автоматик равишда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қўллаб бўлмайди. Бинобарин, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқий механизми мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқий механизми билан бир қаторда, унинг учун махсус яратилган ҳуқуқий ҳимоя механизмига ҳам таянади. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқий механизми интеллектуал мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгалари ваколатларини, шунингдек бу объектларга нисбатан мулк ҳуқуқлар ва шахсий ҳуқуқлар эгаларини ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан турли ҳуқуқ субъектлари қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунларда ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар турлари ва уларга қарши ҳимоя усуллари, жавобгарлик санкциялари белгилаб қўйилган. Интеллектуал мулкка қарши ҳуқуқбузарликларнинг катта қисми “маданий қароқчилик” умумлашма номи билан аталади. Тўғри, на Фуқаролик кодексига, на Жиноят кодексига бевосита маданий қароқчилик ибораси қўлланмаган, бироқ бутун дунё бўйича мулкдорларнинг мол-мулкига очикдан-очик зўравонлик билан қилинадиган ҳуқуқбузарликка нисбатан қароқчилик ибораси ишлатилган ва бундай ҳолат интеллектуал мулкка нисбатан нисбат берилиб, маданий қароқчилик сифатида қараш эътироф этилган. Маданий қароқчилик ўз моҳиятига кўра интеллектуал мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасини ёки ундан лицензия асосида фойдаланувчи лицензиарни ёки шахсий ҳуқуқларга эга бўлган ижодкор муаллиф ҳуқуқларини очикдан-очик поймол этиб, менсимасдан ўзлаштириш, зўравонлик билан фойдаланиш ва шу йўл билан уларга зарар етказиш ҳаракатларида намоён бўлади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан субъектлар ҳуқуқларининг умумий тавсифи ФКнинг 1033-1037-моддаларида белгилаб қўйилган. Унда белгиланган ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни бузишнинг кўпчилик ҳолатлари маданий қароқчилик сифатида баҳоланиши мумкин. Интеллектуал мулкка доир алоҳида қонунларда маданий қароқчилик

ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг алоҳида тавсифлари янада аниқроқ ўз ифодасини топган, деб айтиш мумкин. Жумладан, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси 2-қисмида саноат мулкнинг тегишли равишда патентланган маҳсулот ёки буюмни рухсат олмасдан тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш бошқача равишда фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаш, шунингдек, ихтиро сифатида патент билан муҳофаза қилинган усулдан фойдаланиш ёки фуқаролик муомаласига киритиш ёхуд шу мақсадда ихтиро сифатида патентнинг муҳофазаланган усули орқали бевосита тайёрланган маҳсулотни сақлаш патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларини бузиш ҳисобланиши қайд этилган [1]. “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддасида селекция ютуқларига нисбатан маданий қароқчиликнинг намоён бўлиш хусусиятлари кўрсатилган. Бунга кўра, рухсат олмаган ҳолда селекция ютуғини етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш), селекция ютуғини нав ёки наслик кондицияларига етказиш, муҳофаза қилинаётган селекция ютуқларидан фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулотни сотишга таклиф қилиш, сотиш ва бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш, сақлаш, олиб кириш ва олиб чиқиш маданий қароқчиликнинг бир кўриниши сифатида белгиланган [2]. “Тижорат сирини тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, тижорат сирини учинчи шахслар томонидан ошкор этилган, қонунга хилоф равишда олинган ёки ундан қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолларда тижорат сирини эгаси ўз ҳуқуқларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилиш, шу жумладан ўз ҳуқуқлари бузилиши натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини талаб қилишга ҳақли [3]. “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига кўра, фирма номидан ҳар қандай ғайриқонуний фойдаланиш мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланади. Бундай ғайриқонуний фойдаланиш натижасидан товарлар, ёрликлар, қадоқлаш жиҳозларидаги ғайриқонуний қўйилган фирма номлари ўчириб ташланади. Ўчириб ташлашнинг иложи бўлмаганда, бундай товарлар йўқ қилиб ташланади ёки фирма номи эгасига берилади [4].

Маданий қароқчилик бу интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тизими ҳисобланади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ёхуд бошқача мулк ҳуқуқлар эгасидан рухсат сўрамаган ҳолда фойдаланиш – бу маданий қароқчилик ҳисобланади. Шу маънода олганда, маданий қароқчиликни, ҳуқуқий жиҳатдан олганда, умумлашма категория сифатида баҳолаш мумкин. Унинг XIX-XX асрларда вужудга келган бежиз эмас, худди шу даврдан бошлаб интеллектуал мулк объектлари бойлик тури, даромад манбаи, товар сифатида ўз хусусиятларини намоён эта бошлади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатлари белгилаб қўйилди. Худди шу муддат давомида улардан, ҳуқуқ эгасидан берухсат фойдаланганлик учун санкциялар қонунларда мустаҳкамланди. Албатта, бу бир мамлакат доирасида кураш олиб бориладиган ҳуқуқбузарлик эмас, балки глобал характерга эга бўлган ҳуқуқбузарликдир. Шу сабабли ҳам унга қарши халқаро миқёсда кураш олиб бориш зарурияти вужудга келганлиги сабабли XIX аср охирида Саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси,

Адабий-бадий асарларни ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенцияси ишлаб чиқилди ва дунёнинг кўп мамлакатларида унга қўшилиш жараёни бошланди. 1967 йилда Женевада Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ташкил топди. Унинг асосий мақсади, вазифалари интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларга, шу жумладан маданий қароқчиликка қарши кураш олиб боришдир.

Маданий қароқчиликни ижтимоий-ҳуқуқий категория сифатида ўрганишда унга нисбатан дунёнинг турли мамлакатларида турлича муносабат мавжудлигини қайд этиш лозим. Интеллектуал мулк маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлган Ғарбий Европа ва АҚШ ўз манфаатидан келиб чиқиб, бутун дунёда маданий қароқчиликка нисбатан шафқатсиз уруш эълон қилган. Улар дунёнинг бошқа мамлакатлари билан иқтисодий, илмий-маданий ҳамкорликни йўлга қўйишда ўша мамлакатда интеллектуал мулк ҳуқуқларига қай даражада риоя қилиниши, маданий қароқчиликка қарши мурасасиз кураш олиб борилишига алоҳида эътибор қаратадилар. Улар етакчи мавқега эга бўлган халқаро иқтисодий ҳамкорлик тузилмалари - Европа иттифоқи, Америка давлатлари иттифоқи, Жаҳон савдо ташкилоти ва шу қабиларда аъзоликка қабул қилиш масаласида интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликка қарши кураш олиб бориш бўйича қонуний санкциялар мавжудлиги ва уни амалда қўллаш ҳолатига алоҳида эътибор қаратадилар. Интеллектуал мулк маҳсулотларининг истеъмолчиси бўлган дунёнинг баъзи мамлакатларида эса маданий қароқчиликка нисбатан зўраки кураш, формал бефарқлик, ҳатто унга яширин хайрихоҳлик кузатилади.

Ўзбекистон Республикасидаги маданий қароқчиликка нисбатан расмий муносабат соҳасида шуни таъкидлаш ўринлики, мамлакатимиз интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича кўплаб халқаро конвенциялар ва битимлар иштирокчиси, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, Маъмурий жавобгарлик кодексида, Жиноят кодексида, Божхона кодексида, Солиқ кодексида ва бошқа қатор қонунларда маданий қароқчиликка қарши юридик воситалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Маданий қароқчиликка қарши кураш олиб бориш Ўзбекистоннинг ички бозорида ва ташқи иқтисодий фаолиятда ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистон товарлар импорти-экспортда интеллектуал мулк соҳасида қонунларга қатъий риоя қилишга ҳаракат қилади ва бошқа ҳамкорлардан ҳам шуни талаб этади. Бу масалада ҳар қандай бошқача позиция Ўзбекистоннинг обрўсини тушириши мумкин. Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистон дунёда ўзининг мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Ушбу жараён тизимли асосда амалга оширилмоқда ва бунда дунё бўйича ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амал қилувчи халқаро рейтинг кўрсаткичлари, индекслар ва индикаторлар бўйича ўз ҳолатини яхшилашга уринмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатдаги ҳаёт шароити, саводхонлик даражаси, таълим ва умр кўриш муддати бўйича инсоний ривожланиш индекси (Human Development index), Жаҳон иқтисодий форумининг глобал рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness index), Жаҳон банкининг бизнес

юритиш рейтинги (Doing Business) кўрсаткичларига мўлжал олмақда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралда “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ва 2019 йил 7 мартда “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу рейтинглар ва индекслар тизимида мамлакатимизда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шу жумладан интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқларга риоя қилиш ҳолати бўйича индикаторлар тизими мавжуд.

Юқорида маданий қароқчилик ижтимоий-ҳуқуқий воқеълик сифатида умумлашма категория эканлиги таъкидланган эди. Агар уни ҳуқуқбузарликлар тизими сифатида бахоласак, бу ҳолда қонун ҳужжатларида унинг қуйидаги турлари мавжуд эканлигини қайд этиш лозим:

асар муаллифларининг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;

ижрочининг исм-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такоррлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш (“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

асарлардан ёки турдош ҳуқуқ объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш.

Ҳуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бошқача тарзда ҳар қандай бузиш, асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг такоррланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга оширилган нусхалари контрафакт нусхалардир. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг бундай асарларни ва турдош ҳуқуқлар объектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатларда ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалардир (“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 67-моддаси).

Интеллектуал мулк соҳасида бугунги кунда Ўзбекистонда кенг тарқалган ҳуқуқ бузарликлардан бири бу – плагиат (кўчирмачилик). Плагиат нафақат фан, адабиёт, санъат асарлари яратишда, илмий-тадқиқотларни амалга оширишда, балки таълим соҳасида, шоу-бизнесда ҳам намоён бўлаётган иллатдир. Плагиат яратилиш факти асосида муҳофаза қилинадиган, объектив шакл негиз бўлиб ҳисобланадиган муаллифлик ҳуқуқи объектларида бошқача, ғоявий мазмун асосий негиз бўлиб

ҳисобланадиган ҳуқуқий муҳофаза ёрлиғи асосида ҳимоя қилинадиган объектларда бошқача тарзда намоён бўлади. Масалан, илмий ишланмаларда, диссертацияларда асосийси илмий ғоя, унинг янгилиги, оригиналлиги, самарадорлиги ва шу кабилар. Адабий асарларда эса объектив шакл, ундаги сўзлар тизими алоҳида аҳамият касб этади. Битта сюжет асосида ўнлаб асарлар яратиш мумкин. Ҳатто битта ғояни турли кўринишлардаги объектив шаклда ифодалаш мумкин. Шу сабабли ҳам илмий ишланмаларда мазмун юкига асосий эътибор берилади. Ихтиро асосида ётган ғоя қандай сўзлар орқали ифодаланишидан қатъи назар мазмунан янги, оригиналлича қолади. Муаллифлик ҳуқуқида адабий асарларни айнан турли муаллифлар томонидан айний (адекат) объектив шаклда яратилиши учрамайди. Лекин илмий ғояларни дунёнинг турли худудларида яшаган шахслар томонидан бир-бирдан беҳабар ҳолда кашф этилиши кўплаб учрайди. Масалан, Англияда Джоул, Россияда Ленц бир пайтнинг ўзида физика қонунларидан бирини очишган, бу қонун ҳозирги адабиётларда Джоул-Ленц қонуни деб юритилади. Бироқ XIX асардан фарқли равишда XXI асрда ахборот айрибошлаш шиддатли тарзда кетмоқда. Дунёнинг бир бурчагида яратилган янги ғоя санокли дақиқалардан сўнг дунёнинг шу соҳа бўйича тегишли мутахассисларига маълум бўлмоқда. Шу сабабли ҳам, Париж конвенцияси бўйича илмий ишланмани яратиш факти бўйича устуворлик саналари белгилаб қўйилган. Муаллифлик ҳуқуқи объектларида плагиат асарлар матни, кўшиқлар мусиқа-оҳанги ва шу кабилардаги мослик даражаси орқали аниқланади. Мусиқада аранжировка, компьютер дастурлари компиляцияси каби ҳосила асарлар мавжуд. Мусиқани аранжировка қилган бастакор турли мусиқа асарлари элементларидан фойдаланган ҳолда ҳосила асар яратади ва мустақил муаллиф сифатида эътироф этилмайди.

Бугунги кунда илмий-бадий асарлар бўйича плагиатни аниқлаш махсус техник антиплагиат дастурлари орқали амалга оширилади. Инглиз тилидаги, рус тилидаги матнлар бўйича антиплагиат экспертизасини амалга ошириш учун ҳеч қандай муаммо йўқ, бироқ, илмий ишланмадаги матндаги мосликнинг йўқлиги айнан битта ғояни бошқа матнлар орқали такрорланишига ҳалақит бермайди. Бу ҳолда турли матнлар мазмуни бўйича тадқиқ этилиб, плагиат масаласи ҳал этилиши мумкин. Плагиат таълим тизимида рефератлар, курс ишлари, диплом ишлари, магистрлик диссертациялари соҳасида ҳам учраб туради. Масалан, якуний назорат ишлари бўйича плагиат ҳолатлари аниқланганда плагиатга рухсат берган оригинал иш муаллифи ҳам, кўчирмачи ҳам қониқарсиз баҳо олади. ОАК низомлари бўйича фан доктори диссертацияси бўйича ҳам, фалсафа доктори диссертацияси бўйича ҳам плагиат аниқланишининг ҳар қандай факти диссертацияни ҳимоядан четлатиш, агар плагиат ҳимоядан кейин аниқланган бўлса, илмий даражадан маҳрум этиш учун асос бўлади. Бироқ диссертация иши ўз таркибий тузилиши бўйича ҳам, мазмуни бўйича ҳам турлича қисмлардан иборат. Бунда биринчи пландаги илмий материаллар (ҳимояга олиб чиқилаётган илмий ғоялар), иккинчи пландаги илмий материаллар (ёндашув, методологик асослар, илмий тизим), учинчи пландаги илмий материаллар (илмий манбалар тизими, амалиёт материаллари тизими), тўртинчи пландаги илмий материаллар (турли

иловалар, социологик сўровлар ва шу кабилар) фарқланади. Биринчи, иккинчи пландаги илмий материаллар бўйича плагиат диссертацияни салбий баҳолаш учун асос бўлиши эътироз туғдирмайди. Бироқ, жиддий аҳамиятга эга бўлмаган материаллар соҳасида, масалан, ҳаволанинг тушиб қолиши ҳам плагиат сифатида баҳоланади ва ҳимоядан четлаштириш учун баҳона бўлади. Шу сабабли ҳам ОАК низомларига бу бўйича аниқлик киритиш лозим. Чунки, учинчи пландаги илмий материал бўйича асарга ҳаволани тушиб қолиши (бу кўпинча тасодирий ҳолатда бўлади) диссертацияни салбий баҳолаш учун асос бўлмаслиги лозим.

Модомики маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик тизими ҳисобланар экан, унга нисбатан кураш олиб бориш ҳам тизимли асосда амалга оширилиши лозим. Бошқача айтганда, бу борада Фуқаролик кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси, Божхона кодекси, Солиқ кодекси ва интеллектуал мулкнинг алоҳида объектлари бўйича қонунлар ўртасида ўзаро боғланиш ва уйғунлик бўлиши лозим. Ушбу қонунлар тизимида Фуқаролик кодекси алоҳида ўринни эгаллайди. Фуқаролик кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда интеллектуал мулкка бағишланган интеллектуал мулкнинг умумий қоидалари қисми назарда тутилиши лозим. Бунда интеллектуал мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуқ субъектлари ваколатлари, мулкий ҳуқуқлар шу жумладан, лицензиат ва лицензиарлар ҳуқуқлари, интеллектуал ижодкорларнинг шахсий ҳуқуқлари атрофлича, батафсил белгилаб қўйилмиши лозим. Бундай ҳолат маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг аниқ, равшан, тўлақонли тавсифини тасаввур қилиш имконини беради. ЖКда ҳам маданий қароқчилик ҳам шахс ҳуқуқлари, эркинликларига қарши жиноятлар туркумида, ҳам иқтисодий жиноятлар туркумида ўз ифодасини топиши лозим. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда эса интеллектуал мулкка қарши ҳуқуқбузарликлар махсус параграф сифатида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик тизими сифатида қонунларда белгилаб қўйилиши билан бир пайтда, бундай ҳуқуқбузарлик ҳолатларига нисбатан шафқатсиз кураш олиб бориш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4380-сон Қарорида интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини, муаллифларнинг, бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича, шу жумладан, контрафакт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, реализация қилишга қарши курашда ваколатли давлат органлари фаолиятини жонлантириш белгилаб қўйилган. Қонунлардаги аниқлик, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги фаоллик мамлакатимизда маданий қароқчилик ҳуқуқбузарликлари кўламини кескин сустрада камайишига ва шу орқали инвестиция жозибдорлигини ошишига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсларда рейтинг даражасини ўсишига олиб келган бўлар эди.

Маданий қароқчиликнинг турли кўринишлари миллий ҳуқуқ тизимида тадқиқотлар предмети сифатида ҳам жиддий ўрганилмоқда. Жумладан, цивилист олимлардан Б.Тошев [6], Н.Имомов [7], Қ.Мехмонов [8], З.Бобоқулов [9], жиноят ҳуқуқи нуқтаи

назаридан М.Рустамбаев [10], божхона ҳуқуқи нуқтаи назаридан Б.Рўзиев [11], ҳуқуқ назариясида эса А.Ғофуров [12] илмий тадқиқотларни амалга оширганлар. Шунинг эътирофи этиш керакки, агарда бу соҳа Ўзбекистон миллий ҳуқуқ фанида энди шаклланиб келаётган бўлса, дунё миқёсида аллақачон ғоят кенг кўламли тадқиқотлар мавзусига айланган [13].

Шунинг қайд этиш лозимки, мамлакатимизда маданий қароқчилик оммавий тус олган, кундалик ҳаёт тарзида оддий воқеа сифатида қараладиган ҳолатлар учрайди. Масалан, жуда кўплаб радио каналларда халқимиз севган хонандалар К.Рахимов, Н.Хамроқулов, Ш.Жўраев, О.Отажоновларнинг оригинал ижролари ўрнига уларнинг кўшиқларини ўртамиёна хонандалар томонидан айтилиш ҳолатлари кўп учрайди. Ишончимиз қомилки, бу ўртамиёна хонандалар ҳуқуқ эгаларидан ҳеч қандай руҳсат олмаган. Яқин даврларда айрим “чаққонлар” дунёнинг машҳур брендларини Ўзбекистон Республикасида ўзларининг номларига расмийлаштириб олиш ҳолатлари учради. Шуниси афсусланарлики, уларда ушбу брендлардан фойдаланиш учун ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконияти ҳам, хоҳиши ҳам бўлмаган. Улар Ўзбекистон Республикасида ўша машҳур бренд эгалари товарлар ва инвестициялар билан кириб келишини кутишган ва уларга нисбатан шантаж ва товламачилик содир этганлар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4380-сон Қарори 9-банди “б” кичик бандида Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум деб эътироф этиладиган товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг мезонлари белгилаб қўйилгандан кейин бундай ҳуқуқбузарликлар содир этишнинг йўли тўсилди [14]. Бироқ бу ҳолат Ўзбекистонда маданий қароқчилик даражаси юқорилиги тўғрисида хорижий мамлакатлар мутахассислари учун ахборот манбаси бўлиб хизмат қилди. Яна бунинг устига баъзи ҳолларда суд амалиётида ҳам бундай “чаққонлар” ҳуқуқлари ҳимоя қилинди. Масалан, товар белгисидан фойдаланиш шарт бўлган муддат ўтиш хавфи туғилганда “чаққонлар” брендларни бошқа “чаққонлар”га сотдилар. Судлар эса ушбу мутлақ ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқни тасарруф этиши эмас, балки мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш ваколатини амалга ошириш сифатида талқин этиб, хорижий инвесторлар кўз ўнгида мамлакатда инвестиция жозибдорлиги ҳолатига салбий таъсир кўрсатдилар.

Мамлакатимизда бугунги кунда профессионал, ҳалол ва адолатли судьялар корпуси шакллантирилмоқда. Маданий қароқчилик ҳуқуқбузарлик тизими сифатида қонунларда белгиланиб қўйилиши ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида бундай иллатга қарши тизимли равишда кураш олиб борилиши Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтингларда даражасини ҳар томонлама кўтаришга хизмат қилган бўлар эди.

Адабиётлар рўйхати:

1) Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиснинг Ахборотномаси, 2002 й., 9-сон, 158-модда.

2) Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2002 й., 9-сон, 156-модда.

3) Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 463-модда

4) Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 370-модда.

5) Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда.

6) Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи. – Тошкент: Мерос, 1996.

7) Имомов Н. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг янги объектлари. – Тошкент: ТДЮУ, 2011.

8) Мехмонов Қ. Компьютер дастурлари, маълумотлар базаси ва интеграл микросхемалар топологияларининг ҳуқуқий режими. – Тошкент: ТДЮУ, 2017.

9) Бобоқулов З. Товар белгиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми: назарий ва амалий масалалар. – Тошкент: 2019.

10) Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: Илм-зиё, 2006.

11) Рўзиев Б. Товар белгиларидан ғайриқонуний фойдаланиш // Божхона хабарномаси. 2019. 15-сон.

12) Ғофуров А. Развитие системы интеллектуальной собственности в странах СНГ // Право интеллектуальной собственности перспективы развитие. – Тошкент: Адолат, 2012.

13) Against intellectual monopoly. By Michele Boldrin and David K. Levine. Cambridge university Press. 2008. p. 298; Андрийчук О. Реальная виртуальность: интеллектуальное пиратство в цифровую эпоху // Сайт «Зеркало недели» // <http://www.zn.ua/3000/3050/54415/>; Intellectual Property Harmonization Within ASEAN and APEC (coeditor with Michael Blakeney and Christopher Heat), The Max Plank Series On Asian Intellectual Property law, volume 10, Kluwer law international. The Hague, 2004; В.Н.Лисица. Право интеллектуальной собственности. Новосибирск. 2012; К.Коклю. Общие принципы защиты прав интеллектуальной собственности в Европейском Союзе // Право интеллектуальной собственности перспективы развитие. –Тошкент: Адолат, 2012. 40–41-б.

14) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4380-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2019 й., 07/19/4380/3360-сон; 20.05.2020 й., 06/20/5997/0634-сон.

Д.Р.Махмудов,

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
Махсус ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,
юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ СУҒУРТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада бугунги кунда мамлакатимизда амалда бўлган барча давлат мажбурий суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларини суғурта соҳасидаги ҳарқаро нормаларга тенглаштириш таклифлари асосланганлиги берилган.

Калит сўзлар: суғурта, давлат мажбурий суғурта, ҳарбий хизматчи, суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс, суғурта тўлови, суғурта мукофоти, суғурта тўлови ва суғурта атамалари.

Аннотация: в данной статье обосновываются предложения по приравнению всех действующих в нашей стране законов и нормативных актов, регулирующих обязательные государственные страховые отношения, к международным стандартам в области страхования.

Ключевые слова: страхование, государственное обязательное страхование, военнослужащий, страховщик, застрахованный, застрахованное лицо, страховая премия, страховая премия, страховая премия и условия страхования.

Abstract: this article substantiates the proposals to equate all laws and regulations in force in our country that regulate mandatory state insurance relations with international insurance standards.

Keywords: insurance, state compulsory insurance, serviceman, insurer, insured, insured person, insurance premium, insurance premium, insurance premium and insurance conditions.

Бугунги кунда юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш, тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш сиёсати қатъий давом эттирилмоқда. Аини пайтда, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг олдида пайдо бўладиган тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш масаласи устувор ва кечиктириб бўлмас вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Банк, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари билан бир қаторда, суғурта ҳамда мажбурий давлат суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, ҳеч шубҳасиз соҳани фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни ҳамда амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Зеро, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини ошириш нафақат ихтиёрий ва мажбурий суғуртада балки мажбурий давлат суғурта муносабатларида ҳам беқиёсдир.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, «жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишининг ҳуқуқий базасини ташкил этувчи «...

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш»[1] давр талабидир. Зеро, бугунги кунда мамлакатимизда суғурта қонунчилигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда қонунчиликни тизимлаштириш муаммоси қанчалик тўғри ҳал қилганлиги муҳим ўрин тутди. «Қонунчиликни мумкин қадар самарали бўлиши эса қуйидаги уч жиҳатнинг муштараклигини, яъни: қонунчиликнинг тизимлилигини (ягона тизим ташкил этишини); ички зиддиятларсиз мутаносиб бўлишини; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ортиқча тақорланишларнинг олдини олишни»[2] талаб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда суғурта ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахслар учун суғуртанинг «ихтиёрий», «мажбурий» ва «давлат мажбурий суғурта» турларини бўйича ёзма шартнома тузиш орқали амалга ошириб келинмоқда. Аввалги тадқиқот ишмиизда[3] мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан бўён ихтиёрий ва мажбурий суғурта шартномаларини кўрсатиш соҳасида қабул қилинган қонунлар ва 50 га яқин қонуности ҳужжатларини тизимлаштириш, ягона кодификациялашган норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида «Суғурта кодекси» лойиҳасини ишлаб чиқиб таклиф илгари сурилган эди. Ушбу таклифни янада қўллаб қувватлаш мақсадида мамлакатимизда давлат мажбурий суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар контент анализ асосида таҳлил қилиниб, аввалги параграфда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд номувофиқликларни бартараф этиш мақсадида «Мажбурий давлат суғурта тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш таклифи илгари сурилган эди. Аммо олиб борилган тадқиқотлар жараёнида суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш юзасидан олиимлар томонидан турлича таклифлар илгари сурилган. Жумладан, М.М.Нурматов экологик суғуртани атрофлича тартибга солувчи, ихтиёрий ва мажбурий экологик суғуртани амалга ошириш тартибини ва аниқ механизмини белгилаб берувчи «Экологик суғурта тўғрисида»ги Низомни қабул қилиш таклифини илгари сурган[4]. К.Тўхтаев эса экологик суғурта қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи, унинг мақсад ва вазифаларини, молиявий таъминланиш механизмларини очиб берувчи «Экологик суғурта тўғрисида»ги яхлит қонун лойиҳасини қабул қилишни таклиф этган[5] бўлса, Ҳ.Собиров, М.Аминжонов[6] Н.Абдуллаева[7], Д.Махмудов[8] ва россиялик ҳуқуқшунос олим Д.Ю.Благугин[9] ҳам Республикада суғурта кодексини яратиш лозимлиги ҳақидаги фикрни қўллаб қувватлайдилар.

Шу ўринда, Х.Т.Одилқориевнинг таъкидлашича, қонунчиликнинг ички тизимлилигини таъминлашда кодекслаштириш алоҳида ўрин тутди. Маълумки, кодекс муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги норматив мажмуани (массивини) ифодаловчи, жамловчи қонундир. Кодекс унга киритилган ҳуқуқий нормаларнинг мантиқий боғлиқлиги ҳамда мутаносиблиги, ҳуқуқ тармоғига ва қонунчилик соҳасига монанд тизимли жойлаштирилганлиги билан оддий қонунлардан устун туради. Кодекс яратиш жараёнида ҳуқуқ (қонунчилик) тармоғидаги барча ҳуқуқий ҳужжатлар ва қоидалар «тафтишдан» ўтказилиб, янгидан ислоҳ қилинади. Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар, турли

даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, таҳлил қилинади, қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва такомиллаштирилади[10].

Қонунчиликни тизимлаштиришнинг асосий шакли (воситаси), ҳуқуқ (қонунчилик) тармоғининг ўзаги, бош манбаи ҳисобланмиш кодекс нафақат тегишли конституциявий принципларни ҳаётга жорий этилишига йўл очади, балки соҳага оид ҳуқуқий сиёсатни, қонунчиликни ривожлантириш йўналишларини белгилаб беради[11]. Қонунчиликни кодекслаштириш эса маълум соҳадаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тубдан қайта ишлаш шакли, қонунчиликни сифат жиҳатдан тартибга келтириш, унинг мувофиқлиги ва ихчамлиги, шунингдек норматив материаллар йиғиндисини тозалаш, эскирган ва ўзини оқламаган нормалардан ўзини халос қилиш усулидир[12].

Ў.Х.Мухамедов айтганидек, кодекслаштириш демократик ҳуқуқий давлат учун катта аҳамият касб этади. Чунки кодекслаштирилган ҳужжат фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ишлашни осонлаштирибгина қолмай, балки бу жараёнда эскирган нормалар ҳамда бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган нормаларга чек қўйди, бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар тизимини жамлаган кодекслаштирилган ҳужжат юзага келади, охири-оқибатда ҳуқуқий тартибга солишнинг софлиги таъминланади. У ёки бу ҳуқуқ тармоғини тартибга солувчи нормаларни тизимли, яхлит ҳолда билишга имконият туғилади[13]. Зеро, қонунларнинг кўплиги, уларнинг тор доирадаги масалаларни тартибга солишга қаратилганлиги улардан қутилаётган самара кам бўлишига олиб келади. Ҳуқуқий тизимни ривожланиб бориши ва тартибга солиш чуқурлашиб бориши давомида бу яққол кўзга ташланади, тор доирадаги масалалар бўйича алоҳида номатив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаравериш, ўз навбатида ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг кўпайиб кетишига олиб келади. Демак, амалдаги тартибга солиш давомида ўзаро номувофиқликлар ҳамда зиддиятларнинг вужудга келиш эҳтимоли ҳам ортиб боради[14]. Бу ўринда тарихга назар солсак, 1468 йилда Венецианский денгиз суғурта кодекси қабул қилинган[15].

Бугунги кунда хорижий давлатларнинг суғурта фаолиятидаги қонунчилик тажрибасида кодекслаштириш жараёни амалга оширилаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, Францияда «Суғурта тўғрисида»ги кодекс[16] (Code des Assurances; L322-26-1-модда), Украинада Суғурта кодекси[17] ҳамда Беларусда Суғурта кодекси[18] амал қилмоқда. Ушбу кодекслар мазкур давлатларда суғуртанинг муайян тури бўйича махсус қонунлар ўрнига ягона кодекслаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида суғурта бозорини тартибга солмоқда. Суғурта бозорида етакчи ўринни эгаллаган Францияда суғурта хизмати фаолиятини тартибга солиш махсус Суғурта кодекси асосида амалга оширилиб, у ҳаётни суғурталаш ва автомобиль суғуртасига ихтисослашган[19]. Айрим МДҲ давлатларида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича махсус қонунлар қабул қилиш жараёни ҳам кузатилмоқда[20].

Назаримизда, мамлакатимизда қабул қилиш таклифи илгари сурилаётган суғурта кодекси келажакда ихтиёрий, мажбурий ва давлат мажбурий суғурта муносабатларини, суғурта соҳасидаги ҳалқаро ҳуқуқий нормаларни шунингдек, суғурта шартномаларининг бандларида кўрсатиб ўтилган

талабларни қасддан ёхуд эҳтиётсизликдан бажармаган иштирокчиларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари ёритилиш назарда тутилмоқда.

Юқоридаги таклифлардан ташқари, мамлакатимизда давлат мажбурий суғурта муносабатларини тартибга солувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш лозим. Бунинг учун мамлакатимизда амалда бўлган давлат мажбурий суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларини тизимлаштириш орқали ягона “Мажбурий давлат суғурта тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тақозо этмоқда. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан мажбурий суғурталанган шахслар, буларга: оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига кирувчи шахслар, судьялар, суд экспертлари, кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва ғнология – разведка ишлари тизими ходимлари, давлат солиқ органлари ходимлари, ишлаб чиқариш соҳасида хизмат қиладиган ходимларнинг ҳаёт ва соғлиғини суғурталашда асос бўлувчи қонун ва қонуности ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган суғурта суммасининг, хизмат даврида ортирган жароҳат учун тўлаб бериладиган суғурта суммасининг, хизмат даврида ёхуд хизматдан бўшаганидан сўнг ортирилган ногиронлиги учун тўлаб бериладиган суғурта суммасининг миқдорларини бир тизимга келтириш шунингдек, суғурта мукофоти, суғурта тўлови ҳамда суғурталанган шахс тушунчаларига берилган таърифни бирхиллаштириш белгиланган.

2. Бугунги кунда мамлакатимизда мажбурий давлат суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларида суғурта қилдирувчи ташкилот суғурталанган шахс учун суғурталовчи ташкилот ҳисобига мажбурий давлат суғурта шартномасининг бандларида кўрсатилган қоидалар асосида суғурта суммасини тўлаб беради. Ушбу суғурталовчи ташкилот учун тўлаб бериладиган суғурта суммасини миқдори амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларида турлича эканлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳамма ҳам суғурталанган шахслар ушбу мураккаб тизимни тўлақонли тушуниб етмасликлари ҳамда ушбу ҳолатлар бугунги кунда суғурта амалиётида бир мунча мураккабликларни келтириб чиқаётганлигини инобатга олиб, суғурта суммасига қуйидаги мазмунда таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, **“Суғурта суммаси** – суғурталанган шахснинг иш (хизмат) фаолияти даврида ёхуд нафақага чиққан (хизматдан бўшаганидан) сўнг вафот этган тақдирда ушбу суғурталанган шахснинг охири эгаллаб турган лавозим маошининг 10 йиллик суғурта йиғиндисига тенг суғурта суммаси ҳисобланади”;

3. Бугунги кунда мамлакатимизда мажбурий суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларида ногиронлиқни белгиловчи қоидаларнинг мазмуни бир ҳил эмаслиги, шунингдек, 1, 2 ва 3 гуруҳ ногиронлигини белгиловчи фоизлар ҳам турли кўринишда эканлигини, ривожланган Россия Федерацияси ва Қирғизистон Республикасининг суғурта муносабатларини тартибга солувчи қонунларида ҳамда Беларуссия Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Қарорларида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни моддий рағбатлантириш асосий мақсад этиб белгиланганлигини ушбу давлат томонидан тўлаб

бериладиган суғурта суммасининг миқдоридан билиш мумкин. Юқорида келтирилган амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг илмий таҳлилларидан ҳамда ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, ногиронлик учун суғурта суммасидан бериладиган суғурта тўлов фоизларини қуйидаги мазмунда: *“Суғурта қилинган шахсга ўз хизмат (фаолият) вазифаларини бажариш даврида ёхуд хизмат (фаолият)дан бўшагандан сўнг ортирган тан жароҳатлари (шикастланиш, жароҳат, контузия ва ис газидан захарланиш) учун ногиронлик белгиланганда:*

1-гуруҳ ногиронлиги учун суғурта суммасининг 80 фоиз миқдорида;

2-гуруҳ ногиронлиги учун суғурта суммасининг 70 фоиз миқдорида;

3-гуруҳ ногиронлиги учун суғурта суммасининг 60 фоиз миқдоридан суғурта тўлови амалга оширилади”

деб ёритиш мақсадга мувофиқдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги 38-сонли Қарори асосида қабул қилинган “Оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг давлат мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 10 - бандини қуйидаги мазмунда баён этиш тавсия этилади: яъни *“Етказилган тан жароҳат, контузия, шикастланиш ва нурланишнинг оғирлик даражасини аниқлаш ҳарбий тиббий комиссия томонидан тақдим этилган оғир ёки енгил жароҳатланиш, контузия, ис газидан захарланиш, шикастланиш ва нурланишларнинг рўйхати асосида амалга оширилади”* деб ёритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги 38-сонли Қарори асосида қабул қилинган “Оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг давлат мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг *иккинчи бўлими 10 бандини* ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўмондонинг 2019 йил 11 декабрь кундаги 250-сонли буйруғининг *биринчи боб иккинчи банд бешинчи хат бошини* қуйидаги мазмунда яъни, *“Етказилган тан жароҳат, контузия, шикастланиш ва нурланишнинг оғирлик даражасини аниқлаш ҳарбий тиббий комиссия томонидан тақдим этилган оғир ёки енгил жароҳатланиш, контузия, ис газидан захарланиш, шикастланиш ва нурланишларнинг рўйхати асосида амалга оширилади”* ёритиш лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52-бобига *«Суғурта шартномасини ўзгартириш асослари»* деб номланган нормани киритиш зарур. Албатта, ушбу моддани ифодалашда Фуқаролик кодексининг 382-моддаси умумий талабларини ҳамда суғурта шартномасини ўзгартириш асослари ва тартибининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Мазкур модданинг ифодаланиши: биринчидан, суғурта соҳасидаги фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг тўлиқ тартибга солинишига; иккинчидан, суғурта шартномаларини ўзгартириш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишга; учинчидан, суғурта қилдирувчи бўлган юридик ёки

жисмоний шахсларга суғурта шартномасини ўзгартириш имконияти яратилишига олиб келади.

5. Суғурта кодекси концепциясини тайёрлаш зарур. Бунинг учун суғурта бозорида муайян муносабатларни тартибга солаётган қонун ҳужжатларини тизимлаштириш борасида, Д.В.Чухвичев таъкидлаганидек, кодекслаштирилган ҳужжатни ишлаб чиқиш учун тегишли материалларни танлаб олиш ва улар билан танишиб чиқиш; кодекслаштириш лозим бўлган ҳуқуқ нормалари тизимни аниқлаш; кодекслаштириш лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни саралаш; тизимлаштирилаётган ҳужжатлардан норматив-ҳуқуқий қоидаларни ажратиш; бўшлиқларни тўлдириш; кодекслаштирилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш ҳақида расмий қарор қабул қилиш; кодекс шаклидаги қонун ҳужжати тайёрлаш босқичи; кодекслашаётган ҳужжатнинг моддаларини баён этиш; кодекслаштирилаётган ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилиш, қайта ишлаш ва мувофиқлаштириш; кодекслаштириш фаолиятини тегишли тартибда методик таъминлаш; кодекслаштириш фаолиятини амалга оширишда иштирок этадиган ходимларнинг касбий тайёргарлиги, профессионализмни таъминлаш ишларини амалга ошириш каби босқичларни[21] амалга ошириш лозим. Суғурта қонунчилигини кодекслаштириш жараёни босқичлари ҳам умумий қонун ижодкорлиги жараёни босқичларидан келиб чиқиб белгиланиши лозим[22].

Умуман, суғурта хизматлари кўрсатишни тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни амалга ошириш давлат ва жамият ҳаётининг фаровонлигига, иқтисодиёт тараққиётига хизмат қилади. Бошқача айтганда, суғурта қонунчилигини тизимлаштириш соҳада қонунчилик фаолиятини тартибга солишда, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат органлари ҳамда суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан соҳага оид ҳуқуқ нормаларини тўғри изоҳлаш ва қўллаш вазифасини бажаради.

6. Суғурта бозорини ривожлантириш нафақат миллий, балки халқаро доирада ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, бир давлат юридик ва жисмоний шахсларнинг бошқа давлат ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, шунингдек йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиқларини ҳимоя қилишда суғуртанинг ролини ошириш, қолаверса давлатларнинг суғурта тўғрисидаги миллий қонунларини уйғунлаштириш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бунинг учун, назаримизда, қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, халқаро ташкилотлар (БМТ, БСТ, МДҲ, ШҲТ кабилар) доирасида давлат мажбурий суғурта соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишувларни қабул қилиш;

иккинчидан, миллий давлатлардаги суғурта бозори профессионал иштирокчилари учун тегишли таклифларни ҳамда халқаро даражада тавсиявий тусга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида, Миллий суғурта бозорлари профессионал қатнашчилари уюшмалари ташкилоти ёки Бутунжаҳон суғурта ташкилотини ташкил этиш;

учинчидан, намунавий (моделли) Суғурта кодексини ва бошқа суғурта хизматларининг муайян турлари бўйича қонунларни, шунингдек «Миллий суғурта бозорлари профессионал иштирокчиларининг касб этикаси тўғрисида»ги кодексни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

тўртинчидан, 1994 йилда Швеция давлатида ташкил этилган ва ҳозирда штаб квартираси Базел шаҳрида жойлашган “Халқаро суғурта назоратини амалга ошириш уюшмаси” (Международная ассоциация страховых надзоров - IASIS (англ. International Association of Insurance Supervisors, IAIS)) га аъзо бўлиш[23]. Бу асослик мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантиришга, суғурта фаолиятини ривожлантириш юзасидан қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларини халқаро суғурта фаолиятини назорат қилиш уюшмаси томонидан қабул қилинаётган нормаларга тенглаштириш, халқаро суғурта муносабатларини сифат жиҳатидан кўтаришга, шунингдек ривожланган давлатларнинг тажрибасига суянишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбекистон ҳалқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005 й. – Б.181.

2. Системность законодательства как фактор повышения его качества // Государство и право. – М., 2002. – № 8. – С.5.

3. Махмудов Д.Р. “Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш”. Диссертация иши. Т.: 2018 й. 53-бет.

4. М.М.Нурматов. Ўзбекистон экологик сиёсатининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш. // докторлик дисс.автореферати.2019 йил. 32 б.

5. Тўхтаев К. Экологик суғуртанинг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш-нинг айрим масалалари.//Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. 2013 йил 12-сон.

6. Аминжонова. М.А. Суғурта шартномасида тарафларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги масалалари // номзод. дисс.автореферати. ТДЮИ. 2019. 36-б.

7. Абдуллаева Н.Г. Страхование право. Университет мировой экономики и дипломатии // .–Ташкент, 2006.

8. Махмудов. Д.Р. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш // . номзод. дисс.автореферати. ТДЮИ. 2018. 8-б.

9. Благути Д.Ю. Французский режим возмещения ущерба от стихийных бедствий. //Страхование дело. 2002. №10. стр-58.

10. Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: 2002 й.– Б.268.

11. Российская правовая политика / Под.ред.проф. Матузова Н.И. и проф. Малько. А.В. – М., 2003. – С.197.; Поленина С.В., Сильченко Н.В. Научные основы типологии нормативно-правовых актов. – М., 1987. – С.94-95.

12. Общая теория государства и права. Академический курс в 3-х томах. Изд. 2-е, перераб. и доп. Отв.ред.проф. Марченко М.Н. – Т.2. – М.: Зерцало. – М., 2001. – С.384.

13. Мухамедов Ў.Ҳ. Қонун ҳужжатларини кодекслаштириш. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2007 й. – Б.9-10.

14. Мухамедов Ў.Ҳ. Ўша манба. – Б.15.

15. Гомелля В. Б. Основы страхового дела — М: СОМИНТЭК, г.1998.

16. «Всероссийский Союз Страховщиков» портал. / «Google» поисквое система [Электронный ресурс]: Режим доступа: [DOC] Code des Assurances (France) свободный. – Загл. с экрана. – Яз.рус.

17. «Лига закон» портал. / «Google» поисквое система [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://search.ligazakon>. – Загл. с экрана. – Яз.рус.

18. «Стравита» портал. / «Google» поисквое система [Электронный ресурс]: Режим доступа: Адрес в Интернет: <http://www.stravita.by/news/124.ht-ml>. – Загл. с экрана. – Яз.рус.

19. Благути Д.Ю. Ўша манба. – С.58.

20. Исоҳ: Ушбу қонунлар «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги кабиларда намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, РФда «Россия Федерациясида фуқароларни тиббий суғурталаш тўғрисида»ги, «Россия Федерациясида суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида»ги, Қозоғистон Республикасида «Икки томонлама суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган.

21. Чухвичев Д.В. Законодательная техника. – М.: «Закон и право», 2006. – С.220-223.

22. Мухамедов Ў.Ҳ. Қонун ҳужжатларини кодекслаштириш. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2007 й. –Б.24.

23. <https://ru.wikipedia.org>.

А. Якубов,

ТДЮУ ҳузуридаги Юридик кадрларни ҳалқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази директори, мустақил тадқиқотчи

ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА КРИПТО-ВАЛЮТА ВА БЛОКЧЕЙН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Аннотация: мазкур мақолада крипто-валюта ва блокчейн технологиялари тушунчаси, тарифи, уларнинг ҳуқуқий табиати, бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибаси ёритилган. Шунингдек крипто-валюта ва блокчейн технологиялари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ва ташқи савдо муносабатлари объекти сифатида ўзига хос жиҳатлари, уларни эътиборга олган ҳолда миллий ҳуқуқ тизими ва қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифларни илгари сурилган.

Калит сўзлар: криптовалюта, блоечейн, криптоактив, big data, қимматли қоғоз, Initial Coin Offering.

Аннотация: в данной статье описаны понятие, тарифы, правовая природа криптовалютных и блокчейн-технологий, опыт зарубежных стран в этой сфере. Также есть предложения по совершенствованию национальной правовой системы и законодательства с учетом специфики криптовалюты и технологии блокчейн как объекта гражданского права и внешнеэкономических отношений.

Ключевые слова: криптовалюта, блоечейн, криптоактив, big data, ценных бумаг, Initial Coin Offering.

Abstract: this article analyzes the concept, tariffs, the legal nature of cryptocurrency and blockchain technologies, the experience of foreign countries in this area. There are also proposals to improve the national legal system and legislation, taking into account the specifics of cryptocurrency and blockchain technology as an object of civil law and foreign trade relations.

Keywords: cryptocurrency, blockchain, cryptoasset, big data, securities, Initial Coin Offering.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Ушбу Мурожаатномани нафақат жорий йилга қўлланма ва йўлланма сифатида, балки яқин ўрта муддатда рақамли технологиялар асосида Ўзбекистоннинг ривожланиш йўлини белгилаб берувчи дастур, фундаментал аҳамиятга эга бўлган ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Криптовалюта борасида мамлакатимизда дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилини мазкур соҳанинг ривожланишига замин бўлиб хизмат қилади. Мазкур масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон қарори [1], 2018 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3926-сон қарори [2] ва мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 21 январдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган “Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низом [3] (рўйхат рақами 3127)да акс этган бўлсада, унда асосан мазкур фаолият билан шуғулланиш тартибини белгиловчи, маъмурий қоидалар йиғиндисини ифодалаганлиги сабабли, шунингдек ушбу маъмурий ҳуқуқий масалалар мустақил тадқиқот объекти доирасида ўрганилиши зарур деган хулосага келиниб, ушбу қонун ҳужжатларига батафсил тўхталмадик.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ахборот-коммуникация технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, хусусан, крипто-активлар, шу жумладан майнинг айланмасини ривожлантириш, шахси кўрсатилмаган маълумотларнинг сезиларли массивларини («big data») йиғиш ва қайта ишлашни ҳуқуқий тартибга солиш, электрон тижоратдан фойдаланиш, электрон майдончалар орқали харидларни амалга ошириш бўйича имкониятларни кенгайтириш вазифаси қўйилган [4].

Энг қизиғи криптовалюта ва блокчейн технологиялари хали фуқаролик қонунчилигида муносабат объекти сифатида расман қайд этилмагандан туриб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 1-сон қарорига 2020 йил 3 июль санасида киритилган ўзгаришлар билан қарорнинг 3-бандида легаллаштириш объекти сифатида Фуқаролик кодексининг 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк, шу жумладан, виртуал активлар (криптовалюта ва ҳ.к.) бўлиши мумкинлиги қайд этилган [5]. Бундан қўрадики, жиноят ҳуқуқий муносабатлар бу борада анча илгарилаб кетган.

Эътибор берсак, “крипто-валюта” атамаси биринчи марта 2009 йилда Биткоин тўлов тизими яратилганда қўлланилган бўлиб, 2013 йил июл ойига қадар Ripple дан бошқа барча крипто-валюта дастурлари Биткоин тизимининг очик манба кодига асосланган эди. 2013 йил июлдан сўнг Nxt, Maastecoin, BitShares каби янги крипто платформалар пайдо бўла бошлаши натижасида мессенжерлар, савдо комплекслари, биржа савдоларида қўллаб-қувватланди.

Бугунги кунда, бутун дунё бўйлаб ишлатиладиган ўндан ортиқ йирик крипто-валюталар мавжуд бўлиб, улар блокчейн технологиясига асосланган. Умуман олганда, крипто-валюталар сони мингдан ошади. Улар орасида энг машҳури биткоин саналади. Қайд этиш зарурки, крипто-валюта пайдо бўлиши ва уларни янада ривожланиши, шунингдек улардан фойдаланиш истиқболларини баҳолашни нафақат иқтисодий нуқтаи назардан, балки юридик нуқтаи назардан ҳам тадқиқ қилишга бўлган зарурат мавжуд.

Крипто-валюта ва биткоинни ҳуқуқий тартибга солиш масаласига мурожаат қилишдан олдин, бу ҳодисалар нима эканлигини ва уларни тартибга солиш заруриятини келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлаш керак. Биткоин, R.Grinberg томонидан таърифлангандек, бу рақамли, марказлаштирилмаган,

қисман аноним (номаълум) валюта бўлиб, ҳукумат томонидан ёки бирон бир юридик шахс томонидан қўллаб-қувватланмайди, тенг ҳуқуқли (peer-to-peer) тармоқлар ва криптографияга асосланган ҳолда олтин ёки биржа товарларига алмаштирилмайди [6].

K.V. Tu ва M.W.Meredith фикрича, биткоин концепцияси ва виртуал валюта ва рақамли валюта каби бошқа муҳим тушунчалар ўртасидаги муносабатни аниқлаштириш керак. Виртуал валюта, қоида тариқасида, уларнинг яратувчилари томонидан назорат қилинадиган тартибга солинмаган рақамли пулларни англатади ва қоида тариқасида виртуал дунёда тўлов учун қабул қилинади [7].

Биткоин - бу тенг ҳуқуқли, хусусий, аноним ва марказлаштирилмаган тармоқ бўлиб, у банк тизими ёки ҳукуматидан мустақил равишда ишлайди. Бир қарашда, биткоинни пул сифатида тан олиш мумкин, чунки у товарларни сотиб олиш ёки сотиш, қиймат ўлчовини аниқлаш учун ишлатилиши мумкин.

Биткоин тизимини иқтисодий жиҳатларини таҳлил қилар экан, J. Brito, H.Shadab ва A.,Castilloлар ушбу тизимни сиёсат ва ҳуқуқ олами учун ўзига хос чақирув эканлигини таъкидлаб ўтишади. Уларнинг фикрича, номарказлаштирилган тармоқ ва очиқ протоколга эга бўлган ҳеч қандай расмий юридик шахсларсиз ёки марказлашган серверларсиз ҳаракатланувчи қимматли қоғоз шакли келгусида ҳуқуқ олдида тартибга солиш нуқтаи назаридан мураккаб саволлар қўйиши табиий [8]. Биткоин ва крипто-валютани технологияларини иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари бир қатор МДХ давлатлари олимлари томонидан ҳам сўнги йилларда тадқиқ қилинмоқда [9].

Адабиётларда ва қонунчиликда криптовалютага расмий, ягона таъриф мавжуд бўлмаганлиги сабабли унга қуйидагича таъриф беришни лозим, деб топдик.

Криптовалюта – бу тўлиқ автоматик режимда ишлайдиган, марказлаштирилмаган тўлов тизими томонидан таъминланадиган, мустақил, ўзаро ҳисоб-китобларни юритишда мақсад қилган, рақамли-электрон валютанинг бир туридир. У алмашинув операцияларида валютага паралель восита сифатида ишлатиладиган, шифрланган, тартибга солинмаган рақамли актив.

Криптовалюта ҳеч қандай жисмоний шаклга эга бўлмайди ва фақат маълумотлар кўринишида электрон тармоқда (тизимда) – блокчейнда мавжуд бўлади. Криптовалюта орқали ҳисоб-китоб қилиш электрон почта ёки шу каби воситалар ёрдамида эркин алмашиш билан амалга оширилади ҳамда шунинг учун банк орқали содир бўладиган комиссиялар ва воситачилик йиғимларидан ҳоли бўлиб, уни амалга оширишда тарафлар эркинининг мустақиллиги ва вақтдан ютиши билан афзалдир.

Илмий тадқиқотларда биринчи марта Биткоин тушунчаси ва унга мос келадиган блокчейн технологияси 2008 йилда Сатоши Накамото (S.Nakamoto) томонидан “Биткоин: электрон пиринг пул тизими” мақоласида тилга олинган эди [10]. Мазкур тадқиқотчи ва бошқалар томонидан сўнги йиллар ушбу соҳада бир қатор тадқиқот ишлари ҳам эълон қилинганлигини кўрсатиб ўтиш зарур [11].

T.I. Kiviati томонидан 2015 йилда эълон қилинган тадқиқот ишида блокчейн транзакцияларни ҳуқуқий тартибга солиш, унда биткойнларни тутган ўрни, уларни халқаро савдо объекти сифатидаги ўрни таҳлил қилинган [12].

Мазкур соҳада илмий тадқиқотлар ўн йиллар давомида амалга оширилаётган бўлсада, ушбу соҳа мамлакатимиз ва МДХ давлатлари учун янги ҳуқуқий тадқиқот объекти ҳамда ҳуқуқий муносабат саналади. Шу боис, ушбу ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда ва қолаверса МДХ давлатлари орасида ҳам крипто-валютадан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга рухсат йўқ, аммо таъқиқ ҳам мавжуд эмас. Фуқаролик муомаласи объекти сифатида ҳам гарчанд таъқиқ бўлмасда, расмийлаштириш учун ҳуқуқий асос мавжуд эмас.

Бизнингча ушбу ҳолат турли хил омиллар билан боғлиқ эканлигини қайд этиш зарур. Хусусан, крипто-валютани тўлов воситаси сифатида жорий этиш бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра, мамлакатда пул айланишига путур етказиши ва Марказий банкнинг монополиясининг йўқолишига, пировард натижада пул-кредит сиёсатини назорат қилиш имкониятини сусайишида намоён бўлиши мумкин [13].

Ҳозирги вақтда крипто-валюта ва тегишли атамалар таърифлари асосан миллий ва халқаро молиявий институтларнинг маълумот ҳужжатларида мавжуд. Айрим хорижий мамлакатлар технологик бетарафликка асосланган ҳолда “крипто-валюта” сўзининг ўрнига “виртуал валюта” таърифидан фойдаланишган.

Бугунги кунда мавжуд бўлган таърифларнинг умумийлиги, битта юрисдикция доирасида виртуал валютанинг айланиши натижасида вужудга келадиган турли хил ҳуқуқий муносабатлар учун уни “хусусий пул”, мулк ҳуқуқи, товарлар, активлар ва тўлов воситалари сифатида таснифлашга имкон беради. Виртуал валютадан фойдаланган ҳолда амалдаги солиқларни тартибга солиш кўп мамлакатларда ушбу тамойилга асосланади [14].

Ҳуқуқий табиати нуқтаи назардан крипто-валюта бу – товарми, тўлов воситасими ёки ўзаро алмашинув воситасими деган саволларга жавоб топиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур соҳадаги хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташар эканмиз 2015 йил ноябрь ойида Европа суди (European Court of Justice) Биткоинни товар сифатида эмас, балки валюта (тўлов воситаси) сифатида кўриб чиқиш кераклиги тўғрисида қарор қабул қилганлигини кўриш мумкин. Бундай ёндашув крипто-валюта тўлов амалга оширилганда тарафлардан бирида ҳеч бўлмаганда солиққа тортиш нуқтаи назаридан мажбурият вужудга келишига доир ёндашилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Демак, аъъанавий фиат валюталари учун биткоинни сотиб олиш ва сотиш операциялари қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги керак. Норвегия, Финляндия ва Германияда крипто-валюта капитал даромад ўсиши ва ҳашамат солиғига тортилади. Австрияда крипто-валюта солиқ органлари томонидан номоддий актив сифатида қаралади ва майнинг операцион фаолият сифатида қаралади. АҚШда крипто-валюталар мулк деб ҳисобланади, бундай валюта билан боғлиқ барча операциялар солиққа тортилади.

Блокчейн технологиясини қўллашнинг асосий соҳаларидан бири крипто-валюта ва тўлов воситасидир. Аммо, блокчейн технологияси марказлаштирилмаган маълумотлар ва ахборотларни сақлаш учун бир йўл сифатида бошқа кўплаб соҳаларда фойдаланиш мумкин.

Л. В. Санникова ва Ю. С. Харитонованинг фикрига кўра, тарқатилган рўйхатга олишнинг моҳияти шунда намоён бўладики, рақамли битимларнинг тақсимланган реестри маълум бир режимда марказлашмаган тарзда сақланадиган, яратилган ва янгиланган рақамли ёзувларнинг маълум бир тизимлаштирилган маълумотлар базаси бўлиб кўрилади [15]. Замонавий шароитда крипто-валютани ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири уни фақат тўлов ва алмашинув воситаси сифатида эмас, балки, масалан, “акциялар” ёки “вексел” сифатида блокчейнда белгиланган ҳуқуқ (мажбуриятлар) сифатида фойдаланиш имкониятидир.

Бундан ташқари, биткоин ва умуман крипто-валюта қимматли қоғозми деган масала ҳам муҳим ҳисобланади. Ушбу соҳада Л.Ю.Ефимова томонидан чиқарилган хулосалар диққатга сазовор. Жумладан, унинг қайд этишича FINMA маълумотларига кўра, қимматли қоғозлар фақат инвестиция токенларини (белгиларини) тан олиши мумкин. Амалий қўлланмада ҳақиқий тўлов белгиларининг қимматли қоғозлар сифатида тан олинмаслиги ҳақида аниқ хулоса мавжуд. FINMA маълумотларига кўра, Bitcoin ёки Ethereum каби тўлов турлари ҳозирда қимматли қоғозлар сифатида қаралмайди [16].

Эркин ахборот алмашиш, мамлакатлар ва китъалар чегаралари бўйлаб ҳаракат қилиш, халқаро савдо, шу жумладан Интернет савдоси – бу объектив ҳақиқатдир. Шу муносабат билан ушбу соҳадаги халқаро шартномалар рақамли муҳитда барча мамлакатлар учун мақбул бўлган ягона стандартлар ва хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олиши керак [17].

Ўзбекистон қонунчилиги учун крипто-валюта фаолиятини тартибга солиш бўйича Европа тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришнинг дастлабки босқичларида ICO рухсат бериш сиёсати, агар улар пул ювишга қарши сиёсат ва “мижозингизни билиш” (AML/KYC) ва тадбиркорлик фаолиятининг асосий талабларига мос келадиган бўлса, устувор йўналиш сифатида тан олинди.

Блокчейн технологияларидан фойдаланганда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим қадам бу Европа парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг 2016/679-сонли GDPR (General Data Protection Regulation – Маълумотларни ҳимоя қилишнинг умумий қоидалари) Регламентидир [18].

2018 йил январ ойида Швейцария Конфедерациясида Crypto Valley Association (CVA) Ассоциацияси Швейцария учун ICO Хулқ-атвор кодексини эълон қилди, бу крипто-валюта айланмасининг барча иштирокчиларининг ўз-ўзини бошқариш муносабатларини тартибга солади [19].

Буюк Британияда ICO нинг тартибга солинмайдиган хусусияти тўғрисида сармоядорларга огоҳлантириш эълон қилинди, шу билан бирга Буюк Британия молиявий назорат бошқармаси таъкидлашича, ҳатто виждонан иш тутган тақдирда ҳам, сармоядорлар ICO бизнес моделларининг ҳали ҳам экспериментал табиати туфайли барча пулларини йўқотишлари мумкин.

Шунга ўхшаш огоҳлантириш Германиянинг молиявий назорат органи томонидан чиқарилди ва Германияда ICO га нисбатан махсус норматив талаблар мавжуд эмас, чунки у банк қонунчилиги, инвестициялар, қимматли қоғозлар савдоси, тўлов хизматлари ва эмиссия проспеклари нормаларини

тақсимлаш назорати тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади. Бир қатор мамлакатларда (масалан, Португалия, Испания, Италияда) ICO га бутунлай рухсат этилган, Хитой ва Македонияда эса қатъиян тақиқланган.

Крипто-валютани ҳуқуқий тартибга солишни белгиланган давлатлар бугунги кунда асосан қуйидаги соҳаларда ҳуқуқий тартибга солишни жорий қилишга интилоқда:

1) легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни жорий этиш;

2) давлатнинг динамик ривожланаётган виртуал валюталар бозорига тўғридан-тўғри муносабатининг энг машҳур чораси бўлмиш Аргентина, Филиппин, Япония ва АҚШ тажрибаси шуни кўрсатадики, виртуал валюталар билан бошқа ҳисоб-китоб операциялари иштирокчилари сифатида фаолият юритувчи виртуал валюта ва юридик шахсларни айирбошлаш бўйича операторларни мижозингизни билинг know your customer (KYC) тартибини жорий қилиш, битимларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиши ва миллий юрисдикциянинг обрўсини пасайтириш хавфини камайтириш учун бошқа чораларни кўриш мажбуриятини юклаш;

3) виртуал валютадан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни солиққа тортиш тизимини ривожлантириш (Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Бразилия, АҚШ), виртуал валюта билан айирбошлаш операцияларини амалга ошириш (Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари), виртуал валютани майнинг бўйича фаолиятни амалга ошириш (фуқароларнинг ўз – ўзини иш билан таъминлашдан олинган даромад-Буюк Британия, Швеция, АҚШ);

4) мижозлар олдида жавобгарликни оширишга қаратилган валюта операциялари ва виртуал валюталар билан бошқа биржа операцияларини тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали миллий юрисдикциянинг обрўсини йўқотиш хавфини камайтириш. Хусусан, биржа фаолиятининг молиявий таъминоти, операцияларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш, биржа операциялари операторлари томонидан мижоз томонидан низоларни ҳал қилишнинг махсус муқобил механизмларидан (Филиппин, Япония) фойдаланиш имконияти ҳақида гап бормоқда.

Бугунги кунда мавжуд бўлган крипто-валюталар рўйхати жуда кенг ва уларни қонуний мустақамлаш учун крипто-валюталарнинг бутун мажмуасини таснифлаш керак. Шундай қилиб, крипто-валюта тоифаси учта гуруҳни ўз ичига олади.

Биринчи гуруҳ: тўлов воситаси, тўплаш (жамғариш) ва айирбошлаш воситаси сифатида ишлатиладиган крипто-валюталар. Кўпинча, ушбу гуруҳ крипто-валюталари инвестиция воситаси сифатида ишлатилади (Bitcoin, Bitcoin-cash, Dash, Ripple, Litecoin, Eteherium ва бошқалар).

Иккинчи гуруҳ: Initial Coin Offering (бундан кейин - ICO) натижасида олинмайдиган крипто-валюта токенлари. Ушбу гуруҳнинг крипто-валюталари бонус сифатида тўлов воситаси, тежаш (жамғарма) ва айирбошлаш воситаси сифатида ишлатилади. Иккинчи гуруҳнинг крипто-валюталарини инвестиция воситаси сифатида ишлатиш жуда кам учрайди (STRAT, IOT, Waves ва бошқалар).

Учинчи гуруҳ: тўлов воситаси, жамғарма (тежаш) ва айирбошлаш воситаси сифатида тақсимланмаган

ва инвестиция воситаси сифатида фойдаланилмайдиган (TRUMP-COIN ва бошқалар) токенлар ва крипто-валюталар киради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, крипто-валютанинг асосий хусусияти унинг яратилишининг асосий технологияси блок ёки тақсимланган рўйхатга олиш технологиялари ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда давлатлар рақамли электрон тизим доирасидаги муносабатларни самарали тартибга солиш учун маълум имкониятларга эга деган хулосага келишимиз мумкин. Ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солиш бўйича бир нечта йўналишларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчи, келажакда биткоин ва бошқа крипто-валюта бутунлай тақиқланиши мумкин. Бу энг замонавий ва либерал бўлмаган вариант, ammo бу мавжуд, чунки крипто-валюта, ўз моҳиятига кўра, кибер фирибгарликдан бошлаб, терроризмни молиялаштириш ва пул ювиш билан тугайдиган жиноятлар қуроли сифатида катта хавф туғдиради. Бироқ, крипто-валюта бўйича расмий тақиқ бу тарзда биткоинлар билан операциялар тўхтади дегани эмас. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам бу йўналиш самарасиз ва имконсиз бўлиши мумкин.

Иккинчи, замонавий шароитда крипто-валютани ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири уни фақат тўлов ва алмашинув воситаси сифатида эмас, балки, қимматли қоғозлар ўрнида масалан, “акциялар” ёки “вексел” сифатида блокчейнда белгиланган ҳуқуқ (мажбуриятлар) сифатида фойдаланиш имконияти ҳақида ўйлаш вақти келган.

Учинчи, крипто-валюта устидан кенг қамровли давлат назоратини ўрнатиш техник ва ҳуқуқий жиҳатдан имкони йўқлигини инобатга олган ҳолда, кўпгина давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу соҳада ўз-ўзини бошқариш институтига устувор аҳамият берилиши юқори самара беради.

Тўртинчи, крипто-валюта устидан давлат назоратини тўлиқ ўрнатишнинг мумкин эмаслиги баъзи савдо ва электрон жараёнларни қисман тақиқланишига тўсқинлик қилмаслиги мумкин. Жумладан, фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш учун биткоинлар билан товарлар учун тўлаш; айрим соҳаларда, масалан, солиққа тортишда давлат назоратини жорий этиш имконияти ҳам бундан мустасно эмас.

Бешинчи, Ўзбекистонда ҳам янги молиявий технологиялар пайдо бўлиши билан ушбу соҳада ҳуқуқий муҳитни шакллантириш, ўз фаолиятида крипто-валютадан фойдаланган ёки фойдаланишни режалаштирган бизнес ва жамоатчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларига хизмат қилиши керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/ru/docs/3891616>
2. <https://lex.uz/ru/docs/3806048>
3. <https://lex.uz/docs/4176346>
4. <https://lex.uz/docs/4272621>
5. <https://www.lex.uz/docs/1766419>
6. Grinberg, R., Bitcoin: An innovative alternative digital currency. *Hastings Sci. & Tech. LJ*, 4, 2012. p.159.
7. Tu, K.V. and Meredith, M.W., Rethinking virtual currency regulation in the Bitcoin age. *Wash. L. Rev.*, 90, 2015. p.271.
8. Brito, J., Shadab, H. and Castillo, A., Bitcoin financial regulation: Securities, derivatives, prediction markets,

and gambling. *Colum. Sci. & Tech. L. Rev.*, 16, 2014. p.144.

9. Rustem, M., Sergey, K., Anastasia, K., Muhamat, G., Venera, G. and Aleksey, K., 2019, October. Problems of Legal Regulation of Cryptocurrencies. In 2019 12th International Conference on Developments in eSystems Engineering (DeSE) (pp. 956-959). IEEE.; Hrudnytskyi, V., Chornous, Y., Denysenko, S., Turkot, O. and Sikorskyi, O., Legal regulation of cryptocurrency turnover in Ukraine and the EU. 2019.

10. Nakamoto, S., Bitcoin: A peer-to-peer electronic cash system. 2008.

11. Nakamoto, S., Bitcoin: A peer-to-peer electronic cash system. *Manubot*. 2019; Lemieux, P., Who Is Satoshi Nakamoto?. *Regulation*, 36(3), 2013. P.14. Popper, N., Decoding the enigma of Satoshi Nakamoto and the birth of Bitcoin. *The New York Times*, 2015.15.

12. Kiviat, T.I., 2015. Beyond bitcoin: Issues in regulating blockchain transactions. *Duke LJ*, 65, p.569.

13. Егорова М. А. Биткоин как особый вид криптовалюты: понятие, значение и перспективы правового регулирования в предпринимательской деятельности. *Актуальные проблемы российского права*. 2019. № 6 (103) июнь

14. В.К.Шайдуллина. Криптовалюта как новое экономико-правовое явление. *Вестник университета* № 2, 2018. – С. 137-142.

15. Санникова Л. В., Харитоновна Ю. С. Цифровые активы и технологии: некоторые правовые проблемы выработки понятийного аппарата // *Право и цифровая экономика*. — 2018. — №1. — С. 71-76.

16. Ефимова Л. Г. Некоторые аспекты правовой природы криптовалют // *Юрист*. 2019. № 3.

17. Егорова М. А. Биткоин как особый вид криптовалюты: понятие, значение и перспективы правового регулирования в предпринимательской деятельности. *Актуальные проблемы российского права*. 2019. № 6 (103) июнь

18. Регламент Европейского Парламента и Совета Европейского Союза 2016/679 от 27 апреля 2016 г. О защите физических лиц при обработке персональных данных и о свободном обращении таких данных, а также об отмене Директивы 95/46/ЕС (Общий Регламент о защите персональных данных). Текст перевода официально опубликован не был; текст Регламента на английском языке опубликован в: OJ, N L 119. 04.05.2016. Pp. 1—88.

19. URL: <https://cryptovalley.swiss/>

Sh.Erkabaeva,
PhD Researcher

**MANAGEMENT ISSUES IN COMPANIES:
Comparative and Legal Analysis of Limited
Companies (UK and USA), Investment Companies
(Russia) and Business Companies (Uzbekistan)**

Аннотация: ушбу мақолада олимларнинг илмий нуқтаи-назарлари ҳамда Буюк Британия ва АҚШ, Россия ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тартиботларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида миллий ва хорижий қонунчиликда акс этган ширкатлардаги бошқарув ҳамда ишларни юритиш масалалари чуқур таҳлил қилинади. Шунингдек, ҳозирги миллий қонунчиликдаги юридик шахслар фаолияти билан боғлиқ бошқарув ҳамда ишларни юритишга доир долзарб муаммолар келтирилади. Шу нуқтаи назардан, хорижий тажриба асосида ушбу муаммоларни бартараф этиш ва ширкатларнинг бошқарув ҳамда ишларни юритишга доир масалаларини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар берилди.

Калит сўзлар: чекланган ширкат, инвестицион ширкат, хўжалик ширкати, бошқарувчи шерик, чекланган шерик, инвестиция фаолияти, шерикчилик шартномаси, юридик шахслар, профессионал бошқарувчилар.

Аннотация: в данной статье тщательно анализируются вопросы управления в партнерствах, существующих в национальном и зарубежном законодательствах на основании научных работ ученых и сравнительно-правового анализа правовых систем Великобритании и США, России и Республики Узбекистан. Более того, в статье приведены актуальные проблемы национального законодательства, касающиеся вопросов управления и ведения дел в юридических лицах, такие как отсутствие механизма распределения рисков и профессиональных инвесторов. Также, в данной статье изложены предложения по устранению перечисленных проблем и совершенствованию вопросов управления в партнерствах.

Ключевые слова: ограниченное партнерство, инвестиционное товарищество, хозяйственное товарищество, управляющий партнер, ограниченный партнер, инвестиционная деятельность, соглашение о партнерстве, юридические лица, профессиональные управляющие.

Abstract: this article provide a thorough investigation of management issues in partnerships, existing in national and foreign legislations based on the scientific views of scientists and a comparative-legal analysis of legal systems of the United Kingdom and the USA, Russia and the Republic of Uzbekistan. Furthermore, this article enumerates the actual problems existing in national legislation related to the management and conduct of business in legal entities, such as the absence of risk sharing mechanism and professional managers, which, subsequently, adversely influences on the decision making of investors. Additionally, this article provides suggestions for the elimination of the enumerated problems and the improvement of management issues in partnerships.

Keywords: a limited partnership, an investment partnership, a business partnership, a general partner, a lim-

ited partner, investment activity, a partnership agreement, legal entities, professional managers.

Nowadays the Republic of Uzbekistan has determined the course of enhancing the level of economic and social development of the country by means of encouraging the attraction of investment capital and enhancing the role of innovations. However, as it is mentioned in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No.5583 "On additional measures on improvement of mechanisms of financing projects in the field of entrepreneurship and innovation" dated on November 24, 2018 (<http://lex.uz/docs/4076954>), in contrast to the developed foreign countries, in the Republic of Uzbekistan, business activity is conducted mainly on the terms of concentration of risks, that is to say that the same persons are engaged in the accumulation of funds and their management. The absence of risk sharing mechanisms and professional managers of investment assets adversely affects the decision-making of foreign investors on the implementation of investment projects in the Republic of Uzbekistan [1].

Taking into account the aforementioned, it is of a paramount importance to investigate the management issues and conduct of business in limited partnerships, which are widely developed in both Common law countries and Continental law countries, and investment partnerships, which are becoming more and more popular among business entities in Russian Federation as well as make a comparative analysis with business partnerships in the Republic of Uzbekistan, which include general (full) partnerships and special partnerships.

Primarily, it would be appropriate to understand clearly the essence of the abovementioned types of partnerships with reference to foreign and national legislation.

According to Section 4 of Limited partnership Act of 1907, a limited partnership must consist of one or more persons called general partners, who shall be liable for all debts and obligations of the firm, and one or more persons to be called limited partners [2 s.4].

According to the Article 2 of Federal Law of Russian Federation "On investment partnership" of 2011, an investment partnership is a joint investment activity, which is carried out by companions jointly based on the agreement of investment partnership on investment of common property of companions in the objects of investment allowed by the Federal law and this agreement for the implementation of investment, including innovative, projects [3 article 2].

According to Article 60 of Civil Code (<https://lex.uz/docs/111181>), a general (full) partnership is established as a legal entity by concluding an agreement between partners, who are directly engaged in entrepreneurial activity on behalf of the partnership. Article 61 of Civil Code states that a special partnership is also established as a legal entity by concluding an agreement between partners, some of whom (full partners) are directly engaged in entrepreneurial activity of the partnership, while the other partners (depositors or limited partners) do not participate in daily activity of the partnership [4 articles 60, 61].

In spite of the fact that the abovementioned types of partnerships, existing in national legislation, have several features constituting the essence of partnership that has been developed in foreign countries, unfortunately, they have not gained much popularity among population, particularly business entities and investors. In testimony whereof, it would be appropriate to present the facts stating that as of 01.12.2018, there are only 186 business

partnerships duly organized and acting in the Republic of Uzbekistan, while the number of German partnerships exceeds 260 thousand, and the number of partnerships in the United States exceeds 7.4 million. Generally, the main reasons of not establishing the business partnerships for the aims of entrepreneurship are their status as a legal entity and the formal procedures of their operation, double taxation system as it is common for corporate structures, the subsidiary liability of the partners and others.

Turning to the management issues and conduct of business in partnerships, it is of great importance to notice that foreign experience to be introduced in this article provides the risk sharing mechanisms and professional managers of investment assets in the system of management and conduct of business in partnerships.

Regarding the limited partnerships in the United Kingdom and the USA, Don Mayer, Daniel Warner, George Siedel, and Jethro K. Lieberman their work state that in a limited partnership both classes of partners do not generally share the control. The control of the limited partnership is in the hands of the general partners, which are in most cases are legal entities [5 p.178-181].

According to Section 406 of Uniform Limited Partnership Act, general partners govern all management issues and conduct of general affairs of the partnership. Except as expressly provided in this act, the general partner may exclusively decide any matter relating to the activities of the limited partnership or, if there is more than one general partner, by a majority of the general partners. This Section defines that the consent of each partner is necessary to: amend the partnership agreement; amend the certificate of limited partnership to add or delete a statement that the limited partnership is a limited liability limited partnership; and sell, lease, exchange, or otherwise dispose of all, or substantially all, of the limited partnership's property, with or without the good will, other than in the usual and regular course of the limited partnership's activities. According to Section 302 of Uniform Limited Partnership Act, limited partners have barely no management rights and fiduciary duties [6 s. 406, 302].

According to Section 6 of Limited Partnership Act of 1907, a limited partner shall not take part in the management of the partnership business, and shall not have power to bind the firm, provided that a limited partner may by himself or his agent at any time inspect the books of the firm and examine into the state and prospects of the partnership business, and may advise with the partners thereon [7 s.6].

As for the conduct of business, Section 408 of Uniform Limited Partnership Act determines that the only fiduciary duties that a general partner has to the limited partnership and the other partners are the duties of loyalty and care [8 s.408]. According to Robert D. Flannigan, the limited partnership legislation may grant specific powers to limited partners. For instance, it may be provided that a limited partner may carry out the following conduct of general affairs: to inspect the partnership books, demand full information on all matters affecting the partnership, acquire a formal account of partnership affairs, dissolve the partnership by court order, receive a share of the profits or other income and obtain the return of his contribution [9 p.303].

According to Sarah Talpis - Guillet, a limited partner's participation in the limited partnership is usually confined to one thing: making a financial contribution toward the partnership's development [10 p.118].

Having analyzed the legislative acts and authors' points of view, it is found out that the legislation on limited partnerships does not determine any provisions regarding the separate governance bodies of a limited partnership like a general meeting of partners or an executive body. A general partner acts as a management body of the limited partnership and takes full control over management issues of the partnership and general conduct of common affairs. Limited partners play a minimum role in the management and conducting common affairs on behalf of the limited partnership. However, it may be deduced that there are some cases abovementioned when both general and limited partners have voting rights and participate in partnership's life. It can be stated that a general partner acts as an executive body (agent, director) and manages daily activity of the partnership, also a general partner can delegate his authority to manage daily issues to another person, who will be an agent (director, executive body) of a limited partnership. In practice, general partners are mainly considered as highly qualified investors with professional management skills; therefore, this fact may serve as the basis for the establishment of risk sharing mechanisms in the limited partnerships.

Concerning the investment partnerships in Russian Federation, according to Federal law "On investment partnership" of 2011, general partners take full control over management of the investment partnership. Article 3 of this Federal law states that general partner's right to accomplish the exact fiduciary duty or the scope of the general partner's authority in the management of the investment partnership are indicated in this Federal law or investment partnership agreement. Article 5 of this Law states that the general partner has the right to receive remuneration for the conduct of the general affairs of the partners in the amount and in the manner established by the agreement of the investment partnership [11 articles 3, 5.].

Here it can be deduced that in an investment partnership similarly as in a limited partnership a general partner takes full control over daily conduct of affairs as well as deals with management issues of the partnership. Moreover, similarly, in an investment partnership a general partner also may delegate his authorities to other agent, who will take control over day-to-day activities of the partnership. However, in comparison with a limited partnership, there is a separate management body, called an Investment committee, which is formed by the partners and entitled to decide on issues, provided in the legislation or investment partnership agreement.

As for the business partnerships in the Republic of Uzbekistan, according to Article 18 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On business partnerships" of 2001 (<https://lex.uz/docs/2457>), the supreme governing body of the general (full) or special partnership, taking the full control over its management issues, is the general meeting of participants. Management of the partnership is carried out by the general agreement of all its participants, i.e. the decision regarding management issues is taken by a majority vote of its participants. Each participant of the partnership, regardless of whether he is authorized to conduct the affairs of the partnership, has the right to be acquainted with all the documentation on the conduct of affairs. According to Article 19 of this Law, each member of the partnership is entitled to act on behalf of the partnership, unless the founding agreement determined that all the participants conduct affairs jointly or the conduct of affairs is entrusted to the individual participants (with the excep-

tion of a special partnership: here special partners cannot take part in conduct of affairs) [12 articles18, 19].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Uznews” [3] расмий каналига тақдим қилинган маълумотига кўра жорий йил 6 ой давомида республика судлари томонидан ярашув институти 3 535 шахсга нисбатан қўлланилган бўлиб, кўзғатилган жиноят ишлари тугатилган. Бу ҳолат судлар томонидан ҳозирда ярашув институтининг самарали

қўлланилаётгани инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганлиги ҳақида далолат бермоқда.

Медиация институтидан фарқли ўлароқ, ярашув жараёни давлат органлари томонидан амалга оширилади - суриштирув, дастлабки тергов вақтида ва кейинчалик суд томонидан тасдиқланади, яъни ярашув институтининг иштирокчилари давлат ва ҳуқуқбузарлардир.

Медиация жараёнида эса содир этилган жиноят бўйича мурасага келиш учун асосий ролни тарафлар - жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўйнайди. Айни пайтда медиация институтида етакчи ўринни жиноят процесси иштирокчиларидан мустақил бўлган ҳамда ўз фаолиятини қонунда белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширувчи медиатор эгаллайди. Медиаторнинг асосий вазифаси томонларга зиддиятли вазиятнинг сабабларини ўзаро муҳокама қилиш ва уни ҳал қилиш йўллари топиш имкониятини беришдир.

Медиатор сифатида жиноят процесси иштирокчиларидан мустақил бўлган ҳар қандай шахс ҳаракат қилиши мумкин. Масалан, Қозоғистонда медиация институти 2011 йилда Жиноят-процессуал кодексига жорий қилинган бўлиб “медиатор - бу қонун талабларига мувофиқ медиация ўтказиш учун тарафлар жалб қиладиган мустақил шахс” деган тушунчаси киритилган.

Ушбу давлатда **медиатор** фаолиятини олиб бориш учун шахс олий маълумотли, йигирма беш ёшга тўлган, Қозоғистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ва медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича ўқув курсини тугатганлигини тасдиқловчи ҳужжати (сертификати)га эга бўлган бўлиши керак [4].

Грузияда медиация жараёнини амалга оширишга Адлия вазирлигида махсус курсларда ўқитилган педагоглар ва психологлар орасидан ходимлар танлаб олинади.

Германияда медиаторлар тўғридан-тўғри судларда ишлайди, бу ҳолат суд жараёнлари сонини сезиларли даражада камайтиради. Германияда мавжуд бўлган кўпгина юридик мактабларида доимий медиаторлик курслари мавжуд ҳамда “Интеграциялашган медиация бўйича Халқаро Ассоциация”си ташкил қилиниб ўз фаолиятини муваффақиятли амалга оширмоқда [5].

Медиация жараёнида жабрланувчи шахс ҳуқуқбузардан кечирим сўраганлигини ва содир этилган қилмиш юзасидан тушунтиришларини олиш мумкин, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш шартларини кенгроқ маънода муҳокама қилиш имкониятини беради. Ҳуқуқбузарга келсак, унга жабрланувчи билан юзма-юз учрашиш, вазиятни унга тушунтириб бериш, кечирим сўраш имконияти берилади. Соддалаштирилган суд жараёни сифатида, медиация институти жиноят содир этган шахсга мурақаб суд жараёни бўлиб ўтмаслиги ва судланганлик ҳолати юзага келмаслиги учун имкониятларни яратиб беради.

Таъкидлаш жоизки, умуман олганда, медиация институти ярашув институтининг мантаний давоми бўлиб, жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги низони мустақил медиаторнинг ёрдами билан мурасага келиш орқали ҳал қилиш имкониятини беради. Ҳа, биз одил судловни амалга оширишнинг амалдаги концепциясига кўникиб қолдик, содир этилган жиноят юзасидан кўпинча узоқ давом этаётган суд жараёни, далилларни

тўплаш ва баҳолаш, суд тергови ва ҳар қандай экспертиза тайинлаш каби кўплаб ҳуқуқий ҳаракатлар амалга оширилганидан сўнг айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилади ва жазоланади, бунда албатта ҳуқм чиқарилади ва шахс судланган тамғага эга бўлади. Ҳолбуки, медиация институтининг ёрдами билан процесс иштирокчиларига суд жараёнларининг олдини олишга, ўзаро келишув учун энг оптимал вариантни таклиф қиладиган медиаторнинг иштироки асосида ўзаро муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берилиши мумкин.

Ушбу концепция **тикловчи одил судлов** деб аталади, у АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқа бир қатор ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган [6]. Тикловчи одил судлов халқаро ҳужжатларда ҳам ўз тасдиғини топган.

Медиация институтини миллий қонунчиликка жорий этишнинг тарафдорлари қандай фикрда?

Шубҳасиз, асосий ва муҳим мотивация – суд жараёнини соддалаштириш, тергов идоралари, судлар ва пробадия хизмати фаолиятини осонлаштириш; етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этиш, чунки айбдор ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида зарар етказилганлиги ҳолатини англаб етади ва уни қоплаш учун барча чораларни кўради; ўз айбини тан олган ҳуқуқбузарнинг такроран жиноят содир этилишига йўл қўймаслиги, ва, ниҳоят, яна бир муҳим мезон – жиноятни содир этган шахснинг судланганлик ҳолати келиб чиқмаслиги медиация институтини жорий этиш учун салмоқли сабаблар қаотрига киради деб ўйлаймиз.

Умуман олганда медиация институтини самарали, тарафларнинг маблағларини ва вақтини тежашга, маълумотлар ошкор этилмаслигини таъминлашга ҳамда судлардаги иш ҳажмини камайтиришга хизмат қиладиган механизм бўлиб ҳисобланади [7].

Медиация институтини барча ҳуқуқшунослар учун кенг мунозара мавзуси бўлиши табиий: ҳуқуқни муҳофаза орган ходимлари, судьялар, ҳуқуқшунослар, ҳуқуқшунос талабалар ва жамоатчилик вакиллари ўртасида. Бугун биз ишонч билан айтишимиз мумкинки, медиация институтини ярашув жараёни тартибида ишлайди. Медиация институтини жиноят процессуал қонун ҳужжатларига киритиш учун, биринчи навбатда, уни хорижий давлатлар томонидан қўллаш амалиётини ўрганиш, медиаторнинг мақомини аниқ белгилаш, унинг ваколатларини қонуний тартибга солиш, медиация қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар рўйхатини белгилаш, медиация жараёнини амалга оширишнинг мақбул механизмини ишлаб чиқиш зарур. Албатта ушбу шартлар тўла бажарилганда медиация институтини қонунчиликка жорий этилиши мумкин бунда ушбу замонавий жараён давлат томонидан ишониб топширилган вазифаларини амалга ошириб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилади.

Адабиётлар рўхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги "Медиация тўғрисида"ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сон "Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

3. <https://t.me/uznews>

4. Қазақстанский Центр Медиации // <http://kazmediation.kz>, <http://www. медиаторы.kz/>

5. Бюллетень Федерального Института медиации. Издательство "Межрегиональный центр управленческого и потилического консультирования" Москва. 2014. С. 146

6. The British Ambassador, Mr. Phil Batson supports alternative. dispute resolution methods // <https://www.gov.uk/government/world-location-news/supporting-jus>

7. Рустамбеков И. Медиация пособие для медиаторов. –Т.: Baktria press, 2019. 144 с.

Р. Гафуров,

Первый заместитель начальника Академии
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ ПО ОСУЩЕСТВЛЕНИЮ НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ ЭКОЛОГИИ И ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

Аннотация: мақолада экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган ҳамда унинг ўзига хос жиҳатлари ва вазифалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: экологик муаммолар, экология, ҳуқуқий асослар, прокурор назорати.

Аннотация: в статье проводится анализ правовых основ прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды, рассматриваются его специфика и задачи.

Ключевые слова: экологические проблемы, экология, правовые основы, прокурорский надзор.

Abstract: the article analyzes the concept of prosecutorial supervision over the execution of legislation in the field of ecology and environmental protection considering its special features and objectives.

Keywords: environmental problems, environment, legal basis, prosecutorial supervision.

Быстрое развитие экономики, увеличение производственных сил, усиление спроса на топливно-энергетические ресурсы, а также повышение ввиду этого влияния человека на природную среду и, как следствие, ухудшение экологической обстановки (деградация и опустынивание земель, загрязнение водных бассейнов, выбросы вредных газов, уменьшение биоразнообразия и др.) самым серьезным образом влияют на качество жизни людей.

Ввиду этого вопросы рационального использования, сбережения и приумножения природных ресурсов, обеспечения экологической безопасности и защиты окружающей среды имеют общегосударственное значение и качественное решение данных вопросов невозможно без соответствующего нормативно-правового регулирования.

Проводя анализ правовых основ прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды целесообразно дать краткую характеристику законодательству в данной сфере.

Согласно Юридической энциклопедии под «законодательством» понимается один из основных способов осуществления своих функций государством, выражающийся в издании законов органами государственной власти, а также свод правовых норм, полностью регулирующих социальные отношения [1]. Практически аналогичное толкование дает и Национальная энциклопедия Узбекистана, перечисляя при этом список актов, относящихся к законодательству [2].

Вместе с тем, Статья 6 Закона Республики Узбекистан «О нормативно-правовых актах» гласит, что нормативно-правовые акты являются актами законодательства и образуют законодательство Республики Узбекистан [3]. Таким образом, исходя из норм закона к законодательству относятся все нормативно-

правовые акты, а именно Конституция и законы Республики Узбекистан, постановления палат Парламента Республики Узбекистан, указы и постановления Президента Республики Узбекистан, постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан, приказы и постановления министерств, государственных комитетов и ведомств, решения органов государственной власти на местах.

Следует отметить, что в нормативно-правовой базе Республики Узбекистан не имеется обобщенного понятия законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды в нормативно-правовой базе. Так, в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об охране природы» к природоохранному законодательству относятся нормативно-правовые акты, регулирующие отношения в области охраны природы и рационального использования природных ресурсов, в число которых помимо названного закона включены земельное, водное, лесное законодательство, законодательство о недрах, об охране и использовании атмосферного воздуха, растительного и животного мира и иные акты законодательства Республики Узбекистан [4]. Аналогичные нормы имеются в других законах, регулирующих отношения в сфере экологии и охраны окружающей среды.

Таким образом, термин законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды использован в широком смысле и понимается в качестве всех нормативно-правовых актов, так или иначе регулирующих отношения в данной сфере.

Правовой основой прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды является в первую очередь Конституция Республики Узбекистан, поскольку является законодательным актом, обладающим высшей юридической силой.

По мнению А.Межецкого, деятельность прокуратуры обеспечивает реальное укрепление конституционной законности, защиту прав и свобод человека и гражданина и в ряде случаев прокуратура - единственный субъект, способный оперативно реагировать на факты нарушений закона [5].

Конституция Республики Узбекистан обязывает граждан бережно относиться к окружающей природной среде (ст. 50). Конституцией также определяется, что земля, ее недра, воды, растительный и животный мир и другие природные ресурсы являются общенациональным богатством, подлежат рациональному использованию и охраняются государством (ст.55). Также следует отметить ст. 54, в которой указывается, что использование собственником имущества не должно причинять ущерб экологической среде, нарушать права и охраняемые законом интересы граждан, юридических лиц и государства. Конституция также содержит положения о том, что охрана окружающей среды относится к ведению местных органов власти (ст. 100).

При этом необходимо отметить, что Основной закон Узбекистана не содержит прямых норм о праве граждан на благоприятную окружающую среду. В связи с чем, представляется целесообразным, на примере ряда государств (Испания, Корея, Бельгия, Россия и др.) и рекомендаций международных актов включить данные положения в Конституцию Республики Узбекистан.

Основным нормативно-правовым актом в данной сфере является Закон Республики Узбекистан от 09.12.1992 года «Об охране природы», в котором за-

креплены: объекты и цели охраны природы; полномочия органов государственной власти и управления в области регулирования правоотношений по охране; права и обязанности жителей Республики Узбекистан в области охраны природы и другие положения, регулирующие правоотношения в данной сфере.

Необходимо также отметить законы «Об охране и использовании растительного мира» от 21.09.2016 года, «Об охране и использовании животного мира» от 19.09.2016 года, «Об охране атмосферного воздуха» от 27.12.1996 года, «Об отходах» от 05.04.2002 года, «О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения» от 26.08.2015 года, «Об экологической экспертизе» от 25.05.2000 года и другие. В число законодательных актов отраслевого характера относятся: Земельный кодекс Республики Узбекистан, Законы «О недрах» от 13.12.2002 года, «О лесе» от 16.04.2018 года, «О воде и водопользовании» от 06.05.1993 года, «О Карантине растений» от 09.07.2018 года и другие.

Вопросы экологической безопасности в отдельных сферах регулируются также законами «О радиационной безопасности» от 31.08.2000 года, «О промышленной безопасности опасных производственных объектов» от 28.09.2006 года, «О безопасности гидротехнических сооружений» от 20.08.1999 года и др.

Основную часть экологического законодательства составляют подзаконные нормативно-правовые акты, в которых конкретизируются положения законов, определяются конкретные механизмы деятельности в данной сфере и служат упорядочению государственного управления в сфере природопользования и охраны окружающей среды. К таким нормативно-правовым актам относятся указы и постановления Президента Республики Узбекистан, постановления Кабинета министров и решения уполномоченных органов. Необходимо отметить, что количество таких актов из года в год увеличивается и только за последние 3 года их принято более ста.

В частности, Указом Президента Республики Узбекистан «Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года» от 30.10.2019 года №ПП-5863 определены приоритетные направления государственной политики в области охраны окружающей среды, внедрения эффективных механизмов профилактики, выявления и пресечения нарушений природоохранного законодательства, усиления персональной ответственности руководителей государственных органов и хозяйствующих субъектов, граждан за санитарное и экологическое состояние населенных пунктов республики.

Указом утверждена Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года, которая определяет приоритетные направления государственной политики в области охраны окружающей среды на указанный период, реализация которых позволит обеспечить устойчивое развитие государства в интересах будущих поколений [6].

Необходимо отметить, что большинство нормативно-правовых актов подзаконного характера в отличие от указанной выше Концепции, которая регулирует отношения, охватывающие общегосударственный уровень, направлены на регулирование отношений более узкого характера в рассматриваемой отрасли.

К таким можно отнести постановления и указы Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды» от 21.04.2017

года, «О мерах по совершенствованию системы государственного управления в сфере охраняемых природных территорий» от 20.03.2017 года, «о мерах по совершенствованию управления водными ресурсами Республики Узбекистан для повышения уровня обеспеченности населения питьевой водой и улучшения ее качества» от 26.11.2019 года, «О мерах по коренному совершенствованию системы санитарно-эпидемиологической службы Республики Узбекистан» от 09.09.2019 года и другие.

Еще большее количество подзаконных нормативно-правовых актов в рассматриваемой сфере принимается Кабинетом Министров Республики Узбекистан. Среди них имеются как постановления регулирующие общие вопросы охраны окружающей среды и экологии в целом, так и узкоспециализированные отрасли.

В качестве примера постановлений первой категории можно привести постановления Кабинета Министров «О совершенствовании системы мониторинга окружающей природной среды в Республике Узбекистан» от 05.09.2019 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию экономических механизмов обеспечения охраны природы» от 11.10.2018 года, «О создании единой системы мониторинга, обмена информацией и прогнозирования чрезвычайных ситуаций природного, техногенного и экологического характера» от 28.12.2017 года и другие.

К категории постановлений Правительства, хотя и регулирующих отношения в сфере экологии, но затрагивающих, как правило, ее отдельные аспекты можно отнести постановления Кабинета Министров «Об усилении экологического контроля над деятельностью предприятий по производству цемента» от 14.04.2020 года, «О дополнительных мерах по обеспечению эффективного и рационального использования природных ресурсов и повышению доходов государственного бюджета» от 10.09.2018 года, «О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности органов государственного лесного хозяйства и использованию природных ресурсов приграничных территорий лесных хозяйств» от 10.09.2018 года, «Об утверждении нормативно-правовых актов в области обращения с отходами» от 06.02.2019 года, «О мерах по повышению эффективности использования воды в сельском хозяйстве и покрытию затрат на водоснабжение» от 22.05.2020 года и ряд других.

Необходимо отметить, что в качестве примеров выше приводились лишь постановления Правительства, принятые за последние 3 года, при этом количество нормативно-правовых актов, принятых в данной сфере с момента обретения Независимости Республикой Узбекистан, является весьма обширным и до настоящего времени не систематизировалось исходя из специфики отрасли.

Отдельного внимания также заслуживают нормативно-правовые акты Правительства в которых отражаются стратегические цели и задачи отдельных отраслей природопользования и охраны окружающей среды. Данные постановления вносят большой вклад в обеспечение охраны и сохранения природных ресурсов, а также возлагают на органы прокуратуры определенные задачи.

К таким актам в частности относятся Постановление Кабинета Министров «О мерах по дальнейшему повышению эффективности использования биологических ресурсов Айдар-Арнасайской системы озер» от 22.04.2019 года, «О дополнительных мерах по оптими-

зации земельных участков фермерских хозяйств и других предприятий сельского хозяйства, а также эффективно использовать посевных площадей сельского хозяйства» от 09.01.2019 года, «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбной отрасли» от 06.11.2018 года и другие.

Отдельное место в регулировании правоотношений, связанных с охраной окружающей среды и природопользованием, занимают ведомственные подзаконные нормативно-правовые акты ответственных ведомств, которые имеют характер общеобязательных государственных предписаний. Назовем некоторые из них: Приказ Председателя Государственного комитета Республики Узбекистан по охране природы «Об утверждении правил охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан» от 22.03.2006 года, Постановление Государственного Комитета Республики Узбекистан по охране природы, Министерства сельского и водного хозяйства и Министерства финансов Республики Узбекистан «Об утверждении «положения по определению ущерба, нанесенного сжиганием стерни зерновых колосовых культур и применению штрафных санкций в отношении юридических и физических лиц, совершивших указанные деяния» от 27.11.2006 года, Постановление Государственного Комитета Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды «Об утверждении правил транспортировки бытовых отходов» от 07.10.2019 года, Постановление Государственного Комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам «Об утверждении инструкции по учету запасов полезных ископаемых Республики Узбекистан и составлению отчетных балансов» от 03.07.2015 года.

В ходе осуществления прокурорского надзора работники органов прокуратуры опираются также на отдельные постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, связанные с ответственностью за экологические правонарушения. Таковым, например, является Постановление Пленума Верховного суда «О судебной практике по делам о преступлениях и иных правонарушениях в сфере охраны окружающей среды и природопользования» от 20.12.1996 года. Вместе с тем, следует отметить, что данное постановление значительно устарело и подлежит пересмотру исходя из принятых после его принятия нормативно-правовых актов. В частности, часть 2 п.8 данного постановления гласит, что под нарушениями правил охоты или рыболовства следует понимать ведение промысла без соответствующего на то разрешения или с превышением количества дичи или рыбы, указанных в разрешении, а равно в запретное время или в недозволенных местах или недозволенными орудиями, способами и приемами. Однако, п.13 Правил охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан дает более широкий перечень действий, запрещенных в ходе осуществления охоты и рыболовства.

Экологическое законодательство Республики Узбекистан в последние несколько лет претерпело много изменений и продолжает изменяться на фоне осуществляемых в стране реформ. Необходимо отметить что большое количество нормативно-правовых актов в данной сфере усложняет как работу соответствующих органов по их исполнению, так и работу органов прокуратуры по обеспечению их единообразного применения и надзора за их исполнением. Несмотря на наличие ряда законов в данной сфере, характерной их чер-

той является наличие ряда отсылочных норм и как следствие наличие большого количества подзаконных нормативно-правовых актов. Данная проблема повышает актуальность кодификации экологического законодательства, принятия единого акта, который будет регулировать сферу экологии и охраны окружающей среды и как следствие значительного уменьшения подзаконных нормативно-правовых актов. Представляется, что принятие Экологического кодекса Республики Узбекистан значительно упростит деятельность ответственных органов, в том числе органов прокуратуры.

Важной правовой основой прокурорского надзора в сфере экологии и охраны окружающей среды являются акты организационно-управленческого характера Генерального прокурора, обязательные для исполнения всеми работниками органов прокуратуры. К таким актам относятся приказы, указания, распоряжения, положения и инструкции, которые регулируют вопросы организации деятельности органов прокуратуры Республики Узбекистан, в том числе вопросы организации надзора за соблюдением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды. В частности, в ряде отраслевых приказов Генерального прокурора Республики Узбекистан имеются нормы обязывающие работников органов прокуратуры усилить надзор за исполнением законодательства, направленного на обеспечение экологической безопасности и охрану окружающей среды, предотвращение вредного воздействия отходов на здоровье граждан. Приказами закрепляются нормы по обращению особого внимания на исполнение законодательства об охране окружающей среды и рациональном использовании природных ресурсов, земельного, водного, лесного хозяйства, о недрах, охране атмосферного воздуха, растительном и животном мире, а также их использовании. Несмотря на наличие данных норм, единого акта организационно-управленческого характера, направленного на организацию прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды не имеется. В связи с чем, представляется целесообразным принятие отдельного приказа Генерального прокурора об организации деятельности органов прокуратуры по надзору за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды.

Подводя итог, можно сделать вывод, что правовой основой прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды является система законодательных актов Республики Узбекистан и актов организационно-управленческого характера Генерального прокурора Республики Узбекистан, определяющих организацию, порядок деятельности органов прокуратуры, функции, задачи и полномочия прокурорских работников в данной сфере, а также большое количество подзаконных нормативно-правовых актов, которые регламентируют правовые отношения в указанной сфере и являются правовым инструментом надзорной деятельности органов прокуратуры.

Список литературы:

1. Юридик энциклопедия. Коллектив авторов под общ. ред. У.Таджиханова. Т. «Шарк», 2001. – С.616.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2005. – С.64
3. <http://lex.uz/docs/2105726>

4. <http://lex.uz/docs/7065>

5. Межецкий А.Н. Правовые основы деятельности органов прокуратуры по охране Конституции Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Тюмень-2007 год. С.15.

6. <http://lex.uz/docs/4574010>

С.Б.Хўжақулов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси докторанти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мақолада жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи нормалари таҳлил қилиниб, мавжуд муаммо ва камчиликлар аниқлаштирилган. Шунингдек, мазкур қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш, жиноят ишини юритиш, тақдимнома.

Аннотация: в статье анализируются нормы уголовного и уголовно-процессуального законодательства, регулирующие профилактику правонарушений, выявляются имеющиеся проблемы и недостатки. Также были разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию данного законодательства.

Ключевые слова: профилактика преступлений, причины и условия преступлений, выявление и устранение причин и условий совершения преступлений, производство по уголовному делу, представление.

Abstract: the article analyzes the norms of criminal and criminal procedure legislation regulating the prevention of offenses, identifies existing problems and shortcomings. Proposals and recommendations for improving this legislation were also developed.

Keywords: crime prevention, the causes and conditions of crime, the identification and elimination of reasons and conditions of committing crimes, the proceedings on a criminal case, representation.

«Жиноятларнинг олдини олиш» нафақат жиноят, балки жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ҳам вазибаларидан бири саналади (ЖК 2-м., ЖПК 2-м.).

Жиноят қонунчилиги айнан давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати асосида ишлаб чиқилади ва адолат принциплари асосида жамият ҳаётига жорий этилади. Демак, давлат миқёсида жиноят қонунчилигини амалда бўлишининг асосий мақсади биринчидан, жазо қўллаш таҳдиди билан шахсларни жиноят содир этишдан тийилишига эришиш бўлса, иккинчидан, жиноят содир этган шахсга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашни назар тутати. Шу орқали жиноятларнинг олди олинишига эришилади.

Бошқача қилиб айтганда, жиноят қонунчилиги шахсни жазолашни эмас, балки жиний жазога сазовор қилмишни содир этилмасликка ундайди. Бу жараён оддий бўлиб кўринсада, аслида жуда чуқур илмий-назарий асосларга эга. Зотан, инсоният тараққиёти асосида юзага келган ва қадам-бақадам шаклланган фалсафий-ҳуқуқий қарашлар орқали давлатда жиноят қонунчилигини мавжуд бўлиши,

айнан жиноятларнинг олдини олишдаги энг муҳим шарт эканлиги ўз исботини топган.

Жиноят қонунчилиги нормалари билан огоҳлантиришларга қарамай, шахс жиноят содир этса табиийки, у жиноят қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади. Бу билан жиноят қонунчилигининг жиноятларни олдини олиш вазифаси бажарилганини тугади деб ҳисоблаб бўлмайди. Чунки айрим жиноий жазоларнинг қўлланилиши жиноят содир этган шахснинг келгусида такрор жиноят жиноят содир этишини олдини олишга ҳам хизмат қилади. Бу биринчидан, жиноят содир этган шахснинг қўлланилган жазодан хулоса чиқариб, чин кўнгилдан пушаймон бўлиши ва ахлоқан тузилишида; иккинчидан, озодликдан маҳрум этиш жиноий жазоси қўлланилиб, шахснинг жамиятдан ажратиб қўйилиши билан унинг жамиятга нисбатан хавфи чекланишида; учинчидан, жиноят содир этганлиги учун жиноий жазога тортилган шахснинг тақдирини кузатиб турган жамиятнинг бошқа аъзоларида танқидий фикрлашни шакллантириш, жазо қўлланиши муқаррар эканлиги юзасидан тўғри хулоса чиқариш кўникмаларининг шаклланишида намоён бўлади.

Амалдаги Жиноят кодекси нормалари таҳлили уларда нафақат жазо қўллаш таҳдиди билан фуқароларни ишонтириш, огоҳлантириш, рағбатлантириш, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикасида уларнинг фаоллигини таъминлашга доир мажбурлаш усуллари мазмуни ҳам акс этганлигини кўрсатади.

Мисол учун, ЖКнинг айб учун жавобгарлик ёки жавобгарликнинг муқаррарлиги каби принципларига (ЖК 3–10-м.м.) риоя этилишининг қатъий таъминланиши ишонтиришга хизмат қилса, қайси қилмишлар жиноят деб топилганининг белгиланганлиги (ЖК 14-м.) огоҳлантириш мазмунини беради.

Айрим жиноят турлари бўйича жиноий мақсадлар амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган ва ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаган шахснинг жиноий жавобгарликдан озод этилиши (ЖК 155-м., 4-қ.) ўзида рағбатлантириш чорасини ифода этса, тайёргарлик кўриладиган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаслик учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлиги (ЖК 241-м.) эса фуқароларнинг жиноятларнинг олдини олишда фаоллигини оширишга йўналтирилган мажбурлов чораси ҳисобланади.

Шу ўринда, қонун чиқарувчининг мажбурлов чорасини қўллашга доир ушбу ёндашувини янада ривожлантириш, бу борада, нафақат оғир ёки ўта оғир, балки тайёргарлик кўриладиган ижтимоий хавфи катта ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар ҳақида аниқ билгани ҳолда ҳокимият органларига хабар бермаганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланишини мантиқан тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз. Бироқ бу жиноятнинг ижтимоий хавфи оғир ва ўта оғир турларига нисбатан камроқ бўлгани боис белгиланадиган жавобгарликни маъмурий жавобгарлик этиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ўйлаймизки, ана шунда, авваламбор, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти янада мустаҳкамланади, қолаверса, фуқаролар бу борада масъулиятни яна ҳам кўпроқ ҳис қиладилар.

Қонун ҳужжатлари ва ички ишлар органлари соҳавий хизматлари фаолияти таҳлили натижалари Жиноят-процессуал кодекси нормаларида жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф

этиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Чунончи, Кодексда жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш шартлиги қайд этилган бўлса-да, аммо аниқлашнинг ҳуқуқий механизми ўз ифодасини топмаган.

Одатда, қилмишнинг содир этилишида муайян мотив ва мақсаднинг аниқланиши уни ким содир этган бўлиши мумкинлигидан дарак беради ёки қилмишнинг оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларига ойдинлик киритади. Амалиёт ходимларининг эътиборини эса айнан мазкур масала кўпроқ ўзига жалб этади. Шу боисдан, аксарият ҳолатларда сабаб ва шарт-шароитлар жиноятни фош этиш ҳамда қилмишни квалификация қилиш мақсадида аниқланиб, жиноятлар профилактикаси, аникроғи, жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга панжа ортидан қараш кузатилади. Буни Э.Х.Нарбутаевнинг ёндашувида ҳам кузатиш мумкин. Олимнинг фикрича, жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш талаби жиноят-процессуал, тезкор-қидирув ва жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан шартланган. У жиноий-ҳуқуқий жиҳатини қилмишни квалификация қилиш, тайинланадиган жазо тури ва миқдорини белгилаб беришга хизмат қилиши, жиноят-процессуал жиҳатини жиноятнинг сабаблари, шунингдек жабрланувчи, айбланувчи, судланувчи шахсини тавсифловчи ҳолатларнинг аниқланиши ишни айблов хулосаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун исботланиши лозим бўлган бўлган ҳолатлар сирасига киритилганлиги, тезкор-қидирув жиҳатини жиноятни тез ва тўла очиш ҳамда айбдорни фош этишга имкон бериши билан изоҳлайди [3]. Бироқ жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш талабининг профилактик шартланиши олимнинг назаридан четда қолган.

Ушбу йўналишдаги асосий муаммолардан бири жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш декларатив («Декларатив» - қуруқ гапдан, сафсатадан иборат [8] тарзда баён этилганлигидадир. Чунки, қонун чиқарувчи бу борада қайси орган ёки мансабдор шахс қайси ишни, қанақанги тартибга кўра амалга оширишига доир ҳуқуқий механизмини белгилаб бермаган.

Қонунга кўра процессуал ҳаракатлар далиллар йиғишга, далиллар эса исботлаш нуктаи назардан жиноятни очиш, айбдорларни фош этиш ва айбсиз шахсларни ноҳақ айбланиши ва жазоланишини олдини олишга хизмат қилади. Шу боисдан, Э.Х. Нарбутаев «терговчи жиноят ишини юритишда жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказмайди, улар ўз-ўзида, тергов чоғида шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун асос бўлган ҳолатларни исбот қилиш мобайнида тўлиқ ёки қисман аниқланади» [3], деб ҳисоблайди. Аммо, Т.Р. Очилловнинг фикрича, «терговчи ҳар бир жиноят иши бўйича фақат ҳақиқатни аниқлаш билан чекланмай, бу ноҳуш ҳодиса такрорланмаслиги учун қандай чоралар кўриш зарурлигига эътибор бермоғи лозим. ЖПКнинг 297-моддаси талаби исботлаш предметиға киради ва бу талабни бажармаслик терговнинг тўла эмаслиги деб ҳисобланади. Қолаверса, криминоген омилларга жадал-қидирув ва суд-экспертизаси амалиётида учраб турадиган нуқсонлар, профилактик фаолиятдаги камчиликларни

ҳам киритади [6]. Бизнинг ўйлашимизча, мазкур омиллар жиноят иши юритувида алоҳида процессуал ҳаракатларнинг ўтказилишини тақозо этади.

Шунинг учун, Г.Г. Зуйков, терговчи ишни тергов қилиш жараёнида фақатгина содир этилган жиноятнинг сабабий боғлиқлигини аниқлаш билан чегараланиб қолмасдан, муайян турдаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи (характеристикаси)да умумлашган типик сабаблар ва шароитларини билиши ҳамда мавжуд маълумотлардан юзага келадиган бутун мажмуани аниқлаши керак. У мазкур мажмуага «жиноятни содир этган шахс онгида жиноятнинг содир этилиши учун бевосита сабаб бўлган жамиятга қарши кўрсатманинг характеристикасига; жиноят субъектининг ахлоқий шаклланиши шароитларига; жиноят содир этилган объектив вазиятга» оид маълумотларни киритиш лозим, деб ҳисоблайди [4].

Жиноят-процессуал қонунчиликдаги мазкур бўшлиқни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 12 июндаги 100-сонли буйруғида жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитлари синчковлик билан ўрганилиши, йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан масъул шахслар (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа давлат органлари мансабдор шахслари) сўроқ қилиниши ва уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши белгиланган. Бироқ айни пайтда жиноятнинг сабаби ва шарт-шароитларини аниқлаш учун сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг ўтказилиш амалиётини етарли даражада бўлмайди.

Қолаверса, бизнинг назаримизда, жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш учун нафақат сўроқ қилиш, балки бошқа тергов ҳаракатларини ҳам ўтказиш лозим. Бу фикрга, Е.Н. Бегалиев ҳам қўшилади [1]. Чунки, жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун асос бўлган ҳолатлар доирасидан ташқарида бўлади [2; 5; 7; 11]. Бунинг учун эса, амалдаги ЖПКнинг 296-моддасини қуйидаги мазмундаги 2-қисм билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

«Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотларни ушбу Кодекснинг 87-моддасида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳақида ахборотга эга бўлган шахслардан тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли».

Бундан ташқари, ЖПКнинг «Жиноятларнинг олдини олиш чоралари» деб номланган 36-бобида жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари, шунингдек жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга суриштирувчи, терговчи, прокурор

томонидан тақдимнома киритилиши, суд томонидан эса хусусий ажрим чиқарилиши белгиланган.

Бироқ қачон суриштирувчи, қачон терговчи, қачон прокурор ва қачон суд ушбу вазифани бажариши аниқ кўрсатилмаган.

Тасаввур қилайлик, битта жиноят иши суриштирув ёки дастлабки терговдан прокурор назорати орқали судга юборилди ва суд уни кўриб чиқиб, айблов ҳукмини чиқарди. Ушбу ҳолатда ким жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ва уни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритиши ёки хусусий ажрим чиқариши лозим? Бу саволга жавоб топиш жуда мушкул.

Мазкур вазиятдан чиқиш учун амалиётда жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритиш вазифаси ёзилмаган қоида тариқасида суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш ваколатига эга бўлган терговчилар зиммасига юклаб келинмоқда. Айрим олимлар эса ушбу тартибни амалдаги ЖПКнинг талаби деб тушунади. Хусусан, Э.Х. Нарбутаев «жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар суриштирув ва дастлабки терговда аниқланади, прокурор ёки суд эса бунинг эътибордан четда қолдирмаслиги лозим» [3], деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, қонунда суриштирувчи ва терговчи сингари прокурор ва судга ҳам бу вазифа юклатилган. Бу борада Б.А. Миренскийнинг тўғри таъкидлашича, «судьянинг ЖПКнинг 395-моддасида белгиланган тартибда жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақидаги ажрими унинг ушбу масалаларга муносабатини, криминоген омилларни аниқлашга ва бартараф этишга интилишини акс эттиради» [10]. Бошқача қилиб айтганда, жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан хусусий ажрим чиқариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Савол туғилади, нима қонунда нотўғри тартиб ўрнатилганми? Йўқ, қонунда ким, нима қилиши аниқ кўрсатилган, бироқ уни қачон амалга ошириши белгиланмаган. Муаммо эса айнан шунда. Қолаверса, амалиётда суриштирув ёки дастлабки тергов органлари томонидан тўхтатилган ва тугатилган жиноят ишлари бўйича ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома деярли киритилмайди [9].

Ушбу муаммоли вазиятларни бартараф этиш учун амалдаги ЖПКга қуйидаги мазмундаги 297¹-модданинг киритилиши таклиф этилади:

«297¹-модда. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ёки (хусусий ажрим) чиқариш тартиби

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қуйидаги ҳолларда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритилади ёки хусусий ажрим чиқарилади:

суриштирувчи ёки терговчи кўзгатишган ва ўз иш юритувида олинган жиноят ишининг қонунда белгиланган суриштирув ёки дастлабки тергов муддати давомида, башарти жиноят ишини ушбу Кодекснинг 84-моддасида келтирилган асослар бўйича тугатилиб, судга тақдим этиш талаб этилмайдиган

ҳолларда, ушбу Кодекснинг 84-моддаси биринчи қисми 2-бандида келтирилган ҳолат бундан мустасно;

прокурор ўз иш юритувига олган ва тегишлилиги бўйича юриётган жиноят ишининг қонунда белгиланган дастлабки тергов муддати давомида, башарти жиноят ишини ушбу Кодекснинг 84-моддасида келтирилган асослар бўйича тугатиб, судга юбориш талаб этилмаса, ушбу Кодекснинг 84-моддаси биринчи қисми 2-бандида келтирилган ҳолат бундан мустасно;

суд жиноят ишини судда юрийтиш чоғида қонунда белгиланган муддат давомида, башарти жиноят иши бўйича ушбу Кодекснинг 464-моддаси 1-қисмига қўра оқлов ҳукмини чиқариш асослари мавжуд бўлмаса».

Тақдимнома киритиш тартибининг юқорида назарда тутилган тарзда таснифланиши ва мажбуриятларнинг тақсимланиши биринчидан, содир этилган барча жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этилишини тўлиқ таъминлаш; иккинчидан, Жиноят-процессуал кодексининг 296-моддаси диспозициясининг декларативлигига чек қўйиш, учинчидан, содир этилган жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишда терговчи билан бир қаторда суриштирувчи, прокурор ва судларнинг ҳам масъулиятини ошириш каби имкониятларни беради.

Бундан ташқари, муайян жиноятларнинг содир этилиши сабаби ва шарт-шароитлари бошқа-бошқа (бир-бирига боғлиқ бўлмаган) омиллардан ташкил топади, баъзида келиб чиқиш манбаи ёки содир этилиш жойи бўйича бошқа-бошқа ҳудудларга дахлдор бўлади. Натижада, битта жиноят иши бўйича битта эмас, икки ва ундан ортиқ тақдимнома киритишга эҳтиёж юзага келади. Бироқ амалиётда деярли барча ҳолатларда битта жиноят иши бўйича фақат битта тақдимнома киритилиб келинаётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этишда ҳалигача юзакилик билан ёндашиш ҳолатлари мавжудлигини намоён этади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекснинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи нормаларини ушбу қонунларнинг «жиноятларнинг олдини олиш» вазифаси талаби, мантиқ қонуниятлари ва тергов амалиёти таҳлили натижаларига асосланиб такомиллаштириш лозим.

Ўйлаймизки, мақолада ушбу мақсадни кўзлаб илгари сурилган таклиф ва тавсиялар биринчидан, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекснинг «жиноятларнинг олдини олиш» вазифаси моҳиятини очиб беришга; иккинчидан, «жиноятларнинг олдини олиш» вазифаси мазмунидан келиб чиқиб, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга; учинчидан, жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш билан боғлиқ қонунчилик ва тергов амалиёти муаммоларини аниқлаш ва бартараф этишга; тўртинчидан, жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш муаммоларини нафақат ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, балки жиноят процесси ва дастлабки тергов фанларининг предмети сифатида тадқиқ этилишини таъминлашга; бешинчидан, келгусида Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекснинг «жиноятларнинг олдини олиш» вазифаси ижроси самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари йўналишларини белгилаб

олишга ва илмий мунозараларга киришига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бегалиев Е.Н. Криминалистика профилактическая работа следователя в процессе предварительного расследования изготовления или сбыта поддельных денежных знаков / Предупреждение преступности (криминологический журнал). Казахстан. 2004. № 1(7) – С. 67.

2. Веренчиков И. Р. Профилактическая деятельность следователя. Автореферат канд. дисс, Минск, 1990.

3. Жиноят процесси (Умумий қисм): Маърузалар курси / Э.Х.Нарбутаев. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 95 (109) б.

4. Зуйков Г. Г. Деятельность следователей по предупреждению преступление // Криминалистика, том 2, – М., 1970, – С. 213-214.

5. Кабыкенова А.Б. Возможность получения сведений о личности преступника путем изучения криминалистической характеристики преступления / Предупреждение преступности (криминологический журнал). Казахстан. 2004. № 1(7) – С. 70–71.

6. Очилов Т.Р. Йўл-транспорт ҳодисаларига оид ишлар бўйича исботлаш муаммолари: юрид. фан. ном. ... дис. автореф. — Т., 2003. — Б. 19 (23).

7. Сафарғалиева О. Н. Осмотр места происшествия и установление личности преступника по материальным следам преступления: дисс. канд., юрид. наук.: изд. ТГУ. Томск. 1990.

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н-Тартибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2006. – 688 б.

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Академияси ва Тошкент шаҳар ички ишлар Бош Бошқармаси бошлиқларининг 2017 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳридаги жиноятчиликнинг аҳволи, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ўрганиб таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан асослантирилган илмий хулосалар тайёрлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 9 ва 27/1-56-Ф-сонли Қўшма фармойиши билан шакллантирилган ишчи гуруҳларнинг ўрганиш натижалари бўйича маълумотномаси

10. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонқулов, Д.Камалходжаев ва бошқ.: Ш.Т. Икрамовнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 261 (635) б.

11. Хоменко А. Н. Личность преступника как элемент криминалистической характеристики преступления и ее роль в расследовании преступлений (по материалам об убийствах): дисс. канд., юрид. наук.: ВЮИ. 1996.

Ш.Р.Ғофуров,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА «УЮШМАГАН ЁШЛАР» ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. мақолада «ёшлар», «уюшмаган ёшлар» тушунчалари илмий жиҳатдан таҳлил этилган ҳамда юридик адабиётлар ва қонунчиликни ўрганиш асосида «уюшмаган ёшлар» тушунчасига муаллифлик таърифи берилган. Мазкур таърифни қонунчиликка киритиш зарурати асосланган.

Таянч тушунчалар: ёшлар, уюшмаган ёшлар, юридик адабиётлар, қонунчилик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Аннотация. в статье анализируются понятия «молодежь», «неорганизованная молодежь» и дается авторское определение понятия «неорганизованная молодежь» на основе изучения юридической литературы и права. Обоснована необходимость включения этого определения в законодательство.

Ключевые слова: молодежь, неорганизованная молодежь, правовая литература, законодательство, профилактика правонарушений, профилактика правонарушений среди неорганизованной молодежи.

Abstract. the article analyzes the concepts of "youth", "unorganized youth" and gives an author's definition of the concept of "unorganized youth" based on the study of legal literature and law. The necessity of including this definition in the legislation is justified.

Keywords: youth, unorganized youth, legal literature, legislation, crime prevention, crime prevention among unorganized youth.

Дунё миқёсида аҳоли таркибида ёшларнинг сон жиҳатидан салмоғи ошиб бораётган ҳозирги шароитда уларни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан энг катта авлод бўлиб, улар 2 миллиардни ташкил этмоқда. Жаҳон тарихида илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган [12].

«Ёшлар» тушунчасининг моҳияти ҳақида сўз борар экан, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида «Ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслардир», дея ҳуқуқий таъриф берилган [12]. Демак, ёшлар аҳолининг ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган қатлами бўлиб, мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳиссаси аҳолининг 58,8 фоизини ташкил этади [12].

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 1 январь ҳолатидаги маълумотларига кўра мамлакатимиз аҳолисининг 30,6 фоизи (9 млн 992 минг 413 нафари) ёш (14–30 ёшли)лардан иборат бўлиб, уларнинг 51 фоизини эркеклар ва 49 фоизини аёллар ташкил этади [11]. Ушбу ёшларнинг бир қисми таълим олиш, иш ёки бошқа турдаги фойдали меҳнат билан банд бўлган ҳолда жамият ҳаётида ўз ўрнига эгадир. Жамиятда яна

бир тоифа ёшлар борки, улар «уюшмаган ёшлар», деб юритилади.

«Уюшмаган ёшлар» тушунчаси ҳақида сўз борар экан, ушбу ибора «уюшмаган» ва «ёшлар» сўзлари бирикмасидан ташкил топган. «Уюшмаган» сўзининг ўзаги «уюшиқ» бўлиб, унга ўзбек тилининг изоҳли луғатида «уюшган, жипслашган, аҳил», унга маънодош бўлган «уюшма» сўзига эса «бир мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун бирлашган кишилар ёки ташкилотлар бирлашмаси» мазмунида изоҳ берилган [10].

Демак, мантиқан олиб қараганда, «уюшмаган» сўзи «уюшиқ» ёки «уюшма» сўзларининг акси, яъни антоними бўлиб, «жипслашмаган, аҳил бўлмаган, муайян бир мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун бирлашмаган» маъноларини англатади.

Шу ўринда рус олими Д.М. Кафарованинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш керакки, бевосита уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида сўз юритишдан олдин, авваламбор, уюшмаган ёшларнинг ўзини, уларнинг онги, хулқ-атвори, ижтимоийлашув даражаси, шаклланиши, ривожланиши ва тарбиясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга [6].

Уюшмаган ёшлар ўзининг жиноят содир этишга мойиллиги билан ёшларнинг бошқа қатламидан ажралиб туради. Умуман олганда, ҳар қандай жиноий ҳаракат, аввало, одамнинг интеллектуал, эмоционал ва ахлоқий фазилатлари ва хислатларини акс эттиришини инобатга олганда [1], илмий тадқиқотларда қуйидаги шахслар, хусусан, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлиши асосланган ёшлар:

ўқишни тугатганлар, армия сафидан бўшатирилганлар, корхоналарнинг тугатилиши туфайли ишсиз бўлиб қолган мутахассислар, бироқ жиноий жазодан озод этилгандан кейин иш билан таъминланмаганлар [4];

туғма психологик хусусиятларга, яъни ғайриқонуний ҳаракатларни амалга оширишга ундайдиган психологик жиҳатларга эга бўлганлар, ғайриқонуний ишларни касб қилиб олганлар, мураккаб психологик муҳит ҳукмрон бўлган тўлиқ бўлмаган оилада яшаётганлар [9];

бошқа вилоят ёки туманлардан келганлар, илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлар, ҳеч қаерда ишламайдиганлар, моддий жиҳатдан етишмовчилик қийнаётганлар, олий маълумотга эга бўлмаганлар, никоҳи қайд этилмаган, ажрашган ёки оилали бўлмаганлар, мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қиладиганлар, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган ёки меҳнат билан банд бўлмаганлар [14];

енгил йўл билан бойлик орттиришга интилувчилар [7];

ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка мойил шахслар [3];

уятсиз, бузуқ, ахлоқсиз ишлар билан шуғулланишга мойиллиги бўлганлар, хусусан жамоат жойларида уятсиз, бузуқ, ахлоқсиз ишлар (бешарм кийимларда юриш, шилқимлик қилиш, ўпишиб ўтириш ва бошқ.) билан шуғулланаётганлар [2].

Соҳага доир қонун ҳужжатларининг таҳлили ҳозирги кунда миллий қонунчилигимизда «уюшмаган ёшлар» тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмаганини кўрсатади. Мазкур тушунчага ҳуқуқий нуқтаи назардан таъриф бериш, унинг илмий жиҳатдан моҳиятини очиб

бериш учун, аввало, унинг асосий хусусиятларини аниқлаб олиш талаб қилинади.

Соҳа олимларининг юқоридаги фикрлари асосида, уюшмаган ёшларга хос асосий хусусиятларни ўрганиш мақсадида респондентларнинг фикрлари ўрганилганда, қуйидагиларни уюшмаган ёшларга хос бўлган асосий хусусиятлар сифатида эътироф этиш лозимлиги маълум қилинган: а) иш билан банд бўлмаганлиги (94 %); б) ўқиш билан банд бўлмаганлиги (62 %); в) тайин бир машғулотга эга бўлмаганлиги (28 %); г) «оммавий маданият» ва ёт ғоялар таъсирига берилишга мойиллиги (24 %).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев уюшмаган ёшлар хусусида билдирган фикрларида ишламаслик, ўқимаслик, тайин бир машғулотга эга бўлмаслик, салбий таъсирларга берилувчанлик хусусиятлари уларга хослигига алоҳида урғу берган бўлишига [8] қарамасдан, «уюшмаган ёшлар» тушунчасига нисбатан аниқ таъриф ишлаб чиқилмагани ва мазкур тоифа ёшлар билан ишлашга доир аниқ чора-тадбирларнинг белгиланмагани ушбу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Қолаверса, уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар фаолиятининг таҳлили уюшмаган ёшларнинг ҳисобини юритишда аниқлик етишмаётганини, ушбу тоифага кимлар кириши ҳамда улар билан қандай ишлар ташкил этилиши ҳақида аниқ концепция мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш»га бағишланган устувор йўналишида ёшлар муаммоларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, уюшмаган ёшлар сони йилдан йилга тобора ортиб бораётгани [8] амалдаги мавжуд қонунчилик ва уни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали ёшлар масалаларига оид қонунчилик нормаларини такомиллаштиришни, хусусан Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунида «уюшмаган ёшлар» тушунчасига таъриф бериш ҳамда уюшмаган ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини шакллантириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Бу борада илмий тадқиқот олиб борган Э.О. Қадиров, Ўзбекистон Республикаси «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасини «уюшмаган ёшлар» – ўз мақсадини индивидуал тарзда, давлат ва жамиятда яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан, примитив, нофаол тарзда самарасиз амалга ошираётган, ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган ёшлар гуруҳини англатади. Бу тоифадаги ёшлар ўз мақсадини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга бўлмайди. Уларда ижтимоий фаоллик, ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданият даражаси паст бўлади», таҳриридаги норма билан тўлдириш тақлифини илгари суради [5]. Бироқ олимнинг бу борадаги фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди, негаки уюшмаган ёшларнинг барчасида ҳам ижтимоий фаоллик, ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданият даражаси паст бўлавермайди. Айтиш жоизки, уюшмаган ёшлар орасида ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданият даражаси юқори бўлганларини ҳам учратиш мумкин.

Назаримизда мазкур таърифни шакллантиришда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг уюшмаган

ёшларга хос бўлган хусусиятлар бўйича фикрларини, қолаверса, нафақат ўз мақсадини индивидуал тарзда амалга оширадиган, балки ижтимоий ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлмаган ёшларни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Уюшмаган ёшларга хос хусусиятлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда олимларнинг фикрлари, шунингдек ўтказилган анкета сўрови натижаларига асосланган ҳолда, қуйидагиларни уюшмаган ёшларга хос бўлган асосий хусусиятлар сифатида ажратиш кўрсатиш мумкин:

ўз мақсадини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга эмаслик;

ижтимоий фаоллиги, сиёсий, ҳуқуқий онг ва маданият даражаси пастлиги;

ишламаслик ёки ўқимаслик (ҳарбий хизмат ва жиноий жазони ўтаётган шахслар бундан мустасно);

тайин бир машғулотга эга бўлмаслик;

салбий таъсирларга, шу жумладан «оммавий маданият» ва ёт ғоялар таъсирига берилувчанлик;

ижтимоий ҳаётда муайян аниқ мақсадга эга бўлмаслик;

ўн тўрт ёшга тўлганлик ва ўттиз ёшдан ошмаганлик.

Юқорида келтирилган хусусиятлар асосида уюшмаган ёшларни тоифалаш ҳам мумкин. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти ва унинг натижаларига доир статистик маълумотлар ўрганилганида, уларда фақат ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшларга доир динамик кўрсаткичлар акс эттириб борилиши кўзга ташланади.

Бевосита уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг криминологик тавсифига тўхталганда шуни таъкидлаш керакки, криминологияда уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар тушунчаси хусусида аниқ бир тўхтам мавжуд эмас. Бунга асосий сабаблардан бири эса юқорида таъкидланганидек, «уюшмаган ёшлар» тушунчасининг ўзи хусусида қонунчиликда ҳам, илмий ва ўқув адабиётларда ҳам аниқ ёндашувнинг мавжуд эмаслигида намоён бўлади.

Уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ўз ичига уюшмаган ёшлар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида жиноятчилик, уларнинг таркибидаги ёшлар жиноятчилигига доир статистик ва ҳисобот ҳужжатларини юритувчи давлат органлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси, ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг бу борадаги маълумотларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органлари тизимида жиноят содир этган ёшларга хос сататистик маълумотларнинг юритилиш ҳолати сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар мазмунига тўла мос келмайди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчиси, ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси ҳисоботларида статистик кўрсаткичлари қайд этиб борилаётган ёшлар 18–30 ёшлар оралиғини ташкил этади. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «Ёшлар (ёш фуқаролар)» деганда, «ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз

ёшдан ошмаган шахслар» тушурилиши кўрсатиб ўтилган. Бу эса жиноят содир этган ёшлар статистикасини юритишда 14–18 ёшдагиларни ҳам ҳисобга олишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида аниқланган жиноят содир этган ёшлар сони тўғрисидаги статистик маълумотлар билан боғлиқ ноаниқликларни Давлат статистика қўмитасида юритиладиган статистик кўрсаткичларда ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Қўмита томонидан юритилаётган статистик маълумотларда жиноят содир этган ёшлар сифатида 13 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар қамраб олинган;

иккинчиси, статистик маълумотларда жиноят содир этган ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшларга доир кўрсаткичлар битта тоифа сифатида белгиланиб, таҳлил қилиб борилмоқда. Зеро, ушбу гуруҳга кирувчи маъмур икки тоифадаги шахслар билан самарали профилактика ишларни ташкил этиш уларни ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшларга ажратган ҳолда алоҳида-алоҳида тоифалаш ҳамда ҳисобини юритишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид ягона давлат сиёсатини самарали таъминлаш, амалиётда ёшлар жиноятчилигининг ҳисобини юритиш ва натижаларидан фойдаланиш соҳасида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш, ёшлар, айниқса, уларнинг уюшмаган тоифалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш мақсадида, ваколатли давлат органлари (Статистика қўмитаси, ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси) томонидан юритилаётган ёшлар жиноятчилигига доир статистик ва ҳисобот ҳужжатларида улар ёшининг аниқ чегараси, тоифалари ва бошқа мезонлар юзасидан ёндашувни бирхиллаштириш, ягона тизимга солиш лозим.

Хуллас, юқорида келтирилган уюшмаган ёшларга хос хусусиятларни инобатга олиб, шунингдек амалиётдаги «уюшмаган ёшлар» тушунчасининг моҳияти билан боғлиқ тушунмовчиликларга барҳам бериш, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш ва уюшмаган ёшлар билан ишлашга масъул бўлган мутасадди ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунига қуйидаги мазмундаги тушунчани киритиш мақсадга мувофиқдир:

«уюшмаган ёшлар – ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланмайдиган, ишга жойлашиш, таълим олиш ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокининг бошқа шакллари амалга ошириш бўйича яратилган имкониятлардан фойдаланмаган 14 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган шахслар тоифаси».

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдурасулова Қ.Р., Ниёзова С.С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б. 51.

2. Ганиев Ш.А. Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш: Докторлик дис. ... автореф. - Т., 2016. - Б. 30.

3. Зарипов З.С., Мухторов Ж.С. Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг кримнологик тавсифи ва профилактикаси // Кримнология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. - Т., 2015. - Б. 303.

4. Имамов Р. Зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш: Юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. – Т., 2011. - Б. 17.

5. Кадиров Э.О. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари (Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари мисолида): юрид. фан. докт. ... дис. - Т., 2019. - Б. 78.

6. Кафарова Д.М. Кримнологический анализ и профилактика общественно опасных деяний подростков, не достигших возраста уголовной ответственности: автореф....дис. канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 15.

7. Махкамов О.М. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва кримнологик жиҳатлари: Докторлик дис ... автореф. - Т., 2015. - Б. 10.

8. Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқи // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/729> (30.06.2017).

9. Расулев А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашининг жиноят-ҳуқуқий ва кримнологик чораларини такомиллаштириш: юрид. фан. б-ча д-ри (DSc) дис. ... автореф. - Т., 2018. - Б. 22-23.

10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот-Шукр / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т., 2008. – 608 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 1 апрелдаги 01/4-12-17/2-92-сонли хати билан юборилган статистик маълумотлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1147> (14.10.2017).

13. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрдаги қонуни // <http://lex.uz>.

14. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг кримнологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: Докторлик дис. ... автореф. - Т., 2016. - Б. 18, 23.

М.Т.Умматов,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси мустақил изланувчиси

ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ НАТИЖАСИДА ОЛИНГАН ДАЛИЛЛАРНИНГ МАҚБУЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: мақолада таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг мақбуллигини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган бўлиб, бир қатор юридик адабиётлар, соҳа мутахассисларининг фикрлари ўрганилган ҳамда айнан ушбу масалаларда суд-тергов амалиётидан муаммоли мисоллар келтирилиб, чуқур таҳлил қилинган. Таҳлил ва тадқиқот натижалари асосида таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг мақбуллигига оид илғор хориж тажрибалар кўрсатилиб, келгусида уларни Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига тадбиқ масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Жиноят процесси, исбот қилиш, тергов ҳаракати, таниб олиш учун кўрсатиш, далил, далиллар мақбуллиги, сўроқ қилиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд.

Аннотация: в статье исследованы вопросы обеспечения допустимости доказательств, полученных в результате предъявления для опознания, изучен ряд юридической литературы, мнения специалистов отрасли, а также приведены и детально проанализированы проблемные примеры из судебной практики по этим вопросам. На основе анализа и результатов исследований были продемонстрированы передовой зарубежный опыт в отношении допустимости доказательств, полученных в результате предъявления для опознания, разработаны предложения и рекомендации по вопросам их дальнейшего внедрения в уголовно-процессуальное законодательство Республики Узбекистан.

Ключевые слова: уголовный процесс, доказывание, следственное действие, предъявления для опознания, доказательства, допустимость доказательства, допрос, дознаватель, следователь, прокурор, суд.

Abstract. the article examines the issues of ensuring the admissibility of evidence obtained as a result of demonstration for recognition, examines a number of legal literature, opinions of experts in this field, and provides an in-depth analysis of these issues with problematic examples from the practice of judicial investigation. Based on the results of the analysis and research, advanced foreign experience was demonstrated on the admissibility of evidence obtained as a result of demonstration for recognition, and proposals and recommendations were developed on their further application in the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: criminal procedure, proof, investigative action, showing for confession, evidence, admissibility of evidence, interrogation, inquirer, investigator, prosecutor, court.

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқий ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинган бўлиб,

инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уларга риоя қилиш барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг асосий мажбуриятлари сифатида белгиланган. Жамият ҳаётида адолатнинг қарор топишига хизмат қилувчи исботлаш жараёни фаолияти, айниқса, далиллар ва уларни аниқлаш, тўплаш ва баҳолаш жараёни жиноят процессининг марказий масалалари ҳисобланади.

Ҳар қандай назарий кашфиёт, ишлаб чиқилган қонун ва билдириладиган фикр унинг амалиётда қандай фойдаланиши ва самарасига, унинг асослиги ва ҳаққонийлиги даражасига қараб белгиланади [1]. Шунинг учун ҳам ҳар қандай илмий тадқиқотнинг амалий фаолият жараёнлари мазмуни билан асосланган ва эмперик базага таянган бўлиши талаб этилади [2]. Жиноят процессида тўпланган далилларнинг мақбуллигини таъминлаш жиноят процессининг энг долзарб муаммоли масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК)га кўра ижтимоий ҳавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг ҳулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади (ЖПК 81-м.).

Таниб олиш учун кўрсатиш натижалари бўйича расмийлаштириладиган тергов ва суд ҳаракатининг баённомаси далил вазифасини ўтайди. Бироқ ушбу далил белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади [3].

Таниб олиш учун кўрсатиш натижалари бўйича олинган далиллар ҳам ЖПКнинг 95-моддасида назарда тутилган тартибда ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назардан баҳолаши лозим. Мақбул бўлмаган далиллар ўз-ўзидан юридик кучга эга бўлмайди [4] ва улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда айблов асосига қўйиш мумкин эмас [5].

Таниб олиш учун кўрсатиш натижалари бўйича олинган маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ЖПКнинг 125-131-моддалари талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек тар-

жимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топиллади.

Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси билан ёки иштирокчиларнинг илтимосномаси бўйича аниқланади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт (ЖПК 95¹-м., 2-қ.).

Қайд этиш жоизки, таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далил мақбуллик талабига тўла жавоб бериш учун ЖПКнинг 125-131-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қароридан белгилаб берилган талабларга жавоб бериши лозим. Ушбу талаблардан энг муҳими сифатида далилнинг қонунда белгиланган тартибда олиниши алоҳида диққатга сазовор бўлиб, бундан ҳар қандай ҳолда чекиниш далилни келгусида суд томонидан номақбул деб топилишига [6] ва далил деб топилмаслигига [7] сабаб бўлиб қолиши мумкин. ЖПКнинг 127-моддасида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби белгиланган бўлиб, фикримизча ушбу норма ҳам айрим ҳуқуқий бўшлиқлардан ҳоли эмас.

Масалан, суриштирувчи ёки терговчи оддий сўроқ давомида таниб олувчига нарсаларни ёки шахсларнинг фотосуратларини кўрсатиб уларни таниш танимаслигини сўраши мумкин. Бундай ҳолатларда мазкур иш юзасидан келгусида таниб олиш учун кўрсатишнинг ўтказилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди ва бу ҳолда олинган маълумотлар мақбул далил сифатида ишга қўшилмаслиги лозим.

Бироқ, ушбу масалаларнинг ЖПКнинг 127, 128 ва 129-моддаларида алоҳида белгиланмаганлиги таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилнинг қонунда белгиланган тартибда олинганлигини инкор этишга асос бўла олмайди. Шу боис, ЖПКдаги мазкур ҳуқуқий бўшлиқ ўзининг ечимини топиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, ЖПК нормаларида шахсни ёки нарсани таниб олиш учун кўрсатишнинг таниб олувчи олдинги сўроғида берган кўрсатмаларидаги ҳолатлар, белги ва аломатлар бўйича қайта ўтказилишига йўл қўйилиши ёки қўйилмаслиги масаласи ҳам тартибга солинамасдан қолган.

Ҳолбуки, таниб олиш учун кўрсатиш натижасида

олинган маълумотларнинг мақбуллиги масаласи бошқа тергов ҳаракатлариникидан бирмунча фарқ қилади ва у тиклаб бўлмайдиган ҳамда келгусида мақбуллигини таъминлаш мақсадида маълумотларни ЖПК талабларига амал қилган ҳолда қайта тўплаб бўлмайдиган (тиклашнинг имкони йўқ [8]) далилларни шакллантирадиган ҳамда далилларни тўплаш жараёнида аниқланган камчиликларни деярли бартараф этиб бўлмайдиган [9] тергов ҳаракати сирасига киради.

Чунки, таниб олиш ўтказилиб, унинг натижалари расмийлаштирилганидан кейин, уни яна қайта ўтказиш иш бўйича ҳаққоний маълумотларни тўплаш имконини бермайди ва тўпланган далиллар ишончлилик [10] талабига жавоб бермай қолиши билан бирга далилнинг мақбуллигига [11] ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди [12].

Хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигининг ушбу масалаларга оид нормалари ўрганилганда қуйидаги ўзига хос жиҳатлар борлигини кузатиш мумкин:

1) Украина Республикаси ЖПКнинг 228-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш)нинг биринчи қисмида шахсни таниб олувчига олдиндан кўрсатиш ва таниб олиш ёки олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни олдиндан кўрсатиб аниқлаб олиш ёки бу шахснинг белгилари ҳақида бошқа маълумотларни таниб олувчига кўрсатиш тақиқланиши, шунингдек ушбу модданинг олтинчи қисмида таниб олиш учун кўрсатиш фотосурат ва видео ёзув материалларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганда шахсни қайта таниб олиш учун кўрсатишга йўл қўйилмаслиги белгиланган [13];

2) Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 230-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш тартиби)нинг ўн иккинчи қисмида бир шахсни бир хил белгилари билан таниб олган таниб олувчига яна такрорий равишда ўша белгиларидан таниб олиш учун кўрсатиш мумкин эмаслиги белгиланган [14];

3) Молдова Республикаси ЖПКнинг 116-моддаси (шахсни таниб олиш учун кўрсатиш)нинг бешинчи қисмида таниб олиш учун бир шахсни айнан бир белгилари билан такроран таниб олиш учун кўрсатишга йўл қўйилмаслиги белгиланган [15];

4) Россия Федерацияси ЖПКнинг 193-моддаси (таниб олиш учун кўрсатиш)нинг учинчи қисмида шахсни бир хил белгилари билан яна такрорий равишда ўша белгиларидан таниб олиш учун кўрсатишга йўл қўйилмаслиги белгиланган [16].

Демак юқорида келтириб ўтилган фикрлар ва таҳлиллардан хулоса қилганда таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган маълумотнинг мақбуллигини таъминлаш учун уни олиш билан боғлиқ процессуал механизмлар талаб даражасида бўлиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Шу боис, фикримизча мазкур ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш мақсадида, ЖПКнинг таниб олиш учун кўрсатиш асослари деб номланган 125-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги учинчи (аввалги параграфлардаги тақлифларни инобатга олган ҳолда) қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

«Шахсни, нарсани ёки унинг фото-, видео тасвирини олдиндан таниб олувчига кўрсатиш ва таниб олиш ёки олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатиб аниқлаб олиш ёки бу шахснинг белгилари ҳақида бошқа маълумотларни таниб олувчига кўрсатиш, шунингдек бир шахсни айнан бир

белгилари билан такроран таниб олиш учун кўрсатиш тақиқланади».

Мазкур тақлифнинг ЖПК 125-моддасига киритилиши қуйидагиларни таъминлайди:

биринчидан, суд томонидан таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларни баҳолашда [17] мақбуллик талабларига жавоб бериши билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қилади;

иккинчидан таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал тартибидаги бўшлиқлар бартараф этилади;

учинчидан, келгусида далилнинг мақбуллигини таъминлашга хизмат қиладиган ваколатли субъектлар томонидан далилни тўплашнинг [18] ЖПКда белгиланган тартибларини аниқлаштирилишига ўзининг хиссасини қўшади.

Таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг мақбуллиги келгусида уни баҳолашда аниқланадиган жараён бўлиб, бунда ушбу тергов ҳаракатини ўтказишга ваколатли субъектлар таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг ишга алоқадорлигига алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

ЖПКнинг 95-моддаси (далилларга баҳо бериш)нинг иккинчи қисмида далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилиши белгиланган.

Бунда тўпланган далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқласа ёки рад этса уни ишга алоқадорлигини баҳолаш борасида муаммолар келиб чиқмаслиги мумкин [19].

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишга ваколатли субъектлар таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг ишончилигига ҳам алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

ЖПКнинг 95-моддаси (далилларга баҳо бериш)нинг тўртинчи қисмида текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланиши белгиланган бўлиб, бунда ишга алоқадор бўлган бошқа далиллар тўпланиши, тўпланган янги далиллар эса таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин бўлади. Таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларни баҳолаш ЖПКнинг 95-моддасининг биринчи қисмида белгиланган процессуал қоидаларга асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилиб, ушбу жараёнда мазкур субъектлар далилни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича баҳолашлари лозим.

Таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларни мақбуллиги бўйича баҳолашда ушбу тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин амалга оширилган сўроқ қилишнинг натижалари ҳам инobatга олинishi лозим. Чунки, ЖПКнинг 125-моддасига кўра таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун ўтказилиши ва 125-моддасига кўра таниб

олувчи таниб олиш лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозимлиги белгиланган бўлиб, агарда гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи уни сўроқ қилиш жараёнида бирор шахс ёки нарсани таниб олиши мумкинлигини айтмаса ёхуд ишга алоқадор шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари унинг хотирасида сақланиб қолмаганлигини айтса ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Бундай ҳолда ўтказилган таниб олиш учун кўрсатишнинг натижалари бўйича расмийлаштирилган баённома номақбул деб топилиши табиий.

Суд-тергов амалиётининг таҳлили кўрсатишича таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати натижаси бўйича олинган далилларнинг номақбул деб топилиши ушбу тергов ҳаракатини ўтказган ваколатли субъектлар томонидан сўроқ баённомасига қалбаки (сохта) маълумотларни киритиши сабаб бўлган ҳолатлар ҳам учрайди.

Масалан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоятининг Зангиота тумани судида кўрилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми, 168-моддаси биринчи қисми ва 168-моддаси иккинчи қисми «б» банди билан кўзғатилган жиноят иши материалларига кўра айбланувчи И.М. исмли шахсни жиноятни содир этишда гумон қилинувчи сифатида таниб олиш учун кўрсатишни ўтказган терговчи таниб олувчига И.М. исмли шахснинг фотосуратини кўрсатиб, шу шахсни бошқа шахслар орасидан таниб олишини айтган ва сўроқ баённомасига қалбаки ёзувларни киритиб таниб олувчига имзо қўйдириб олган. Жиноят иши бўйича И.М. исмли шахс айбли деб топилиб, унга 14 йил озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган. Шундан сўнг И.М. исмли шахснинг ҳимоячиси томонидан тўпланган далиллар ва унинг илтимосномаси асосида иш назорат тартибида кўриб чиқилиб, ишдаги бошқа далиллар қаторида таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далиллар ҳам номақбул деб топилган ва И.М. исмли шахс ушбу жиноятда даҳли бўлмаганлиги сабабли оқланган [20].

Худди шунга ўхшаш ҳолат Тошкент вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатида кўрилган яна бир жиноят ишида учраган бўлиб, иш ҳолатларига кўра Б.У. исмли шахс Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаб келган даврда, мансабдор шахс бўла туриб, мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, ўзининг қўл остидаги ходими У.А. исмли шахсдан баҳоси 800.000 сўм бўлган бир дона чармдан ишланган офис креслоси ва 350.000 сўмлик чинни сервис тўпламини пора тариқасида олганликда айбланган.

Иш ҳолатларига кўра жабрланувчи деб топилган У.А. исмли шахсни сўроқ қилган терговчи уни ҳам жавобгарликка тортиш билан кўрқитиб, жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказганлиги, сўроқ қилиш баённомасини қалбакилаштирилганлиги ҳамда шундан келиб чиққан ҳолда чармдан ишланган офис креслоси чинни сервис тўплами таниб олиш учун кўрсатганлиги, У.А. исмли шахс терговчининг тазйиқига чидай олмасдан унинг айтганидек кўрсатилган нарсаларни таниб олганлиги, шу тариқа олинган далил айбловнинг асосига қўйилганлиги аниқланганлиги туфайли ушбу далиллар номақбул деб топилган ҳамда Б.У. исмли шахс оқланган [21].

Суд-тергов амалиётидан юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турганидек, таниб олиш учун кўрсатишдан аввал ўтказиладиган сўроқ қилиш тергов ҳаракати баённомаси ҳам ўз ичига фақат ҳақиқий маълумотларни олиши лозимлиги ҳам мақсадга мувофиқдир. Агарда таниб олувчи сўроқ давомида ўзининг кўрсатувларида «кўрсам таниб оларман», «ҳозир эслай ололмаяпман» каби иккиланадиган (аниқ қарор қабул қила олмайдиган [22]) ва шубҳали кўрсатувлар берган тақдирида таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ваҳоланки, Украина Республикаси ЖПКнинг 229-моддаси (нарсани таниб олиш учун кўрсатиш)да белгиланган мажмуавий белгиларидан таниб олиш учун кўрсатишнинг тартибига оид процессуал қоидалар[23] ЖПКда белгиланмаган. Бу эса бундай турдаги таниб олиш учун кўрсатишнинг натижаларини келгусида номақбул далил сифатида баҳолашга асос бўлади.

Ўрганилган жиноят ишлари таҳлили кўрсатишича, суд-тергов амалиётида айрим ҳолатларда очилмаган жиноят ишлари бўйича жиноят ишларини юритишга ваколатли мансабдор шахслар томонидан далилий ашёларни қалбакилаштириш ва бу ашёларни таниб олиш учун кўрсатган ҳолда номақбул далиллар тўплаш ҳолатлари ҳам учраб турганлигини кўриш мумкин.

Масалан, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида З.Ш. исмли шахснинг хонадони ҳовлисида бўлган, жами оғирлиги 100 кг бўлган 2 қоп «кунжара» ем маҳсулоти ўғирлаб кетилган. Ушбу жиноят иши бўйича айбланувчи сифатида жалб қилинган Р.Р. исмли шахсга жиноят ишини юритаётган терговчи ва бошқа ходимлар томонидан тазйиқ ўтказилиб иқrorлик кўрсатуви ёздириб олинган ҳамда сўроқ баённомаси қалбакилаштирилиб таниб олувчига ҳам унинг ўзидан олинган иккита қоп кўрсатилган ва баённома тузилган. Суд жараёнида ушбу ҳолатлар аниқланиб ашёвий далил деб ишга қўшилган иккита қоп ва таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси номақбул далил деб топилган ва Р.Р. исмли шахс оқланган [24].

Юқоридаги мисолдан кўриниб турганидек, таниб олиш учун кўрсатиш натижасида тўпланган далилларни мақбуллигини таъминлашда терговчи синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона ёндашмаган ҳамда қонунга ва ҳуқуқий онга амал қилмаган ҳолда далилларга баҳо берган. Келгусида суд-тергов амалиётида бу каби хато ва камчиликлар кузатилмаслиги учун суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ЖПК талабларига оғишмай риоя этишлари шарт ҳисобланади.

Келтирилган фикрларни таҳлил қилиш орқали таниб олиш учун кўрсатиш натижасида олинган далилларнинг мақбуллигини таъминлаш учун фикримизча шахсни, нарсани ёки унинг фото-видео тасвирини олдиндан таниб олувчига кўрсатиш ва таниб олиш ёки олмаслиги мумкин бўлган ҳолатларни кўрсатиб аниқлаб олиш ёки бу шахснинг белгилари ҳақида бошқа маълумотларни таниб олувчига кўрсатиш, шунингдек бир шахсни айнан бир белгилари билан тақдоран таниб олиш учун кўрсатишнинг таққиланиши оид процессуал қоидадан ЖПКга киритилиши, шунингдек таниб олиш учун кўрсатишни ўтказиш ЖПКда белгиланган тартиб ва талабларга оғишмай риоя этилган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бекматов.А. Ҳуқуқий ислохотлар ва омма кайфияти // Ҳуқуқ-Прово-Law. – 2004. – № 1. Б.22-23.
2. Б.Н.Рашидов Гаров эҳтиёт чорасини қўллашда вужудга келаётган муаммолар ва уларнинг бартараф этишга доир айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ахборотномаси. – 2012. – № 2. Б.38.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори // <http://lex.uz>.
4. Аубакирова А.А. Допустимость доказательств в уголовном процессе Республики Казахстан. – Вестник ЮУрГУ. – Серия «Право», 2014. – Т.14. – №3. – С. 18-20.
5. Ражабов Б.А. Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш: Монография – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2019. – Б. 98.
6. Курзинер Е.Э. Актуальные вопросы доказывания в уголовном судопроизводстве Российской Федерации: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2009. – С. 7.
7. Битокова М.Ж. Право собирания доказательств защитником и его осуществление в уголовном судопроизводстве: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2008. – С. 8.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2018 йил 24 августдаги 24-сонли қарори // <http://lex.uz>.
9. Абросимов И.В. Актуальные вопросы обеспечения допустимости и достоверности доказательств в уголовном судопроизводстве: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2007. – С. 10.
10. Сморгунова М.Е. Теоретические основы и практика проверки досудебных доказательств в уголовном процессе: Автореферат диссертационна соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Нижний Новгород, 2004. – С. 7.
11. Балакшин В.С. Доказательства в теории и практике уголовно-процессуального доказывания: Важнейшие проблемы в свете УПК Российской Федерации: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Екатеринбург, 2005. – С. 14.
12. Толмосов В.И. Проблемы допустимости доказательств на досудебных стадиях российского уголовного процесса: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Самара, 2002. – С. 7.
13. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (По состоянию на 12.07.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: 24.02.2020).
14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (По состоянию на 12.07.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство

стран СНГ) / (дата обращения: 24.02.2020).

15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 23.03.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: 24.02.2020).

16. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (По состоянию на 18.02.2020) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: 01.03.2020).

17. Черкасова Н.Ю. Исследование доказательств в суде первой инстанции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Казань, 1993. – С. 4.

18. Балакшин В.С. Доказательства в теории и практике уголовно-процессуального доказывания: Важнейшие проблемы в свете УПК Российской Федерации: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Екатеринбург, 2005. – С. 14.

19. Ражабов Б.А. Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш: Монография – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 68.

20. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди архивидаги 24-444-18-сонли-сонли жиноят иши материаллари.

21. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота тумани суди архивидаги 1-531/2017-сонли жиноят иши материаллари.

22. Иванова Л.Ф. Психолого-тактические аспекты предъявления для опознания в уголовном судопроизводстве России: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Челябинск, 2007. – С. 17.

23. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (По состоянию на 12.07.2018) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (дата обращения: 24.02.2020).

24. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Боёвут тумани суди архивидаги 1-1203-1801/36-сонли жиноят иши материаллари.

И.Рустамбеков,

Доктор юридических наук, и.о. проф. ТГЮУ

НЕКОТОРЫЕ АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОНЛАЙН РАЗРЕШЕНИЯ СПОРОВ

Аннотация. В этой статье дается краткое объяснение понятия разрешения споров в киберпространстве. В нем рассматриваются некоторые из недавних исследований использования способов онлайн разрешения споров, особенно использования электронных переговоров, электронного посредничества и электронного арбитража, рассматриваются вопросы, касающиеся сложностей урегулирования и разрешения споров в киберпространстве, и делается вывод, что онлайн и оффлайн методы разрешения споров в ближайшем будущем получат развитие и станут более популярными и широко используемыми.

Ключевые слова: альтернативное разрешение споров, онлайн-разрешение споров, арбитраж, медиация, переговоры.

Abstract. This article provides a concise explanation of the notion of dispute resolution in cyberspace. It reviews some of the recent studies on the use of online dispute resolution, especially the use of e-negotiation, e-mediation and e-arbitration, considers the issues concerning the intricacies of settling and resolving disputes in cyberspace and concludes that online and offline dispute resolution methods will be more widely used in the near future.

Keywords: alternative dispute resolution, online dispute resolution, arbitration, mediation, negotiation.

Аннотация. Мақолада кибер макондаги низоларни ҳал қилиш тушунчаси ўрганилган, унда низоларни онлайн ҳал этиш механизмларидан фойдаланиш бўйича сўнги тадқиқотлар, хусусан электрон музокаралар, электрон воситачилик ва электрон арбитраждан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган, кибер макондаги низоларни ҳал қилишнинг мураккаблиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, низоларни онлайн ва оффлайн шаклда ҳал этиш яқин келажакда ривожланиши ва кенг тарқалиши мумкинлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: низоларни муқобил ҳал этиш, онлайн низоларни ҳал этиш, ҳакамлик, арбитраж, медиация, музокара.

Введение

В последние годы стала очевидной важность электронной торговли, особенно с возникновением пандемии и применением карантинных мер. Однако это новое явление принесло с собой новые проблемы в различных областях, которые требуют быстрых и эффективных решений. В связи с тем, что судебное разрешение споров имеет множество сложностей и недостатков, были разработаны альтернативные средства для дополнения системы разрешения споров, которые в настоящее время обозначаются как методы или механизмы альтернативного разрешения споров (АРС).

При этом, в настоящий этап развития механизмов альтернативного разрешения споров появляются механизмы разрешения споров в режиме онлайн (ОРС) через Интернет. [1] Методы ОРС могут использоваться для разрешения споров, связанных как в автономном, так и в онлайн-режиме. Первые идеи использования

механизмов APC «онлайн» возникла в начале 1990-х годов. [2] В течение данного десятилетия некоторые заметные услуги OPC предоставлялись несколькими проектами, и эти проекты изначально разрабатывались под эгидой различных институтов, включая Американскую арбитражную ассоциацию (AAA) и Национальный центр автоматизированных исследований информации (NCAIR).

За короткий период времени специалисты по разрешению споров поняли, что есть возможности для значительного расширения этой растущей области. [3] В 1997 году был основан Национальный центр технологий и разрешения споров, который «поддерживал и поддерживает развитие приложений информационных технологий, институциональных ресурсов, а также теоретических и прикладных знаний для лучшего понимания и управления конфликтами» [4]. Позже область OPC начала изучаться такими организациями, как Федеральная торговая комиссия США, Министерство торговли США, Гагская конференция по международному частному праву, Организация экономического сотрудничества и развития, Глобальный деловой диалог, Всемирная организация интеллектуальной собственности и Европейский Союз. В Европейском Союзе, в частности, законодательные меры, как правило, способствовали использованию механизмов OPC [5].

В принципе ожидается, что механизмы OPC, помимо прочего, будут «способствовать доступу к правосудию» [6] и, следовательно, должны иметь возможность решать некоторые проблемы, связанные с использованием механизмов автономного разрешения споров [7]. Считается, что OPC может «разрешать споры быстрее и эффективнее», чем традиционные методы, но, насколько нам известно, надежных и квалифицированных исследований, подтверждающих это предположение, не проводилось. Ученые в сфере APC выдвинули различные предложения, направленные на развитие системы OPC, и за последние 10 лет было разработано большое количество услуг OPC. Следует отметить, что в широком спектре механизмов OPC наиболее распространены переговоры, посредничество и арбитраж [8].

Поскольку юристы начали модернизировать свою рабочую практику с помощью нескольких технологических достижений в области вычислений и телекоммуникаций, можно задать вопрос, не будет ли в конечном итоге заменено использование автономных механизмов использованием так называемых механизмов OPC.

Электронные переговоры

Переговоры – одна из наиболее распространенных форм разрешения споров и, вероятно, «одна из самых основных форм взаимодействия» [9]. Считается, что «люди ведут переговоры, даже если сами не думают о себе» [10]. По сути, переговоры можно определить, как любой тип общения между двумя или более людьми с целью достижения соглашения. Для этого переговоры можно рассматривать как дружественный и, возможно, весьма желательный способ разрешения споров. С появлением Интернета эта форма взаимодействия, особенно в сфере разрешения споров и в юридической профессии, несколько переместилась из судебных коридоров и офисов юридической фирмы в Интернет, что привело к продвижению идеи электронных переговоров (e-negotiation) [11].

Первый исследовательский проект в области переговоров через Интернет был запущен в 1996 году. Этот проект был «разработан в контексте межкультурного исследования принятия решений и переговоров». Обширные эксперименты в данной сфере побудили разработать несколько других систем электронных переговоров. [12] Эти системы вместе с системами поддержки принятия решений были разделены на несколько категорий, включая системы планирования, системы оценки, системы вмешательства и системы процессов. [13] Однако общественная осведомленность как о электронных переговорах, так и о принятии решений остается очень низкой, и поэтому еще предстоит увидеть, получат ли электронные переговоры, основанные на этих системах, широкое признание.

Понятие электронных переговоров неразрывно связано с концепцией компьютерной связи (ККС). [14] Утверждается, что ККС облегчает процесс взаимодействия с помощью компьютеров. Интернет, без сомнения, стал одним из основных средств коммуникации и обмена информацией. Например, ККС по электронной почте становится все более обычным явлением. С точки зрения эффективности электронных переговоров по электронной почте считается, что это может «привести к недопониманию и в переговорный тупик» [15].

Исследования показывают, что переговоры по электронной почте «1) увеличили споры, 2) уменьшили обмен информацией, 3) уменьшили процессы сотрудничества, 4) уменьшили доверие, 5) увеличили эффекты отрицательной атрибуции» [16]. Точно так же было доказано, что «разрешение конфликта или достижение консенсуса лучше проводить лично, чем в электронном виде». [17] Аналогичным образом было продемонстрировано, что «большой личный контакт способствует большему взаимопониманию, что, в свою очередь, приводит к более благоприятным результатам для обеих сторон». Аналогичным образом было указано, что «правила личного взаимодействия, которые применялись бы при телефонном звонке или личном посредничестве, неприменимы в киберпространстве». Дальнейшие исследования показали, что «информация, передаваемая через электронные средства массовой информации, такие как электронная почта, с меньшей вероятностью будет правдивой». [18]

Подавляющее большинство исследований в области электронных переговоров с помощью электронной почты ставят под сомнение очевидные преимущества электронных переговоров по сравнению с личными переговорами. При обмене сообщениями по электронной почте существует вероятность того, что стороны в конечном итоге неправильно прочитают сообщения друг друга, и, хотя можно сказать, что могут быть даны дальнейшие разъяснения, и что эти средства связи продолжают расширяться и т.д. [19]

Следует особо отметить, что в настоящее время переговоры начинаются через электронную почту, социальные сети и после переходят в форму встреч онлайн через системы видеоконференции. Таким образом многие переговоры проводятся как бы путем встречи онлайн и общения через видеоконференцию. Также подписание документов осуществляется передачей документов по электронной почте или системы, которые предоставляют возможность одновременного подписания.

Электронная медиация

Электронное посредничество можно определить, как системный - в отличие от очного - механизм, в котором беспристрастная третья сторона, называемая «посредником», способствует процессу переговоров между двумя или более людьми. [20] Поскольку электронное посредничество в основном представляет собой «электронные переговоры, проводимые с помощью третьей стороны» [21], можно сказать, что аргументы против развертывания системных переговоров могут быть применены, с соответствующими изменениями, к области электронных посредничества. Это верно, как для текстовых, так и для видео систем. [22] Несмотря на это, небольшое меньшинство считает, что в тех случаях, когда нецелесообразно выступать лицом к лицу, например, когда обе стороны эмоционально заряжены, когда было бы нерентабельно объединить обе стороны, когда между сторонами существует огромный дисбаланс сил и т.д., электронное посредничество становится вариантом. [22]

Первый исследовательский проект, направленный на определение «эффективности» электронного посредничества для разрешения споров, связанных с Интернетом, особенно тех, которые возникают в результате транзакций eBay [23], был проведен в конце 1990-х годов. Этот проект был разработан «исходя из предположения, что посредники могут адаптировать по крайней мере некоторые навыки и тактики, используемые в личных практиках, к процессу онлайн-посредничества» [24]. И посредник, и стороны использовали электронную почту в качестве средства связи. Из 144 дел, переданных на медиацию, только 50, то есть менее 40 процентов, были успешно урегулированы [25]. Неудивительно, что использование в проекте текста считалось одним из недостатков электронной почты как основной формы взаимодействия. [26]

Средний пользователь Интернета, возможно, хорошо подготовлен для участия в сеансах онлайн-посредничества через электронную почту, чат, обмен мгновенными сообщениями и т.д. [27] У этих систем есть кое-что общее - они позволяют людям обмениваться письменными сообщениями друг с другом через Интернет. Тем не менее письменный язык «не всегда передает полное значение того, что человек пытается сообщить». Детальный анализ соответствующей литературы показывает, что «наиболее влиятельные лингвистики первой половины двадцатого века изо всех сил старались подчеркнуть примат устной речи по сравнению с письменной, низводя последнюю до вторичного статуса». [28]

Такое различие между письменным и устным языком может повлиять как на эффективность уровней общения, так и, что более важно, на результат виртуального посредничества.

Электронный арбитраж

Электронный арбитраж можно определить, как «электронную версию автономного арбитража». [29] Он включает в себя все, от «онлайн-арбитражного соглашения» до «онлайн-арбитражного решения». [30] Вообще говоря, в свете принципа автономии сторон, действительность онлайн-арбитража не является проблемой. Однако в международном контексте возник ряд опасений относительно действительности не только арбитражных соглашений онлайн, но и арбитражных решений онлайн, особенно в рамках применения Нью-Йоркской конвенции 1958 г. Утверждалось, что Нью-Йоркская конвенция была принята «в то вре-

мя, когда составители не могли предвидеть, что и арбитражные соглашения, и арбитражные решения могут иметь иную форму, кроме физической». [30] Таким образом, можно только предполагать, что суды со временем согласятся, что арбитражные соглашения и решения онлайн-арбитража удовлетворяют формальным требованиям Нью-Йоркской конвенции.

На момент написания Конвенции не существовало «общепринятых правил, регулирующих арбитражное разбирательство в Интернете» [31]. Такие разбирательства, безусловно, имеют место, хотя исчерпывающие статистические данные об электронном арбитраже, похоже, не публиковались [32]. В онлайн-арбитраже стороны, арбитражный суд, эксперты и свидетели должны использовать электронные устройства для участия в арбитражном разбирательстве. Это предполагает использование сложных программных и аппаратных устройств. [33] Однако существующие системы подвергались критике на том основании, что они могут иметь дело только с «очень ограниченными классами споров, упрощенным или базовым процессом арбитража, началом процесса до того, как станут необходимы изменения, и процессом, используемым одним поставщиком арбитража». [34]

Некоторые утверждают, что электронный арбитраж «значительно снижает транзакционные издержки разрешения споров» [35], и это может быть правдой в некоторых случаях, но не было проведено никаких исследований стоимости электронного арбитража в отличие от автономного арбитража. В целом можно сказать, что принятие решений третьей стороной потенциально дороже, чем совместное принятие решений. Исследования показывают, что, например, в области международного арбитража большая часть расходов связана как с арбитражными, так и с судебными издержками, и еще предстоит выяснить, будут ли арбитры и юридические представители готовы существенно снизить свои гонорары, когда проведение арбитражей в режиме онлайн [36].

Что касается уместности онлайн-арбитража, было сказано, что он «особенно уместен в отношении простых шаблонов фактов и мелких претензий». [37] Следовательно, онлайн-арбитраж может понравиться пользователям мелких претензий и документов - только арбитражным схемам, но определенно не пользователям «международного арбитража», где на карту поставлены сложные вопросы и большие суммы денег. [38] Вероятно, это одна из причин предполагаемой «низкой привлекательности виртуального арбитража» в этой сфере. [39] Возможно, электронный арбитраж нуждается в дальнейшем развитии, прежде чем можно будет провести полную оценку его эффективности, но маловероятно, что «международный арбитраж», в частности, когда-либо будет проходить полностью онлайн.

Заключение

Несмотря на некоторые оптимистичные прогнозы относительно потенциала ОРС по объединению на равных условиях с традиционными методами, еще слишком рано предсказывать, каким может быть будущее ОРС. Достоинства технологических достижений в области разрешения споров, возможно, были переоценены. ОРС - это просто «еще один» вариант, и в некоторых случаях он может быть даже лучшим вариантом, но это определенно не панацея. Государственный механизм разрешения споров представляет собой сложную систему, которую нельзя заменить «более

быстрыми микропроцессорами и большими платами памяти». Механизмы разрешения споров, как правило, являются средством поддержания общественного порядка. Эти механизмы предназначены для разрешения конфликтов и споров на основе верховенства закона, и сомнительно, что такая функция может быть полностью и эффективно выполнена в киберпространстве.

Список литературы

1. Simon Roberts. *Dispute Resolution: ADR and the Primary Forms of Decision-Making*. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. –p.5.
2. Colin Rule. *Online Dispute Resolution for Business*. San Francisco: Jossey-Bass, 2002.
3. Ethan Katsh. *Dispute Resolution in Cyberspace*. Connecticut Law Review. 1996. N.28.
4. National Center for Technology and Dispute Resolution (NCTDR) - <http://odr.info/>
5. Faye Fangfei Wang. *Online Dispute Resolution: Technology, Management and Legal Practice from an International Perspective*. Oxford: Chandos Publishing, 2008. –p.43.
6. Gabrielle Kaufmann-Köhler. *Online Dispute Resolution, Challenges of Contemporary Justice*. – The Hague: Kluwer Law International, 2004. –p.68.
7. Lan Q. Hang. *Online Dispute Resolution System: The Future of Cyberspace Law*. Santa Clara Law Review. 2001. –p41.
8. Haitham A. Haloush. *Internet Characteristics and Online Dispute Resolution*. Harvard Negotiation Law Journal. 2008. –p13.
9. Robert H. Mnookin. *Beyond Winning: Negotiating to Create Value in Deals and Disputes*. Cambridge, MA: Belknap Press, 2000. –pp.1–354.
10. Bruce Patton. *Negotiation. The Handbook of Dispute Resolution*. –San Francisco: Jossey-Bass, 2005. – p.279.
11. Kathleen Valley. *Conversation: The Electronic Negotiator*. Harvard Business Review. 2000. –p16.
12. Mareike Schoop. *The Worlds of Negotiation. Proceedings of the 9th International Working Conference on the Language-Action Perspective on Communication Modeling*. 2004. pp. 179–196.
13. Jin Baek Kim. *E-negotiation System Development: Using Negotiation Protocols to Manage Software Components*. 2007. N.16(4).
14. Gregory Kersten. *E-negotiation Systems: Interaction of People and Technologies to Resolve Conflicts*. UNESCAP Third Annual Forum on Online Dispute Resolution. 2004. –pp.2–3.
15. Janice Nadler. *Rapport in Legal Negotiation: How Small Talk can Facilitate E-mail Dealmaking*. Harvard Negotiation Law Review. 2004. N.9.
16. Noam Ebner. *You've Got Agreement: Negotiating via Email*. Journal of Public Law & Policy. 2009–2012. N.31(2)
17. Gerardine DeSanctis. *Introduction to the Special Issue: Communication Processes for Virtual Organizations*. Organization Science. 1999. N.10(6).
18. Kathleen L. McGinn. *How to Negotiate Successfully Online*. Negotiation. 2004. N3. –p8.
19. David R. Johnson. *Screening the Future for Virtual ADR*. April Dispute Resolution Journal. 1996.
20. Gabrielle Kaufmann-Köhler. *Online Dispute Resolution: Challenges for Contemporary Justice*. –The Hague: Kluwer Law International, 2004. –p.22.
21. Stephen B. Goldberg et al., *Dispute Resolution: Negotiation, Mediation and Other Processes*. –New York: Wolters Kluwer, 2007. –p.107.
22. Janice Nadler. *Electronically-Mediated Dispute Resolution and E-Commerce*. October Negotiation Journal. 2001. –P.333.
23. Susan Summers Raines. *Can Online Mediation be Transformative?: Tales from the Front*. Conflict Resolution Quarterly. 2005. N.22(4).
24. Jason Krause. *On the Web*. October ABA Journal. 2007. –p44.
25. Ethan Katsh. *E-Commerce, E-Disputes, and E-Dispute Resolution: In the Shadow of 'eBay Law'*. Ohio State Journal on Dispute Resolution. 2000. N.15(3).
26. Ethan Katsh. *E-Commerce, E-Disputes, and E-Dispute Resolution: In the Shadow of 'eBay Law'*. Ohio State Journal on Dispute Resolution. 2000. N.15(3).
27. James C. Melamed. *Mediating on the Internet: Today and Tomorrow*. Pepperdine Dispute Resolution Law Journal. 2000. N.1(11). –p11.
28. Bruce Leonard Beal. *Online Mediation: Has Its Time Come?* Ohio State Journal on Dispute Resolution. 2000. N.15(3).
29. Wallace Chafe. *The Relation Between Written and Spoken Language*. Annual Review of Anthropology. 1987. N.16.
30. Chinthaka Liyanage. *Online Arbitration Compares to Offline Arbitration and the Reception of Online Consumer Arbitration: An Overview of the Literature*. Sri Lanka Journal of International Law. 2010. N.22.
31. Hong-lin Yu. *Can Online Arbitration Exist within the Traditional Arbitration Framework?* Journal of International Arbitration. 2003. N.20(5).
32. United Nations Conference on Trade and Development, *Dispute Settlement: International Commercial Arbitration, Electronic Arbitration*. UNCTAD/EDM/Misc.232/Add.20. 2003. –pp.3–55.
33. Julian Lew. *Comparative International Commercial Arbitration*. –The Hague: Kluwer Law International, 2003. – p.48.
34. Dusty Bates Farned. *A New Automated Class of Online Dispute Resolution: Changing the Meaning of Computer-Mediated Communication*. Faulkner Law Review. 2011. N.2.
35. Tony Elliman. *Online Support for Arbitration: Designing Software for a Flexible Business Process*. International Journal of Information Technology and Management. 2005. N.4(4).
36. Chartered Institute of Arbitrators, *Costs of International Arbitration Survey*. London: Chartered Institute of Arbitrators, 2011. –p.2.
37. Daniel Girsberger. *Cyber-Arbitration*. European Business Organisation Law Review. 2002. N.3.
38. Roger P. Alford. *The Virtual World and the Arbitration World*. Journal of International Arbitration. 2001. N.18(4).
39. Sami Kallel. *Online Arbitration*. Journal of International Arbitration. 2008. N.25(3).

Қ.Садуллаев,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим
бошлиғи, юридик фанлари номзоди

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИНИ БЕЛГИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада Халқаро хусусий ҳуқуқда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ҳолатлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: фуқаролик институти, шахсинг халқаро-ҳуқуқий мақоми, бипатризм, мультипатризм ва апатризм, дипломатик ҳимоя, фуқаролик ва оила масалалари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

Аннотация: В статье анализируются научно-теоретические аспекты совершенствования правового статуса физических лиц в международном частном праве.

Ключевые слова: институт гражданства, междуна-родно-правовой статус лиц, бипатризм, мультипатризм и апатризм, дипломатическая защита, оказание взаимной правовой помощь по гражданским и семейным вопросам, оказание взаимной правовой помощь по уголовным делам.

Abstract: the article analyzes the scientific and theoretical aspects of improving the legal status of individuals in private international law.

Key words: institution of citizenship, the international legal status of person, bипатризм, multipatriзм and апатризм, diplomatic protection, mutual legal assistance in civil and family matters, mutual legal assistance in criminal matters.

Мустақил давлат – Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини шакллантиришда халқаро жамоатчилик томонидан тан олинган тамойилларга амал қилган ҳолда, аввало, ўз куч қудратига, маънавиятига, ўтмиш аждодлар ва авлодлар меҳнати билан яратилган ўз халқининг салоҳиятига таянмоқда. Бу – ташқи муносабатларда очиқ, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларига риоя этишдан дарак беради.

Янги жамиятни барпо этиш йўлида Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлини танлади, маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асосида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишни жадал амалга оширишда [1].

Хусусий мулк асосида бозор муносабатларининг таркиб топиши, чет эл мамлакатлари ва уларнинг жисмоний ва юридик шахслари билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг Ўзбекистонда тобора ривожланиши хусусий ҳуқуқ тизимини ўрганишни ва ушбу тизим устида илмий изланишларни амалга оширишни устувор қилиб қўйди [2].

Халқаро хусусий ҳуқуқ нима, **(бундан кейин матнда ХХХ деб юритилади)** бу фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалардан ташкил топган бўлиб, ушбу муносабатларнинг доираси, таркибий қисмлари бирон-

бир мамлакат чегараси билан чекланиб қолмайди, халқаро ҳаёт кўламида табиий ҳодиса сифатида ривож топади [3].

ХХХда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган низолар фуқаролик даъво кўзғатиш йўли билан суд ёки арбитраж органларида кўрилади [4].

Субъект ҳуқуқи масаласи ҳар қандай тартибга солинадиган ҳуқуқ соҳасида катта контсептуал аҳамиятга эга. Халқаро хусусий ҳуқуқ бундан мустасно эмас. Халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши ва чуқурлашуви шароитида миграция оқимларининг жадал ўсиши шароитида, халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий вазифаларидан бири, бу турли хил фуқаролиги бўлган ёки турли мамлакатларда истиқомат қилувчи шахслар иштирокидаги оммовий муносабатларини тартибга солиш ҳисобланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ шахсларни тўрт тоифага ажратиш билан тавсифланади: маълум бир давлатнинг ички (ўз) фуқаролари; Чет эл фуқаролари; фуқаролиги бўлмаган шахслар; қочоқлар. Бу шахсларнинг ҳар бир тоифасига нисбатан турли хил ҳуқуқ нормалари мажмуи орқали муайян ҳуқуқий тартиб ўрнатилган. Ўз ҳуқуқий тартибга солиш талқинига кўра, маъмурий-ҳуқуқий ёки жиноий ҳуқуқ соҳаси халқаро хусусий ҳуқуқ билан қамраб олинмайди. Бироқ, ушбу қоидаларнинг баъзилари хорижий фуқаролар ёки қочоқларнинг мулкый, оилавий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқларини аниқлаш учун зарурдир.

Халқаро хусусий ҳуқуқ қоидалари чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, қочоқлар иштирокидаги оммовий муносабатларини ҳар томонлама тартибга солишга мўлжалланмаган.

Ривожланган давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва фуқаро ҳуқуқларини кафолатланишини кучайтириш вазифалари мазкур масалаларни ХХХ фани нуқтаи назаридан ўрганишни тақозо қилмоқда. Шунингдек, жаҳон ҳўжалик тизимида ва глобал фуқаролик жамиятида асосий ҳаракатланувчи куч тобора жисмоний шахс бўлиб қолаётган бир пайтда, унинг ҳуқуқий ҳолати ҳамда ХХХнинг бунга оид институтларини тадқиқ этилиши долзарб аҳамиятга эга бўлиб, ХХХий муносабатларнинг такомиллашувига самарали хизмат қилади.

Фуқаролик ҳуқуқий ҳимояни қўллашда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш масалалари.

Мукамалликка эришган мамлакатларда фуқаролик ҳуқуқининг ривожланганлиги даражаси унинг юридик соҳада эгаллаган мавқеига, жамиятни ижтимоий-иқтисодий такомиллаштириш борасидаги хизматига, жисмоний шахс ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш ва мустаҳкамлаш вазифаларини қай даражада ҳал этаётганлигига қараб белгиланади [5].

Инсон қадр-қимматини тан олиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурматлаш, инсонларни ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш – жамиятнинг ҳуқуқий турмуш тарзини, ҳуқуқнинг маънавий моҳиятини белгилаб берувчи асосий тамойиллардандир.

Фуқароликни белгилаш ҳар бир давлатнинг юрисдикция предметини ташкил этади. Бу ердан шундай ҳолат келиб чиқадики, ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги фуқароликни ўзи белгилайди:

ХХХ доирасида фуқаролик институти, яъни жисмоний шахс "чет эл элементли" мулкый ва бошқа

муносабатларнинг субъекти кимлигини, яъни у ушбу мамлакатнинг фуқаросини, чет эл давлатининг фуқаросини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни деган саволга аниқлик киритади.

XXXа у ёки бу муносабат қатнашчиси албатта хорижлик бўлиши назарда тутилади. Чет эл фуқароси иккита-юзининг ва у ҳозир бўлган давлатнинг ҳуқуқий тартибига бўйсунуши назарда тутилади. Ушбу иккиламчиликда чет эллик фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хослиги намоён бўлади. Демак, конкрет ҳуқуқий муносабатда чет эл фуқароси ҳуқуқий ҳолати қайси қонун билан тартибга солиниши катта аҳамиятга эгадир.

Бу масала жисмоний шахснинг шахсий қонуни тушунчаси орқали ҳам ҳал этилади. Шунингдек, бу ҳалыаро хусусий ҳуқуқ доирасида принцип сифатида ҳам қаралиб, Фуқаролик кодексига тегишли тартибда белгиланган [10].

Шахсий қонунни тадбиқ қилиш доирасига-жисмоний шахснинг фуқаролик ҳуқуқий ҳолати масалалари, унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, оила муносабатлари доирасида шахсий ҳуқуқлар, ворислик муносабатлари киради. Шахсий қонун икки вариантда қўлланилади: фуқаролик қонуни (миллий қонун)-*lex patriae* (*lex nationalis*) ва турар жой қонуни-*lex domicilii*. Фуқаролик қонунига мурожаат қилинган ҳолда, юқорида қайд этилган муносабатлар шахснинг фуқаролиги мансуб мамлакат ҳуқуқига бўйсунди. Турар жой қонунини қўллашда эса, шахснинг қайси давлат ҳудудига доимий ёки мунтазам равишда яшаганлиги ҳисобга олинади ва шу мамлакат ҳуқуқи асосий ҳисобланади.

Шахсий қонунга боғланишларни назарда тутувчи коллизия нормалар мамлакат қонунларида ҳам, Ўзбекистон имзолаган халқаро шартномаларда ҳам мавжуддир.

Мамлакатнинг фуқаролик қонунчилигида [6] жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланиши. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда у қайси мамлакат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланиши. Фуқаролиги бўлмаган шахс қайси мамлакатда доимий яшаб турган бўлса, ўша мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Қочоқларга нисбатан эса уларга бошпана берган мамлакатнинг қонуни шахсий қонун ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг меъёрида ва бузилмаган ҳолатларда ривожланишини таъминлаш воситалари, хусусан, субъектларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқатларини мустаҳкамлаш, мажбуриятларнинг белгиланиши, бузилган ёки низолаштилаётган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаш ҳуқуқий тизмаларидан иборат бўлади. Шунинг учун, фуқаролик ҳуқуқида, фанда ва қонунчиликда кенг маънода қўлланиладиган муҳофаза тушунчасидан фарқли ўлароқ, тор маънодаги ҳуқуқ муҳофазаси бевосита бузилган ёки низолаштилаётган фуқаролик ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш ва тан олишга қаратилган воситалар фуқаролик ҳуқуқининг ҳимояси деб танилади.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний шахснинг ижтимоий тенг ҳуқуқчилиги фуқароларнинг ҳуқуқий статусини тенглигида ўз аксини топади. Ҳуқуқий статус бу Конституция ва бошқа қонунлар орқали белгиланиб қўйилган ҳар бир фуқаронинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши тизимини англатади.

Мазкур институт фуқаронинг умумий ҳуқуқий ҳолатини очиб беради, Конституция ва фуқаролик тўғрисидаги қонун билан давлатимизда барча фуқаролар учун ягона ва тенг ҳуқуқий статус ўрнатилган.

Фуқаронинг ҳуқуқий статуси Конституция ва бошқа қонун билан бевосита белгиланиб қўйилган барча фуқароларнинг тенг субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларга эга эканлигини ташкил қилиб (масалан, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш, соғлиқни сақлаш, таълим олиш ҳуқуқи, сўз, мажлис, митинг ва намойишларда иштирок қилиш эркинлиги, барча қонунларга риоя қилиш мажбурияти, бошқа фуқароларнинг қонуний манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва бошқа ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар).

Ҳуқуқий статус фуқаронинг давлатга тааллуқчилигини англатса, субъектив ҳуқуқ аксинча – неъматнинг фуқарога тегишли эканлигини билдиради. Фуқаронинг ҳуқуқий статуси шахснинг жамиятда суверен ижтимоий ҳокимиятни, яъни давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этишини, субъектив ҳуқуқ эса унга тегишли бўлган эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини англатади [7].

Шундай бўлсада, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг иштирокчилари субъектив ҳуқуқлар билан бевосита боғлиқ бўлмаган, қонун билан қўриқланадиган, мустақил равишда мавжуд бўлган манфаатларга ҳам эга бўлишлари мумкинки, бу манфаатлар бузилганида ҳимоя қилинади. Субъектив фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш қонунда кўрсатилган тартибда, яъни ҳимоянинг тегишли шакли, воситалари ва усулларини қўллаш орқали амалга оширилади. **Ҳимоя шакли деганда**, субъектив ҳуқуқларни ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларни муҳофаза қилувчи ўзаро ички келишилган ташкилий тадбирлар мажмуи тушунилади.

Асосан, ҳимоянинг юрисдикциявий ва ноюрисдикциявий шакллари мавжуддир. Бузилган ёки низолаштилаётган субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ваколатли бўлган давлат идораларининг фаолияти ҳимоянинг юрисдикциявий шаклини ташкил қилади.

Унинг мазмуни шундан иборатки, ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида ҳуқуқи ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган шахс ҳимоя истаб, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун зарур чора тадбирларни қўллаш ваколатига эга бўлган давлат ёки бошқа ваколатли идоралар (судлар, хўжалик суди, юқори турувчи идора ва б.)га мурожаат этади. Ҳимоянинг юрисдикциявий шакли доирасида ўз навбатида, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг умумий ва махсус тартиблари таъкид этилади.

Шу даврга қадар XXX соҳасидаги олимларимиз фуқаролик масалалари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш турли мазмундаги келиб чиқадиган муаммолари вазиятларни мавжуд қонунчиликларга мувофиқ ҳал этиш юзасидан мисли кўрилмаган илмий ишларни амалга оширганлар.

Чет эл мамлакатлари ва уларнинг жисмоний ва юридик шахслари билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг мамлакатимизда тобора ривожланиши XXX фанини ўрганишни ва ушбу фан устида илмий изланишларни янада кўпайтириш масалаларини

кўндаланг қилиб қўйди. Шу пайтгача ХХХда асосан чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, қочоқлар масалалари уларнинг шахсий қонунлари ўганилган бўлса глобаллашган дунёда янги ибора, яъни Глобал фуқаро масаласи пайдо бўлди.

Глобал фуқаролик.

Глобал фуқароликка шундай тариф берилганки, – бу бутун дунё миқёсида глобал миқёсда фикр юритадиган шахслар ва жамоаларнинг ижтимоий, сиёсий, экологик ва иқтисодий ҳаракатларини умумлаштирадиган атамадир.

Глобал фуқаролик, – бу тарифига кўра ер сайерасидаги барча фуқаролар бир хил фуқаролик ҳуқуқ-мажбуриятига эга бўлишидир. Улар ер сайерасининг аъзоси бўлгани ҳолда, маълум бир миллат ёки жойнинг фуқароси сифатида эмас, балки бутун дунё фуқароси ҳисобланади.

Ғоя шундан иборатки, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, улар географик ёки сиёсий чегаралардан, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар ягона фуқаро-инсондирлар деган тушунчага олиб келади. Бу дегани, шахс ўз фуқаролигини ёки бошқа маҳаллий мансублигини қоралайди ёки ундан воз кечади дегани эмас,

Умуман олганда, бу атама "дунё фуқароси" маъносига эга.

Глобал фуқаролик паспорти, кўринишидан кўпчилик дуё мамлакатларида қабул қилинган анавий паспортларга жуда ўхшаш. Хужжат 40 варақдан иборат бўлиб кўк муқовали ва 7 тилга таржима қилинган маълумотлар киритилган. Паспортдан фойдаланиш муддати 10 йил бўлиб деярли хар-бир истовчи уни олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Паспорт олиш учун Вашингтонда жойлашган WSA (World Service Authority) деб номланувчи нотижорат ташкилотига тўлдирилган анкета маълумотлари ва 100 доллар йиғим тўланса бас [8].

Бу фуқароликнинг келиб чиқишига 1948 йилда кўча актёри ва иккинчи жаҳон уруши бомбордимончи учувчиси Гарри Дэвиснинг АҚШ фуқаролигини рад этиши ва ўзини дунё фуқароси деб эълон қилиши асосий сабаб бўлган.

Дунё фуқароси атамасидан шундай ғоя келиб чиқадики, инсон туғилган жойидан қатъий назар, ўзи ер сайерасининг қайси бурчагида яшашни, муомалада бўлишини ва саёҳат қилишини ўзи танлайди. Ер сайераси ягона ва у барча учун умумий маскандир. Сиёсатлар қарашлар ва чегаралар фуқарога ҳеч қандай даҳл қилолмайди.

Дунё фуқаролиги 183 та мамлакат сайтларида рўйхатдан ўтган. 1954—1995 йиллар давомида еттита мамлакат дунё фуқароси паспортини тан олган. Булар Буркина-Фасо, Того, Эквадор, Мавритания, Танзания, Ватикан ва Замбия.

Паспортнинг қулайлик томонлари, хужжат тан олинган давлатга виза рухсатномалари олиниши шарт бўлмайди. Саёҳлик ҳудудларида чет эл фуқаролари учун белгиланган тўловлар эмас, аксинча маҳаллий аҳоли учун белгиланган арзон нархларда хизмат кўрсатилади. Автомобил, велосипед, меҳмонхоналар ижараси, банкдан пул жўнатмаларини амалга ошириш ва қабул қилиш учун ишлатиш мумкин.

Шу пайтгача дунё фуқароси паспортини ер сайерасининг 1 миллиондан ортиқ фуқароси қабул

қилган бўлиб, булар орасида АҚШлик телебошловчи Опра Уинфри, АҚШнинг МРБ ва марказий разветка агентлиги ходими Эдвард Сноун ва АҚШнинг президенти Барак Абамаларни кўриш мумкин.

Ўзбекистонда ягона фуқаролик мавжуд бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган шахснинг хорижий давлат фуқаролиги тан олинмайди.

Умум эътироф этилган қоидага кўра, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади. Ўзбекистонда бир фуқаролик ўрнатилган. Шунинг учун ҳам, "Фуқаролик тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг бирон бир бошқа фуқароликка мансублиги тан олинмайди. Бу қоида 1930 йилги Гаага конвенциясида мустақамланган икки фуқароликни тан олмаслик халқаро тамойилига ҳам тўла мос келади [9].

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чоратadbирларни тизимлаштириш тўғрисида"ги Фармони.
2. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. /Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва бошқ. –Т., 2002. –70 б.
3. Умаров Т. Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати. ю.ф.д., дисс. Т., 2005.
4. Detloff N. Evropaisches Kollisionrechz des unlauteren wetterwerbs //Juristen Zeitung. –Tubingen: 2000. – NY. S.180-185; O.Hara E.A., Ribstein L.E. From politics to efficiency in choice of law. //The univ. of Chicago law rev. –2000. Vol.67, –NY.: –P.1142-1232; Murthy J. Rationality a. cultural pluralism in the non-recognition of foreign marriages. //Intern. A. comparative law quart. –L. 2000. – Vol. 49. 13. –P.643-659; M.Libercier and H.Shneider. Migrants. Partners in Development, Cooperation. OECD. –Paris: 1996; Perry M. Kining-up at the bjrder: renewing the call for Canada–US in solvency convention in the XXI-st century. //Duke j. of comparative a. Intern. Law. –Durkam: 2000. –Vol. 10. 12. –P.469-499.
5. Зокиров И.Б. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. –Т.: Ўқитувчи, 1988. – 280 б.; Российско-Франц. Серия УчебнУх и Информ. материалов-24. Структура правовой системУ: Государственное право и частное право. –М.: CNIFT, 1994. – 456 с.; МатериалУ Российско-Британского семинара. 12.09.1994 //СудебнУй контроль и права человека. –М.: 1996.
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1168-моддаси.
7. Дюрягин И.Я. Гражданин и закон. (О защите прав и законных интересов граждан Право для всех). –М.: Юридическая литература, 1989. – 384 с.
8. Межпарламентский союз, 2019 год. Издано Межпарламентским союзом совместно с Управлением Верховного Комиссара ООН по делам беженцев.
9. Конвенция, регулирующая некоторые вопросы, связанные с коллизией законов о гражданстве (12 апреля 1930 г.)
10. Rustambekov I. Some Aspects of Implementation of Private International Law Principles in Civil Code of Uzbekistan. <https://ssrn.com/abstract=3642669>

У.М. Сайдахмедов,
Судьялар олий мактаби “Иқтисодий ҳуқуқ”
кафедраси доценти

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ СУВЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ХАЛҚАРО- ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ: МУАММО, ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Аннотация: мазкур мақолада бугунги кунда Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари, мазкур сувлардан фойдаланишдаги муаммолар халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўрганилган. Шунингдек, мақолада минтақадаги трансчегаравий сувлардан фойдаланишга оид баъзи муоммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: трансчегаравий сувлар, фойдаланиш, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, муаммо, адолатли, оқилона, ечим

Аннотация: в данной статье освещены международно-правовые аспекты использования трансграничных вод в Центральной Азии и проблемы использования этих вод на основе международно-правовых документов. В статье также разработаны предложения и рекомендации по решению некоторых проблем, связанных с использованием трансграничных вод в регионе, а также разработаны предложения по улучшению развития данной сферы.

Ключевые слова: трансграничные воды, использование, международно-правовые документы, проблема, справедливое, разумное, решение

Annotation: this article highlights the international legal aspects of the use of transboundary waters in Central Asia and the problems of using these waters on the basis of international legal documents. The article also developed proposals and recommendations for solving some problems related to the use of transboundary waters in the region, as well as proposals for improving the development of this sphere.

Keywords: transboundary waters, use, international legal documents, problem, fair, reasonable, solution

Бугунги кунда мамлакатимизда трансчегаравий сувлардан фойдаланишни тартибга солиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничлик муҳитини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, бу борада халқаро ва минтақавий халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик масалаларини комплекс таҳлил қилиш илмий-назарий ва илмий-амалий аҳамият касб этаётганлигини қайд этиш лозим. Собиқ Иттифоқ даврида ўтган асрнинг иккинчи

ярмидан йирик трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарёдан нооқилона фойдаланиш оқибатида жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал аҳамиятга эга бўлган Орол муаммоси вужудга келганини эслашнинг ўзи кифоя. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида қилган нутқида Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё хавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни [1] таъкидлаган эди. Мазкур ҳужжатларни қабул қилиниши, минтақа давлатларини трансчегаравий сув хавзаларидан фойдаланиш ва уларни бошқаришда муҳим халқаро-ҳуқуқий кафолатлардан бири бўлади.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликлари ва XXI аср глобал сув муаммоси билан узвий равишда трансчегаравий сувлардан оқилона ва адолатли фойдаланиш, атроф-муҳитнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, йирик тўғонлар ва сув омборлари қурилиши соҳасида кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлар сувидан гидроэнергетик, ирригация ва саноат мақсадларида фойдаланишнинг минтақа мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ва атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш мутахассисларнинг диққат-эътиборидаги асосий масалага айланди. Бу соҳадаги илмий изланишларда нафақат минтақа ва маҳаллий мазкур соҳа мутахассислари, балки хориждаги йирик илмий-тадқиқот марказлари, институтларининг олимлари, тадқиқотчилари ҳамда изланувчилари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Сув захираларини бошқариш бўйича минтақалараро институт, Жаҳон ресурслари институти, Ер тадқиқотлари бўйича Марказий Осиё институти ва бошқалар шулар жумласидандир. Тадқиқотлар кўлами ичимлик суви санитариясидан тортиб – тоғ дарёлари гидрологиясигача, тупроқшунослик, ўрмоншунослик, минерология, ирригация, сейсмология, биология, кимё, жамиятшунослик, психология, ҳуқуқ, сиёсатшунослик каби кўплаб аниқ фанлар ва ижтимоий-гуманитар фан соҳаларини қамраб олмоқда. Буларнинг барчаси трансчегаравий дарёлар ва йирик тўғонларнинг ҳаётимиз ва тафаккуримизга қанчалик яқин ва боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Ичимлик суви, трансчегаравий дарёлар ва тўғонлар масаласига БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, МДҲ, ШҲТ, Африка тараққиёт банки, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам ўз эътиборини мунтазам қаратиб келмоқда. БМТнинг Сув ресурсларини баҳолаш бўйича бутунжаҳон дастури ҳар уч йилда БМТнинг универсал ҳисоботини эълон қилиб боради.

Марказий Осиёда трансчегаравий дарёлар сувидан оқилона ва адолатли фойдаланиш, атроф-муҳитнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, йирик гидроиншоотлар қурилишининг салбий оқибатларининг олдини олиш ва гидроэнергетик муаммоларни ҳал этиш борасида бир қатор таклифларни ечим сифатида илгари суриш мумкин. Бу масалага яқин ва узоқ истиқбол нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мазкур ечимлар минтақа мамлакатларининг халқ хўжалиги учун муҳим бўлган уларнинг энергетик салоҳиятига путур етказмаслиги зарур.

Мутахассислар 1992 йил 17 мартда қабул қилинган “Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаз қилиш ва фойдаланиш тўғрисида”ги [2] Хельсинки конвенцияси ва 1997 йил 21 майда қабул қилинган “Халқаро очиқ сув оқимларидан кема қатновларидан бошқа йўналишларда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида”ги [3] Конвенциялар Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим ўрин тутиши мумкинлиги юзасидан комил ишонч билдиришмоқда. Жумладан, ЮНЕСКО ҳузуридаги Сув ҳуқуқи, сиёсати ва илм-фани маркази (Нидерландия) томонидан Данди университети (Шотландия) ва “Ёввойи табиат жамғармаси” ноҳукумат ташкилоти (WWF) билан ҳамкорликда тайёрланган ҳисоботда келтирилишича, Орол денгизи ҳавзасининг барча давлатлари БМТнинг Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциясига қўшилишдан наф олишлари мумкин. Д.Зиганшина “Минтақа барча мамлакатларининг қўшилиши трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлаб, умумий сувлардан оқилон фойдаланишнинг самарали тизими яратилишига кўмаклашади” [4] деб ҳисоблайди.

Экспертнинг қайд этишича, Конвенция қоидаларининг Марказий Осиёда татбиқ қилиниши яхши истиқболга эга. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа иқтисодий комиссиясининг 1992 йилдаги Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаз қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича Конвенцияси иштирокчилари саналадиган Қозоғистон ва Туркменистон келажакда Ўзбекистондан ўрناق олганлари ҳолда, БМТнинг Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциясига қўшилишлари мумкин.

Конвенциянинг мулоқот ва ҳамкорлик, ахборот алмашинуви, баҳсларни тинч йўл билан ҳал этиш воситасида умумий сув ресурсларидан оқилон ҳамда адолатли фойдаланиш механизмларини яратишни назарда тутувчи қоида ва процедуралари минтақанинг тобора кескин тус олаётган сув муаммоларини конструктив тарзда ечиш учун қулай имконият яратади. Халқаро ҳамжамият Марказий Осиё давлатлари, айниқса, трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатлар орасида Конвенция қоидаларини кенг тушунтиришга қаратилган анча фаол саъй-ҳаракатларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу мамлакатларнинг нуқтаи назари ва келтирадиган далилларининг таҳлили уларда БМТнинг Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган меъёр ва тамойилларни тўғри тушуниш мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Мазкур ҳужжат қоидалари фақат алоҳида томонларни эмас, балки юқори оқим ва қуйи оқим давлатларининг манфаатларини баравар даражада акс эттиради [5], — дея хулоса қилади Динара Зиганшина.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари томонидан 1992 йил февралда имзоланган “Халқаро манбалар сув ресурсларини биргаликда бошқариш, фойдаланиш ва муҳофаз қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги ҳукуматлараро шартнома бугунги кунда Орол денгизи ҳавзаси сув истеъмолчилари ўртасида

сувни биргаликда бошқариш ҳамда тақсимлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари кейинги ўн йилда Марказий Осиё давлатлари томонидан сувни тақсимлаш бўйича аввал келишилган схемалар ва юқорида қайд этилган шартнома асосида дарёлар ҳавзаларига оид қатор икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ҳамда ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, халқаро сув ҳуқуқининг асосий принципи, яъни “катта зарар етказмаслик мажбурият”га минтақа давлатлари, айниқса, юқори оқимда жойлашган мамлакатлар ҳали ҳам амал қилмаяпти. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳанузгача давлатлараро сув ресурсларини аниқлашнинг зарур атама ва тушунчалари келишиб олинмаган [6].

Тузилган сув шартномаларини амалда қўллаш тажрибаси мавжуд экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда мазкур ҳужжатларнинг самарадорлиги пастлигини кўрсатмоқда. Ушбу шартномаларни имзолаган томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни амалга ошириш механизмларининг заифлиги, айрим ҳолларда эса номақбуллиги сабабли ҳар доим ҳам тўла бажармайти, уларнинг ижроси назорат қилинмаган. Баҳсларни ҳал этиш ва шартномаларга амал қилишни таъминлайдиган механизмлар йўқ.

Шуни таъкидлаш жоизки, икки томонлама шартномаларни амалга ошириш жараёнида ва энергетикага оид масалаларни ҳал этишда юзага келадиган муаммолар иқтисодий тузилмаларнинг биридан кескин фарқ қилиши, шунингдек, ўтиш даври чеклов ҳамда тўсиқлари билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шартлари ҳали барча мамлакат ва тармоқларда ҳам мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари натижасида сўнгги 3-4 йилларда олиб борилётган ташқи ва ички сиёсатдаги ижобий ўзгаришлар (визалар беришдаги енгиликлар, божлар қисқартирилиши, чегара постларининг очилиши, божхона хизматлари талабларининг соддалаштирилиши ва ҳоказолар) сув муносабатларини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорликдаги ижобий қадамлардан бири бўлди десак, муболаға бўлмайди. фаолиятга тўсқинлик қилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқадик, йирик тўғонлар қандай мақсадда бунёд этилишидан ва улар қанча даромад келтиришидан қатъий назар, уларнинг қурилиши оқибатида келиб чиқадиган муаммоларни унутмаслик керак. Йирик тўғонлар келтирадиган даромадларни молиявий мезонлар билан ўлчаш мумкин бўлса-да, лекин уларнинг рақамли кўрсаткичлари ижтимоий фаровонликни тўлиқ ифода этмайди. Олинаётган фойда ва кўлга киритилаётган ютуқларни рўқач қилиб, тўғонлар қурилиши ва улардан фойдаланишнинг салбий оқибатларини ҳам инкор этмаслик лозим. Зотан, йирик тўғонлар қурилиши атроф-муҳит учун трансчегаравий, узоқ муддатли, тўғридан-тўғри ёки билвосита, кўп тармоқли ёхуд бумерангли салбий таъсирларни келтириб чиқаради. Ўрни, салбий таъсирларнинг кўлами кенг: у нафақат бир давлат, балки дарё ҳавзасидаги бошқа бир нечта қўшни давлатлар учун ҳам жиддий муаммолар туғдириши мумкин [7].

Трансчегаравий дарёларда гидроиншоотлар қуришдан кўзланган асосий мақсад – бу атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий адолат ва

иқтисодий самарадорлик асосида тараққиётнинг янги поғонасига эришишдир. Мазкур қурилиш бир давлатнинг ривожланишига ижобий таъсир этса-ю, қуйи оқимда жойлашган бошқа давлатлар ва халқлар тараққиётига офат олиб келса, бир давлатга даромад, бошқа давлатларга эса зиён-заҳмат келтирса, бундай ижтимоий адолатсизлик трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланишнинг туб муаммоларини келтириб чиқараверади.

Бундай гидроиншоотлар қуриш орқали дарё сувининг табиий оқимини ўзгартириш ва ўзинини тўсиш инсон ва жамият хавфсизлигига, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга, атроф-муҳитнинг физик-гидрологик ва геоморфологик хусусиятларига, табиий биокимёвий моддалар алмашинувига, флора ва фаунанинг биохилма-хиллигига қанчалар салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги илмий тадқиқотлар асосида тасдиқланмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё барча мамлакатларининг ушбу Конвенцияни қўллаб-қувватлаши муҳимлиги аёндыр. Зеро, мазкур ҳолис ва бетараф ҳуқуқий механизмнинг амалиётда кенг қўлланилиши минтақада юзага келаётган баҳсли масалаларнинг адолатли ҳал қилинишига кўмаклашади.

Биринчидан, йирик гидроиншоотлар ўрнига анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш [8]. Бу танлов ўзининг арзонлиги, самарадорлиги ва хавфсизроқ эканлиги билан жозибалидир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда Европа мамлакатлари ва тараққий топган бошқа давлатларда тоғли ҳудудларда йирик тўғонлар ва ГЭСларни қуриш фикридан аллақачон воз кечилган. Бундай иншоотларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ҳамда улардан қутилаётган хавфнинг муқаррарлиги тўлиқ эътироф этилган. Шунинг учун бу каби иншоотлардан воз кечиб, эндиликда кичик ва ўрта ГЭСлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилган. АҚШда ва баъзи Европа мамлакатларида ҳатто ишлаб турган катта ГЭСлар фаолияти тўхтатилиб, уларнинг ўрнига энергиянинг бошқа муқобил манбаларидан фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, АҚШда 2014 йил январдан бошлаб федерал қонун билан 15 метрдан юқори бўлган плотинали қурилиш лойиҳаларини АҚШ ҳиссасдор бўлган ҳар қандай молия институтлари доирасида қўллаб-қувватлаш тақиқлаб қўйилди. Бразилия ва Чилида йирик тўғонлар қурилиши тўхтатилди.

Иккинчидан, мавжуд гидроиншоотлардан самарали комбинацион усулда фойдаланиш уларнинг имкониятини тўлиқ рўёбга чиқаради ҳамда янги иншоотлар қуриш эҳтиёжини камайтиради. Улкан ГЭСларнинг иш режими ўзаро мувофиқлаштирилиши, йирик сув омборларидаги катта миқдордаги сувнинг айна бир вақтда ушлаб турилмаслиги – бу танловнинг асосий шартидир. Каскадли зинама-зина услубида қурилган гидроэнергетик иншоотлар тизимида биринчи поғонадаги сув омборида сув йиғилаётган пайтда, кейинги поғонадаги сув омборларидан сувлар қўйиб юборилиши ёки аксинча тартибнинг қўлланилиши қуйи оқимдаги давлатларда сув дефицити келиб чиқмаслигига ёрдам беради. Бу ҳолатда дарёларнинг юқори оқимида жойлашган давлатлар ўзларига аниқ ва сўзсиз мажбуриятлар олиши ва уларни кафолатлаши талаб этилади.

Учинчидан, йирик гидроэнергетик иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, ишга тушириш, эксплуатация

қилиш ва уларни эксплуатациядан чиқариш тартиби устидан техник-иқтисодий ва социал-экологик баҳолаш назоратини олиб боровчи ҳуқуқматларо ва ноҳуқумат институционал тизимни шакллантириш ҳамда халқаро-ҳуқуқий механизмларни кучайтириш лозим. Билвосита ва бевосита трансчегаравий салбий таъсирни моддийлаштириш, зарарни аниқлаш ва қоплаш, сув истеъмоли ва гидроэнергетик хавфсизликни таъминлашга оид ягона концептуал ёндашувни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, мавжуд энергия ресурсларидан тежамли фойдаланишга эришиш ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам янги гидроиншоотларни қуришга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Кам энергия талаб қилувчи электр чироқлари, ўзидан табиий иссиқлик чиқарувчи қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш, фуқароларнинг энергия тежамкорлигига онгли ёндашуви, ошиқча исрофгарчиликка нисбатан қонуний жавобгарликнинг кучайтирилиши ва бошқа чоралар ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга имкон беради [9]. Узоқ келажақда эса энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланишга ўтиш, жумладан, ёритиш ва иситишда қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш тизимини тўлиқ шакллантириш минтақамиздаги гидроэнергетик муаммоларни ҳал этишда қўл келади.

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу соҳани тартибга солишга қаратилган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди.

Илмий таҳлиллар трансчегаравий дарёлар сувидан адолатли ва оқилона фойдаланишда қуйидагилар эътиборга олинишини тақозо этади:

Биринчидан, трансчегаравий дарёларда қурилиши режалаштирилаётган ҳар қандай гидроиншоотлар лойиҳалари мустақил халқаро экспертлар ёки трансчегара дарёлар сувларидан фойдаланадиган давлатларнинг ҳамкорликда тузган махсус комиссиялари томонидан техник-иқтисодий, экологик-хавфсизлик ва ижтимоий экспертизадан ўтказилиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ва атроф-муҳитга таъсири баҳоланиши шарт [9]. Бу жараёнда мустақил экспертлар ва махсус комиссия аъзолари ҳолислик тамойилига асосланиб иш юритишлари зарур. Тажрибалар кўрсатиб турганидек, баъзан кўп миллиардлик сармояларни ўзлаштириш учун иқтисодий, техник-иқтисодий, экологик, ижтимоий-социологик экспертиза хулосалари натижаларини ўз фойдасига ўзгартириш, сохталаштириш, нотўғри талқин этиш ёки экспертиза ўтказётган компанияларни ўз томонига оғдириб олиш ҳолатлари кўзга ташланади. Масалан, АҚШ муҳандислар корпуси (United States Corps of Engineers) иқтисодчилари компания раҳбарларини йирик сармоя пакетини қўлга киритиш учун иқтисодий таҳлил хулосаларини атайин сохталаштирганликда айблаган эдилар.

Иккинчидан, трансчегаравий дарёларда гидроиншоотлар қурилишини лойиҳалаштириш жараёнида қуйидаги қоидаларга риоя этилиши шарт:

– барқарор ва ҳамма учун маъқул бир неча муқобил лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва танлаш имкониятини яратиш;

– лойиҳалар ишлаб чиқиш жараёнининг шаффофлигига эришиш, унда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, ижтимоий масъулият ҳиссини шакллантириш;

– лойиҳаларнинг очиқ муҳокамасига барча манфаатдор гуруҳларни таклиф этиш ва уларнинг фикрини инобатга олиш. Ижтимоий адолат тамойили асосида жабрланувчи томонларга тўланиши лозим бўлган компенсациялар тизимини ишлаб чиқиш.

Учинчидан, минтақадаги трансчегаравий сувлардан фойдаланишда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ва бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмлари ишлаб чиқиш, тегишли ваколатли органлар масъулиятини ошириш ҳамда ҳамкорликни янги босқичларга кўтариш ва таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда минтақа мамлакатлари билан муҳокама қилиш.

Тўртинчидан, Марказий Осиёда минтақа давлатлари билан ҳамкорликда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциялари нормалари ва тамойилларини илгари суриш ва бу борада яқдил келишувларга эришиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Бешинчидан, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш борасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, трансчегаравий аҳамиятга эга дарёлардан, хусусан йирик дарёлар - Амударё ва Сирдарё ресурсларини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ва бу борада Марказий Осиё давлатларининг биргаликдаги мониторинг ва маълумотлар алмашиш тизимини жорий қилишнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Олтинчидан, гидроиншоотлар бошқарувини янги методлар ва компьютерлаштирилган воситалар орқали амага ошириш бугунги кун талабидир. Сув ресурсларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш, қайта ишлаш ва экологик стандартларнинг мустаҳкамланиши сувдан интенсив фойдаланишда ижобий натижаларни беради. Ўзбекистон мисолида, 2020 йилда Сардоба сув омборининг техноген фалокати натижасида нафафат мамлакатимиз, балки қўшни Қозоғистоннинг баъзи худудларин сув босиши натижасида катта талафотлар бунинг яққол натижасдир.

Еттинчидан, маълумки бугунги кунда МДҲ ва Марказий Осиё давлатларида сув ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солишга қаратилган муносабатлар тизимлаштирилиб, ягона Сув кодекслари сифатида қабул қилинган. Бу каби Сув кодекслари масалан Россия Федерациясида дастлаб 1995 йил 16 ноябрда ва амалдаги кодекс 2006 йил 3 июнда, Тожикистонда 2000 йил 29 ноябрда, Қозоғистонда дастлаб 1993 йил 31 мартда ва амалдаги кодекс 2003 йил 9 июлда, Туркменистонда дастлаб 2004 йилда ва амалдаги кодекс 2016 йилда, Қирғизистонда 2005 йил 12 январда қабул қилинган эди. Шу сабабли мамлакатимизда ҳам бугунги кунда сувдан фойдаланиш, уларни бошқариш ва сувни истеъмол қилиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш мақсадида Сув кодексини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Мазкур кодексини ишлаб чиқшда, албатта, бу борадаги етакчи хорижий давлатлар тажрибаси уларнинг ютуқлари, Ўзбекистонни сув

акваторияси, мавжуд сув ресурслари, сувдан фойдаланишнинг тарихий ва минтақавий ҳамкорлик асослари, халқаро ҳамкорлик ва шу каби масалаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Саккизинчидан, трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тўғонлар қуриш соҳасида халқаро ҳуқуқ нормаларини ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш талаб этилади.

Шунингдек, Марказий Осиёда атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир орқали етказилаётган зарар учун миллий ва халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик механизмларини такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Жумладан, минтақада атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир оқибатида етказилаётган зарарни аниқлаш ва компенсациялаш соҳасида мукаммал дастурлар ишлаб чиқиш вақти келди.

Яна бир таклиф сифатида, тадқиқот натижаси шуни кўрсатмоқдаки, трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш ва бошқаришда таълим ва тадқиқотчиликни янада ривожлантириш долзарб аҳамият касб этиши ҳамда аҳоли орасида сувдан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий онг ва маданиятини янада ошириш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларида юриспруденция соҳа йўналишларига “Халқаро сув ҳуқуқи” махсус курсини киритиш, илмий тадқиқотчиликни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Қисқача қилиб айтганда, йирик гидроиншоотларнинг қурилиши минтақамизда бемисл фалокатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Бирор фалокат содир бўлса, унинг оқибатларини бартараф этиш учун бир неча ўн йилликлар ва ҳатто юз йилликлар талаб қилиниши оддий ҳақиқатдир. Энг муҳими, қардош халқларни бир неча минг йиллар давомида ўзаро боғлаб келган ва умумий ризқ манбаи бўлган азим дарёларнинг захираларини биргаликдаги сайй-ҳаракатлар туфайлигина келажак авлод учун асраб қолиш мумкин. Шу боис, трансчегаравий дарёлар сувларидан оқилона фойдаланиш, асраб-авайлаш, қут-барака топиш минтақамиздаги ҳар бир давлат, миллат, халқ, элат ва инсоннинг маънавий бурчидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, минтақа давлатлари ва ҳукумат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган изчил халқаро ҳамкорлик муваффақиятлар гаровидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги (2017 йил 19 сентябрь) нутқи // www.president.uz. <http://prezident.uz/uz/lists/view/1063>

2. БМТ Европа иқтисодий комиссияси аъзо давлатлари Ҳукуматларининг олий маслаҳатчилари томонидан унинг бешинчи сессиясида ишлаб чиқилган ва 1992 йил 18 мартда Хельсинкида эълон қилинган. 1996 йил 6 октябрда кучга кирган. 1996 йил 11 январда Қозоғистон, 2007 йил 4 сентябрда Ўзбекистон ва 2014 йилда Туркменистон Конвенцияга аъзо бўлиб қўшилди. 2003 йил 28 ноябрда Швейцария Ҳукумати таклифи билан Конвенциянинг 25 ва 26-моддаларига ўзгартириш киритилди. Баъзи манбаларда “БМТнинг сув конвенцияси” ёки қисқа “Хельсинки конвенцияси”

деган ном билан юритилади. 1999 йил 17 июнда аъзо давлатларнинг Вазирликлар даражасидаги 3-конференциясида унга қўшимча Лондон протоколи қабул қилинди ва 2005 йил 4 августда кучга кирди. Протокол 36 та давлат томонидан имзоланган ва 24 та давлат унинг иштирокчиси ҳисобланади.

3. Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан 26 йил давомида (1970-1997) ишлаб чиқилган ва 1997 йил 21 майда Нью Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 51-сессиясида қабул қилинган. Баъзи манбаларда “Нью Йорк Конвенцияси” деб юритилади. Ҳозирги кунга қадар конвенцияга 35 та давлат давлат томонидан ратификация қилиниб кучга кирган. (2007 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Конвенцияга аъзо бўлган). Конвенция 2003 йилдаги қўшимча “Трансчегаравий дарёларга саноат аварияларининг трансчегаравий таъсири оқибатида етказиладиган зарарга нисбатан фуқаровий жавобгарлик ва зарарни қоплашга оид” Киев Протоколи билан тўлдирилди.

4. Зиганшина Д.Р. О Конвенции ООН по водотокам в Центральной Азии – текущее положение и перспективы на будущее // Перспективы применения Конвенции ООН в регионе // Роль двух глобальных водных конвенций для продвижения интегрированного управления водными ресурсами в Республике Узбекистан и поддержания трансграничного сотрудничества в Центральной Азии. – Ташкент. 2016. – С. 20.

5. Зиганшина Д.Р. Роль и уместность Водной Конвенции ООН 1997 года для стран бассейна Аральского моря // Роль двух глобальных водных конвенций для продвижения интегрированного управления водными ресурсами в Республике Узбекистан и поддержания трансграничного сотрудничества в Центральной Азии. – Ташкент. 2016. – С. 49.

П.Ҳоллнинг таъкидлашича эса Лондон, Париж, Нью-Йорк, Токио, Москва каби дунё шаҳарлари дунёнинг юқори даражада ривожланган шаҳарлари қаторида кўрилган. Бунга асосий сабаб эса ушбу шаҳарларда савдо-сотиқ, молия, таълим, маданият ва технология каби тизимлар яхши ривожланган.[4]

П.Холл ўз тадқиқотини анализатор Дж.Фридман билан биргаликда давом эттириб, бир қатор йирик шаҳарларни ривожланиш тарихини анализ қилиб шундай хулосага келадики, 1986 йилга келиб ушбу молиявий шаҳарлар миллий молия-кредит тизимини халқаро молия бозорига олиб чиқувчи воситачи шаҳар сифатида фаолият юрита бошлаган.[5]

Бир қанча вақтдан кейин молия марказлари доирасида илмий изланиш олиб борган олимлар Дж.

Бивершток, П. Тейлор [6] ва бошқаларнинг фикрига кўра, “жаҳон шаҳарлари” нафақат жаҳон бозорларида чиқиш имконини берувчи, балки у ерда яшайдиган фуқароларнинг ҳаёти ва меҳнатнинг сифатини яхшиловчи шаҳарлар сифатида қарала бошлаган.

1991 йилга келибгина олим С.Сассен томонидан ҳозирги кундаги қабул қилинган халқаро молия марказлари тушунчасига яқин таъриф берилди. Унинг фикрига кўра, халқаро молия марказлари анчагина индустриал ривожланган, жаҳон иқтисодиёти ўзида мужассам этган ва бошқа йирик шаҳарларнинг молиявий алоқалари кесишган марказдир.[7] Ушбу молия марказларига бутун дунё бўйлаб айланувчи ва даромад келтирувчи жаҳон капитали жойлаштирилади.

Халқаро молия марказлари тушунчаси глобал марказ сифатида шаҳарсозлик, ижтимоий ва географик жиҳатдан қулайлиги билан характерланади. Шунингдек, халқаро молия марказларида халқаро молиявий капитал ва ишбилармонлик муҳитининг юқорилиги билан ажралиб туради. Халқаро молия марказлари бутун дунёда молиявий капитални жалб қилиш орқали миллий ва халқаро иқтисодиёт учун иқтисодий ривожланишнинг локомативи сифатида қаралади. Халқаро молия марказлари ўзининг маъмурий ва интеллектуал фаолияти натижасида таълим, инновация ва технологияни ривожланиш марказларига ҳам айланиб улгурган.

Молия марказлари ўзининг фаолиятини тўлиқ амалга ошириш учун маблағ эгасининг ўз пул маблағларини халқаро молия бозорида бошқа шахсга эркин ўтказилишини таъминловчи тизим мавжуд. Бундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, халқаро молия марказлари молиявий воситачилик платформаси каби қўшимча имкониятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Халқаро молия марказлари фаолиятдан келиб чиққан ҳолда икки томонлама қарашимиз мумкин. Биринчидан, халқаро молия марказлари ўзининг молиявий фаолиятдан келиб чиқиб, жаҳон молия бозорининг бир қисми дейишимиз мумкин. Иккинчи томонидан эса миллий иқтисодиётни ўсишига катта таъсир кўрсатувчи макроиқтисодий омил сифатида қарашимиз мумкин.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб илмий тадқиқотчи олим Ч. Киндлебергернинг фикрини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Унинг фикрига кўра, халқаро молия марказлари шаҳарнинг марказида жойлашган бўлиши ва шунингдек уни ташкил этишда мамлакатнинг молиявий секторини ҳам инobatга олган ҳолда жойлаштириш лозим.[8]

Халқаро молия марказларининг асосини барча тураги банкларнинг фаолият турини ўзида мужассамлаштирган банкларро марказ ҳамда молия-кредит институтлари ўрин олган бўлиши лозим. Чунки халқаро молия марказлари фаолиятида трансмиллий банклар ваколатхоналари, биржалар, аудит-консалтинг компаниялари, давлат назорат бўлиmlари муҳим аҳамиятга эга. Халқаро молия марказларининг ҳам хусусияти шундаки, уларда ХММ иштирокчиларининг фаолияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Ушбу ўринда трансмиллий банклар тушунчасига ойдинлик киритиб ўтадиган бўлсак, трансмиллий банклар – кенг ҳажмдаги халқаро ёки маҳаллий операцияларни амалга оширувчи молия-банклар гуруҳидир.

Иқтисодчи-тарихчи олим Ю. Кассисанинг фикрига кўра, халқаро молия марказлари молиявий институтлар, молия бозорлари ва ташкилотлар, профессионал жамиятларнинг муҳим элементларини ўзида мужассам этган халқаро молия архитектураси бўлмоғи даркор.[9] Молиявий муносабатларда молия марказлари бир вақтнинг ўзида пул ўтказмаларини, тўловлар ва валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи маскан бўлиши лозим.

Халқаро молия марказларига нисбатан ҳозирги кундаги қарашлар унинг асосан молиявий воситачилик фаолиятига урғу беради. Иқтисодчи олим Х.Рид айтганидек, молиявий марказларнинг пайдо бўлиши молиявий капитал жамғармаларини инвестицияларга айлантириш зарурияти билан боғлиқдир.[10] Шунингдек, молиявий марказлар жамғарма ва инвестициялар ўртасидаги мувозанатни сақлаш ҳамда инвесторлар ва қарз олувчилар ўртасидаги воситачилик вазифасини бажарувчи сифатида молиявий муносабатлар майдонига чиқади.

Бошқача қилиб айтганда, халқаро молия маркази – бу :

- Халқаро бозор механизм бўлиб, дунё молиявий айланмасида воситачи бўлиб хизмат қилади;
- Банк ва ихтисослаштирилган молия-кредит институтлари ўртасидаги олтин, қимматли қоғозлар, валюта айирбошлаш, кредит ва молия операцияларини амалга оширувчи марказ;
- Халқаро молия бозорларининг асосий иштирокчиси сифатида активлар билан боғлиқ халқаро операциялар учун шаҳар марказида жойлашган марказ;
- Турли хил юрисдикциялардаги молия институтлар учун молиявий воситачиликни халқаро миқёсда амалга оширишрадиган молиявий майдон;
- Келишув асосида турли хил ҳудудларда жойлашган молия тизимларининг бирлаштирган марказ. Мисол учун: Швейцария молия маркази. Ушбу молия маркази ўзида Женева, Лугано ва Цюрих каби шаҳарларнинг молиявий тизимини бирлаштирган.
- “Офшор молиявий марказ” тушунчасининг синоними бўлиб, бошқача сўз билан айтганда бизнеснинг ҳуқуқий ва молиявий фаолиятига давлатнинг минимал даражада аралашуви ёки тўлиқ даражада аралашмаслигидир.

Оддийгина “молия маркази” тушунчасининг ўзи “халқаро молия маркази” тушунчасининг” асл маъносини, моҳиятини ҳам очиб бериши мумкин. Мисол учун: молия маркази – ўзида барча молия институтларини жамлаган, молиявий алоқалар ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган ҳаракатни амалга оширувчи, ички ва халқаро кредит-молиявий операцияларни амалга оширувчи шаҳар тушунилади.[11] Молия марказларига нисбатан халқаро молия марказлари тушунчасининг ишлатилиши эса бир ҳудудда турли халқаро молиявий тузилмалар ва уларнинг тижорат операцияларини амалга ошириш имкониятини яратишдир. Аммо барча халқаро молия марказлари мақомига эга шаҳарларда ҳам бундай имкониятлар мавжуд эмас. Мисол тариқасида Бермунд оролларида жойлашган Гамильтон ҲММ ёки Сидней ҲММларни олайлик, улар ҳам халқаро молия маркази мақомини олган шаҳарлар ҳисобланади, лекин халқаро молиявий операцияларда иштирок этиш имкониятига эга эмас. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Нью-Йорк ва Лондон молиявий

марказларини тўлақонли тарзда халқаро молия марказлари дейишимиз мумкин.

Молия марказлари ва Халқаро молия марказлари ўртасидаги ушбу номувофиқликни бартараф этиш мақсадида илк бора инглиз молия компанияси Z/Yen Group Limited уриниб кўрган. Ушбу ўринда Z/Yen Group Limited компанияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир.

Z/Yen Group Limited компанияси 1994 йилда Лондонда таъсис этилган бўлиб, инвестор ва тадбиркорларга риск-менеджмент юзасидан тавсиялар беришда юқори натижа ва кўп йиллик тажрибага эга компаниядир. Шу билан бирга ушбу молиявий компания стратегик режалаштириш, бизнес соҳасида таълим бериш, фаолиятга молиявий баҳо бериш, компанияларнинг ликвидацияси ва маҳаллийлаштириш ҳамда иқтисодийнинг турли секторларида изланишлар олиб бориш билан шуғулланади.

Bank of America, Barclays Capital, HSBC, McKinsey & Co, PricewaterhouseCoopers, UBS, London Stock Exchange, Россия биржа бозори-ММББ ва бошқа молиявий ташкилотлар, BP Oil International, British Telecom, Cisco, Hitachi Europe Limited, Shell International, Siemens каби савдо компаниялари, The British Council, Global Policy Institute каби нотижорат ташкилотлари ва давлат ташкилотлари Z/Yen Group Limited компаниясининг хизматларидан фойдаланади.

Z/Yen Group Limited компаниясининг кенг кўламдаги ишларидан бири бу халқаро молия марказлари ва интеллектуал мулкнинг йиллик халқаро рейтингини тузишдан иборат.

Z/Yen Group Limited компанияси халқаро молия марказларини фаолияти доирасига кўра қуйидаги кўринишларини санаб ўтган.

- Глобал молия маркази – бу дунё миқёсидаги молия институтларни ўзида акс эттирувчи, миллий, худудий ва дунё миқёсидаги молия соҳаси вакилларини ўзаро боғлаб турувчи марказлардир.

- Халқаро тоифадаги молия марказлари – дунёнинг турли худудларида жойлашган молия секторлари ўртасида тузулувчи халқаро шартномалар ва бошқа операцияларни амалга оширишда координатор вазифасини бажарувчи марказлардир.

- Ихтисослаштирилган молия марказлар – молия марказларининг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, улар молия бозорининг маълум бир соҳасида жаҳонда етакчилик қилувчи банк, суғурта ва молиявий ташкилотларни мувофиқлаштирувчи марказлар. Ушбу турдаги молия марказлари молия бозорининг айнан бир турига ихтисослашган бўлади.

- Миллий даражадаги молия марказлари – молия маркази жойлашган давлатнинг савдо, молия ва банк операцияларини амалга тоширувчи марказ. Ушбу турдаги молия марказлари ўзи жойлашган давлатнинг халқаро молия операцияларини амалга ошира олиши билан ҳам характерланади.

- Маҳаллий молия марказлари – бошқа молия марказларига нисбатан иш ва амалга ошириладиган молиявий операцияларининг жиҳатидан кичикроқлари бўлиб, ушбу турдаги молия марказлари бир давлат ичидаги маҳаллий даражадаги молия операцияларини юритилиши билан бошқа марказлардан тубдан фарқ қилади.

Шуни айтиб ўтишимиз керакки, айнан бир тоифадаги молия маркази қолган тоифадаги молия марказларининг вазифаларини ҳам бажариши мумкин.

Бунга мисол тариқасида Лондон ва Нью-Йорк молиявий марказларини келтиришимиз мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. <http://www.worldbank.org//data>.
2. Шпенглер О. Закат Европы. Очерки морфологии мировой истории. Т. 2. Всемирноисторические перспективы / пер. с нем. и примеч. И.И. Маханькова. М.: Мысль, 1998. 606 с.
3. McKenzie R. The Concept of Dominance and World-Organization // American Journal of Sociology. 1927. No. 33. Pp. 28-42.
4. Hall P. World Cities. New York: McGraw-Hill, 1966. 156 p.
5. Friedman J. The World City Hypothesis // Development and Change. 1986. No. 4. Pp. 12- 50
6. Beaverstock J.V., Taylor P.G., Smith R.G. A Roster of World Cities // Cities. 1999. No. 16. Vol. 6. Pp. 445-458.
7. Sassen S. The Global City: New York, London, Tokyo. Princeton University Press, 1991. 480 p.
8. Kindleberger Ch.P. The Formation of Financial Centers: A Study in Comparative Economic History. Princeton Studies in International Finance. No. 36. New Jersey, 1974. 85 p
9. Cassis Y. Capitals of Capital: The Rise and Fall of International Financial Centres 1780-2009. Cambridge University Press, 2010. 4 p.
10. Reed H.C. The Ascent of Tokyo as an International Financial Centre // Journal of International Business Studies. 1980. No. 11. Iss. 3. Pp. 19-35.
11. «City or its district that has a heavy concentration of financial institutions, that offers a highly developed commercial and communications infrastructure, and where a great number of domestic and international trading transactions are conducted...» (<http://www.businessdictionary.com/definition/financial-center.html>)
12. Перспективы создания международного финансового центра в Российской Федерации / Дробышевский С.М., Худько Е.В., Великова Е.Е. –М.: Институт Гайдара, 2010. – 28 с.

Ш.М.Зуфарова

Соискатель Академии Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан**АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ
ДОКУМЕНТОВ, РЕГЛАМЕНТИРУЮЩИХ ЗАЩИТУ
ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ
СОБСТВЕННОСТИ**

Аннотация. В статье рассматриваются различные международные документы регулирующие отношения в сфере интеллектуальной собственности. По итогам исследования предлагаются меры по усовершенствованию защиты прав на интеллектуальную собственность в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: защита интеллектуальной собственности, международные договоры, международные организации, ООН, ЮНЕСКО, классификация международных договоров ВОИС.

Abstract: The article discusses various international documents regulating relations in the field of intellectual property. Based on the results of the study, measures are proposed to improve the protection of intellectual property rights in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: protection of intellectual property, international treaties, international organizations, UN, UNESCO, classification of international treaties of WIPO.

Аннотация. Мақолада интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган турли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Амалга оширилган тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чораларини такомиллаштириш бўйича таклифлар баён қилинган.

Ключевые слова: интеллектуал мулк муҳофазаси, халқаро шартномалар, халқаро ташкилотлар, БМТ, ЮНЕСКО, БИМТ халқаро шартномалари классификацияси.

В условиях осуществления в нашей стране масштабных реформ, особое место занимают вопросы обеспечения и защиты прав на объекты интеллектуальной собственности.

В этой связи особую актуальность обретают вопросы совершенствования правовых основ защиты прав на объекты интеллектуальной собственности на основе опыта зарубежных стран.

Следует отметить, что особую роль в формировании и развитии системы международно-правовой охраны прав на объекты интеллектуальной собственности играют акты, принятые в рамках специализированных учреждений ООН.

Существенный вклад в вопросы охраны прав интеллектуальной собственности вносит созданная в 1967 году **Всемирная организация интеллектуальной собственности (ВОИС)** членами которой являются на 193 государства-члена.

Основными задачами ВОИС является содействие в защите прав интеллектуальной собственности, а также обеспечение сотрудничества стран членов.

В настоящее время ВОИС выполняет административные функции в отношении 26 многосторонних международных договоров, включая Конвенцию ВОИС [1]. Узбекистан вступил в ВОИС 25 декабря 1991 года и является участницей свыше 20 актов организации.

Договоры, административные функции которых выполняет ВОИС условно выделяют в три группы [2].

В первую группу входят договоры, включающие базовые стандарты охраны интеллектуальной собственности. К ним можно отнести следующие договора: Пекинский договор по аудиовизуальным исполнениям (2012 г.), направленный на защиту исключительных имущественных прав исполнителей аудиовизуальных произведений; Бернская конвенция по охране литературных и художественных произведений (1886 г.); Брюссельская конвенция о распространении несущих программы сигналов, передаваемых через спутники (1974 г.), Мадридское соглашение о пресечении ложных или вводящих в заблуждение указаний происхождения на товарах (1891 г.); Марракешский договор об облегчении доступа слепых и лиц с нарушениями зрения или иными ограниченными способностями воспринимать печатную информацию к опубликованным произведениям (2013 г.); Найробский договор об охране олимпийского символа (1981 г.); Парижская конвенция по охране промышленной собственности (1883 г.); Договор о патентном праве (2000 г.); Конвенция об охране интересов производителей фонограмм от незаконного воспроизводства их фонограмм (1971 г.); Римская конвенция об охране прав исполнителей, изготовителей фонограмм и вещательных организаций (1961 г.); Сингапурский договор о законах по товарным знакам (2006 г.); Договор о законах по товарным знакам (TLT) (1994 г.); Вашингтонский договор об интеллектуальной собственности в отношении интегральных микросхем (1989 г.); Договор ВОИС по авторскому праву (ДАП) (1996 г.); Договор ВОИС по исполнениям и фонограммам (ДИФ) (1996 г.).

Вторая группа включает договоры о глобальной системе охраны, системе международной регистрации, которая обеспечивает охрану в отношении того или иного права интеллектуальной собственности в той стране, которая подписала договор: Будапештский договор о международном признании депонирования микроорганизмов для целей патентной процедуры (1977 г.); Гаагское соглашение о международной регистрации промышленных образцов (1925 г.), Лиссабонское соглашение об охране наименований мест происхождения и их международной регистрации (1958 г.), Мадридское соглашения о международной регистрации знаков (1891 г.) и Протокол к этому Соглашению (1989 г.); Договор о патентной кооперации РСТ (1970г.)

Третью группу образуют договоры о классификации в отношении изобретений, товарных знаков и промышленных образцов. В их число входят Локарнское соглашение об учреждении Международной классификации промышленных образцов (1968 г.), Ниццкое соглашение о Международной классификации товаров и услуг для регистрации знаков (1957 г.); Страсбургское соглашение о Международной патентной классификации (1971 г.); Венское соглашение об учреждении Международной классификации изобразительных элементов знаков (1973 г.).

Международный союз по охране новых сортов растений (УПОВ) в сотрудничестве с ВОИС является администратором Международной конвенции по охране новых сортов растений [3]. УПОВ призвана обеспечить и продвигать эффективную систему международной охраны с целью поощрения селекционеров в развитии новых сортов растений на благо общества. Участие Республики Узбекистан в Конвенции УПОВ (14 ноября 2004 г.) согласно ст.3 Конвенции, в

течение 10 лет с даты присоединения обязано придерживаться ее правил по отношению всех сортов и видов растений, по которым проводятся селекционные работы.

ЮНЕСКО является специализированным учреждением ООН, к компетенции которого отнесены вопросы правовой охраны интеллектуальной собственности. ЮНЕСКО учреждено в 1946 г. Республика Узбекистан является членом организации с 26 октября 1993 года [4].

Под эгидой ЮНЕСКО разработаны и принята Всемирная конвенция об авторском праве (Женевская конвенция 1952 г., пересмотренная в Париже 24 июля 1971 года). Административные функции ЮНЕСКО осуществляются также в рамках Римской конвенции об охране прав исполнителей, изготовителей фонограмм и вещательных организаций (1961 г.). совместно с ВОИС и Международной организацией труда (МОТ).

Защитой прав интеллектуальной собственности кроме Всемирной организации интеллектуальной собственности занимается также и **Всемирная торговая организация (ВТО)**, вопросы которой регулируются Соглашением ВТО о торговых аспектах прав интеллектуальной собственности (далее – ТРИПС) [5]. Цель которого является содействие развитию международной торговли и созданию для нее надежной правовой базы.

На сегодняшний день, Узбекистан является участником 16 международных договоров в сфере охраны прав на объекты интеллектуальной собственности.

В Узбекистане вопрос защиты прав интеллектуальной собственности обеспечивается национальным законодательством, которое образуют порядка 40 законодательных актов.

Основной законодательной базой для охраны интеллектуальной собственности являются Конституция Республики Узбекистан, Гражданский кодекс, Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров», «О селекционных достижениях», «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах», «О присоединении Республики Узбекистан к Конвенции об охране интересов производителей фонограмм от незаконного воспроизводства их фонограмм» и др.

Вместе с тем анализ ситуации в сфере обеспечения и защиты прав на объекты интеллектуальной собственности показывает, что для гармонизации национального законодательства с другими международными правовыми нормами ВОИС было бы целесообразно присоединиться к таким договорам как Римская конвенция об охране прав исполнителей, изготовителей фонограмм и вещательных организаций.

Гарантированный Римской конвенцией минимальный уровень охраны дает возможность исполнителям предотвращать передачу в эфир, запись, воспроизведение записи исполнения; производителям фонограмм – прямое или косвенное воспроизведение фонограмм; организациям эфирного вещания – ретрансляцию, запись и последующий показ записанных передач, а также сообщение для всеобщего сведения телевизионных передач в местах, доступных для публики за плату.

Как отмечается имплементация норм международных актов в сфере интеллектуальной собственности является очень важным в развитии национальной экономики и международного сотрудничества [9].

Рассмотрим примеры насколько Республика Узбекистан продвигается в использовании международных норм в сфере интеллектуальной собственности.

На графике «Заявки на права ИС и экономические показатели» указано число патентных заявок, заявок на товарные знаки и промышленные образцы, поданных по всему миру заявителями из Республики Узбекистан (резиденты + зарубежные) [6].

Год	Патенты	Товарные знаки (по сумме классов)	Промышленные образцы (по сумме образцов)	ВВП (в неизменных ценах в долл. США в 2011 г.)
2009	238	3 291	58	111,85
2010	374	4 100	250	121,12
2011	304	4 510	301	131,15
2012	270	6 633	224	141,87
2013	308	5 134	297	153,28
2014	374	5 475	366	164,26
2015	305	4 777	406	178,50
2016	385	6 610	359	187,26
2017	368	7 368	320	195,01
2018	480	7 993	309	205,65

Учитывая приведенные данные ВОИС можно предположить, что присоединение к вышеперечисленным договорам и соглашениям ВОИС во многом облегчат подачу заявок.

Согласно статистическим данным ВОИС [7] международные заявки, поданные Республикой Узбекистан с 2010 по 2019 годы по процедуре договоров ВОИС по международной патентной системе (РСТ) и международной системе товарных знаков (Мадридская система) увеличились, хотя и не намного.



В приведенной таблице Республика Узбекистан является страной происхождения, отмеченной в качестве адреса проживания заявителя. Если в заявке было указано несколько заявителей, страна происхождения определялась по адресу первого из указанных в заявке заявителей.

Таблица не отражает число образцов, содержащихся в международных заявках, поданных по процедуре Гаагской системы, поскольку такая информация не применима к Республике Узбекистан в силу своего неприсоединения к данной системе.

Что касается национального законодательства в данной сфере, то в Узбекистане уже имеется Закон Республики Узбекистан «Об изобретениях, полезных моделях и промышленных образцах», принятый 29 августа 2002 г.

Однако, в целях расширения участия страны в международной системе охраны промышленной собственности, а также в целях дальнейшего совершенствования законодательства в этой области предлагается рассмотреть процесс вступления в Гаагскую систему, так как это позволит владельцам образцов

обеспечивать охрану своих образцов с минимальными формальностями в многочисленных странах или регионах.

Гаагская система международной регистрации промышленных образцов выдает одну международную регистрацию, имеющую силу в каждой из указанных в ней договаривающихся сторон. В настоящее время в ее систему входят 74 договаривающиеся стороны, охватывающие 91 страну [8].

Учитывая то, что Узбекистан готовится к вступлению в ВТО, подписание ТРИПС является обязательным к исполнению, а значит вопрос совершенствования законодательства в сфере защиты объектов интеллектуальной собственности является крайне необходимо.

Помимо универсальных организаций, занимающиеся защитой прав на объекты интеллектуальной собственности, существуют узконаправленные организации, действующие на региональном уровне, такие как **Европейская патентная организация (ЕПО)** по выдаче европейского патента ЕПО, **Евразийская патентная организация (ЕАПО)**, связанная выдачей евразийских патентов, **Африканская организация интеллектуальной собственности (АОИС)**, **Африканская региональная организации промышленной собственности (АРОПС)**, обладающие расширенными функциями по выдаче региональных патентов, регистрации промышленных образцов, а также разработке проектов национальных законов по различным вопросам защиты интеллектуальной собственности.

Узбекистан как страна, которая проводит широкомасштабные реформы в рамках Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, должна с особым вниманием проанализировать необходимость в присоединении к различным международным договорам и соглашениям в целях совершенствования института интеллектуальной собственности. Вместе с тем защита прав на объекты интеллектуальной собственности должна обеспечиваться в судебном порядке на основе национального законодательства, а правом инициировать разбирательство принадлежать компетентным органам, органам прокуратуры, заинтересованным сторонам (физические или юридические лица), как государственным, так и частным. Таким образом, предусмотренные национальным законодательством санкции могут носить гражданский (судебное предписание прекратить нарушение прав, компенсация убытков и т.д.), уголовный или административный характер.

Использованная литература

1. Конвенция ВОИС-документ, учреждающий Всемирную организацию интеллектуальной собственности, подписанная в Стокгольме 14 июля 1967 г. (изменена 2 октября 1979 г.)

2. Официальный сайт Всемирной организации интеллектуальной собственности <https://www.wipo.int>

3. Официальный сайт Международного союза по охране новых сортов растений (UPOV) www.upov.int

4. Официальный сайт ЮНЕСКО (англ.) (фр.) (исп.) (рус.) (ар.) (кит.) en.unesco.org

5. Приложение 1В к Марракешскому соглашению, подписанному 15.04.1994.

6. Статистические данные ВОИС по Республике Узбекистан, последнее обновление 3.03.2020 г.

7. Международные заявки, подаваемые по процедуре ВОИС от Республики Узбекистан

8. The Geneva (1999) Act of the Hague Agreement Concerning the International Registration of Industrial Designs was adopted on July 2, 1999. The Geneva Act entered into force on December 23, 2003.

9. Рустамбеков И. Имплементация норм международных актов в сфере защиты авторского права в сети интернет в законодательство Узбекистана // Вопросы современной юриспруденции. 2016. С.50-54.

Э.П. Ахунджанов,
ТДЮУ катта ўқитувчиси

ХАЛҚАРО БАГАЖ ТАШИШ ШАРТНОМАСИ МАЗМУНИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада муаллиф халқаро йўловчи ва халқаро багаж ташиш шартномаларининг ўзаро нисбатини таҳлил қилган. Муаллиф мақолада халқаро багаж ташиш муносабатларини халқаро йўловчи ташиш муносабатларига нисбатан факультатив хусусиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтган. Муаллиф мақолада олиб борилган тадқиқот натижасида халқаро багаж ташиш шартномаси тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: халқаро темир йўл ташишлари, халқаро йўловчи ташиш, халқаро багаж ташиш, халқаро йўловчи ва багаж ташиш шартномаси, темир йўл ташкилоти, битим, реал шартнома, Халқаро йўловчи қатнови тўғрисидаги Битим (СМПС).

Аннотация: В данной статье автором было проведено анализ соотношения договоров международной перевозки пассажира и багажа. В статье автор отметил факультативные особенности международной перевозки багажа в отношении международной перевозки пассажира. На основании проведенного анализа автором дано определение понятия договора международной перевозки багажа.

Ключевые слова: международные железнодорожные перевозки, международная перевозка пассажиров, международная перевозка багажа, договор международной перевозки пассажира и багажа, железнодорожная организация, сделка, реальный договор, Соглашение о международном пассажирском сообщении (СМПС).

Abstract: In this article, the author analyzed the ratio of contracts for the international carriage of passengers and luggage. In the article the author noted the optional features of the international carriage of luggage in relation to the international carriage of a passenger. Based on the analysis carried out by the author, it has been given the definition to the concept of an international baggage transportation contract.

Keywords: international railway transportation, international passenger transportation, international baggage transportation, contract for the international carriage of passengers and luggage, railway organization, transaction, real contract, the Agreement on International Passenger Transport (AIPT).

Ҳозирги кунда халқаро йўловчи ташиш ва халқаро багаж ташиш шартномаларини фарқлаб олиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Д.А. Медведев ва В.Т. Смирновлар йўловчи ташиш шартномаси ва багаж ташиш шартномаларини фарқлаш лозимлигини таъкидлаб ўтадилар. Уларнинг фикрича, йўловчи ҳар доим ҳам багаж билан бевосита боғланган бўлмайди, ҳатто айрим ҳолатларда йўловчи багажни бошқа транспорт воситасида жўнатган ҳолда, ўзи эса бошқа транспортдан фойдаланиши мумкин [1, 407-бет]. Бошқа олимлар эса йўловчи ва багаж ташиш шартномаларини бир транспорт шартномаси бирлаштириб туради ҳамда йўловчи ва багаж бир-биридан ажралмас ҳисобланиб, ушбу шартномани консенсуал хусусиятга эга деб ҳисоблайдилар [2, 819-

бет]. Мисол учун, В.В. Витрянскийнинг фикрича, багажни ташиш ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, ташувчининг багажни белгиланган жойга етказиб бериш ва уни йўловчи ёки у томонидан ваколат берилган шахсга топширишни назарда тутувчи йўловчи ташиш шартномасини бажариш тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, багажни ташиш ташувчи учун факультатив мажбурият ҳисобланиб, йўловчи ташиш шартномаси мазмуни билан тўлиқ қамраб олинади. Йўловчи томонидан топширилган багажни белгиланган жойга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабат бўйича йўловчи ташиш шартномасидан алоҳида бўлган багаж ташиш шартномасини тузиш талаб қилинмайди [3, 314-бет].

Н.Н. Остроумов ҳам шунга ўхшаш фикрни қўллаб-қувватлаб, багажни етказиб бериш одатда йўловчининг ташиш билан бирга амалга оширилишини, лекин алоҳида тартибга солинишини таъкидлаб ўтади. Чунки одатда йўловчи билети багаж қвитанцияси билан бирлаштирилган бўлиб, йўловчи ва багажнинг йўналиши бир-бирига тўғри келади ва олимнинг фикрича, багаж ташиш шартномаси йўловчи ташиш шартномаси бўйича аксессуар [4] хусусиятга эга ҳисобланади [5, 29-бет]. Таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим олимлар багаж ташиш шартномасини мустақил битим белгиларига эга деб ҳисобласаларда, улар қоида тариқасида багажни етказиб бериш мажбурияти йўловчи ташиш мажбуриятига нисбатан қўшимча (аксессуар) хусусиятга эга деб таъкидлайдилар [6]. Агар йўловчи ташиш шартномасини қандайдир сабаб тўғрисидаги битимни ҳам амалга ошириш имконияти ўз-ўзидан йўқолади, чунки йўловчи ташиш шартномасисиз багаж ташиш шартномаси бўлиши мумкин эмас деб уйлаймиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиб ўтиш мумкинки, халқаро багаж ташиш шартномаси бўйича ташувчи йўловчи томонидан унга ишониб топширилган багажни чегараларни кесган ҳолда белгиланган жойга етказиб бериш ва уни ишонч билдирилган шахсга топшириш мажбуриятини, йўловчи эса белгиланган юк ташиш ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Багажни ташувчига топшириш йўловчининг билети мавжуд бўлганда амалга оширилади. Билет мавжуд бўлмаганда эса багаж ташишга қабул қилинмайди. Халқаро багаж ташиш шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Йўловчи ташиш шартномасига нисбатан багаж ташиш шартномаси реал шартнома ҳисобланади. Шартнома нафақат тарафлар томонидан барча шартлар келишиб олингандан бошлаб, балки йўловчи томонидан багаж ташишга қабул қилингандан бошлаб кучга киради.

Йўловчи ва багаж ташиш шартномалари бўйича юқорида келтириб ўтилган нуқтаи назарлар асосли ҳисобланади. Муаллифлар томонидан келтириб ўтилган далиллардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, иккала шартномани ҳам мустақил шартнома сифатида мавжуд эканлигини тасдиқловчи белги бу уларнинг иккаласининг ҳам ўз предметиға эга эканлиги ҳисобланади. Агарда йўловчи ташиш шартномасининг предмети йўловчининг белгиланган жойга етказиш ҳисобланса, багаж ташиш шартномасининг предмети багажни белгиланган жойга етказиб бериш ва ваколат берилган шахсга топшириш ҳисобланади.

Йўловчи ва ташувчи халқаро багаж ташиш шартномаси тарафлари ҳисобланади. Шундай экан, иккала шартноманинг ҳам субъектив таркибида ҳеч

қандай фарқ мавжуд эмас. Халқаро багаж ташиш шартномасининг предмети багажни чегарани кесиб ўтган ҳолда белгиланган жойга етказиб бериш билан боғлиқ хизмат ҳисобланади. Бундай турдаги хизматлар кўрсатилганда багаж сифатида фақат рухсат берилган предметларгина қабул қилинади. Бир қатор халқаро ҳужжатларда ташиш мумкин бўлган предметлар рўйхати кўрсатиб ўтилган. Хусусан, СМПС битими куйидагиларни кўрсатиб ўтади: (21-модда 2 §)

- ёнгина хавфли, тез ўт оладиган, ўз-ўзидан ёниб кетадиган, портловчи, радиоактив, заҳарли ва заҳарловчи хусусиятга эга моддалар, ўқ отар қуроллар, ҳарбий ўқ-дорилар ва бошқа йўловчиларнинг багажларига ва ташиш жараёни иштирокчиларига зарар етказиши мумкин бўлган моддалар;

- инфекция ёки бадбўй ҳид тарқатиш хусусиятига эга бўлган предметлар;

- ҳайвонлар;

- ташишда иштирок этаётган ташувчилар мамлакатларининг почта хизматини кўрсатувчи идораларининг монополиясига кирувчи предметларни ташиш. Ушбу предметларнинг рўйхати Битимнинг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган.

- тез бузиладиган маҳсулотлар [7].

Багажни ташиш хизмати йўловчи ташилаётган транспорт туридан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ушбу ҳолат багаж йўловчининг иштирокида текширилиши зарурати мавжуд бўлган вазиятларда муҳим аҳамият касб этади. Багаж йўловчи йўлга чиқаётган транспорт йўлга чиқишидан олдин топширилиши лозим. Багажни транспортга қабул қилиш бўйича аниқ вақт белгиланади ва кеч топширилган багажлар ташишга қабул қилинмайди. Хусусан, халқаро темир йўл транспортида багаж поезд йўлга чиқишидан 30 минут олдин топширилиши лозим.

Халқаро багаж ташиш шартномасининг мазмун-моҳиятини ташувчи ва йўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил қилади. Ташиш ҳақини тўлаш йўловчининг шартнома бўйича асосий мажбурияти ҳисобланади. Бундан ташқари, йўловчи багажни ташишга тайёрлаш бўйича бир қатор ишларни, яъни белгиланган қоидаларга мувофиқ ўраб, тегишли белгилар қўйиши лозим. Шунингдек, багажга эгаси, жўнатиш жойи, қабул қилиб олинishi белгиланган жой ва йўловчининг манзили кўрсатилган ёрлиқ(бирка) қўйиши керак.

Транспорт жўнаб кетиши белгиланган вақтдан олдин багажни ташишга топшириш ҳам йўловчининг мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Йўловчи багажнинг оғирлиги чегарасига амал қилиши лозим. Масалан, СМПС Битимининг 21-моддаси 1-қисмига мувофиқ багажнинг оғирлиги 100 кгдан ошмаслиги лозим. Бир билет асосида бир неча йўловчилар ташилганда эса кўрсатилган норма гуруҳлар сонига мувофиқ оширилади. Дипломатик багажда оғирлик ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилинади.

Йўловчи чегара станцияларида багажни кўздан кечиришда иштирок этиши шарт ҳисобланади. Агар йўловчи багажни кўздан кечиришда иштирок эта олмаса, багажни етказиб беришни тезлаштириш мақсадида чегара станциясида станция бошлиғи номига багажни кўздан кечириш бўйича ишончнома қолдириши ва зарур бўлган бошқа тўловларни тўлаши лозим. Шунингдек, йўловчи ташишга топширилиши мумкин бўлмаган багажни кўздан кечириш билан

боғлиқ бўлган харажатларни тўлашга мажбур ҳисобланади.

Халқаро багаж ташиш шартномаси бўйича йўловчининг ҳуқуқлари сифатида куйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

багажни ташиш пайтида уни қийматини эълон қилиш. Багаж қиймати йўловчи томонидан у жўнатиладиган мамлакат валютасида белгиланади. Унинг қиймати багажда жойлашган предметларнинг ўша мамлакатдаги ўртача нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Багажнинг эълон қилинган қиймати багаж квитанциясида кўрсатилади. Йўловчи багаж қийматини эълон қилишни хоҳламаган вазиятда, багаж квитанциясида у багаж қийматини эълон қилишни рад қилганлиги ҳақида махсус қайд киритилади;

йўловчи багажни ҳар қандай оралиқ жойда қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, агар божхона ёки бошқа қоидалар билан тақиқланмаган бўлса, йўловчи багажни қабул қилиб олинishi белгиланган ёки оралиқ станциядан жўнатиш жойи станциясига қайта жўнатишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда жўнатиш ёки қабул қилиб олинishi белгиланган станциясига багаж квитанцияси билан биргаликда ариза тақдим қилиниши лозим. Багажни қайта ташиш багаж квитанцияси билан расмийлаштирилиши лозим. Йўловчи багажга зарар етганлиги ёки унинг бир қисми нобуд бўлганлиги белгилари мавжуд бўлганда тижорат актини тузишда иштирок этиши мумкин. Бундан ташқари, тижорат акти билан белгиланган фактлар йўловчи томонидан тан олинмаганда, багаж ҳолати, шунингдек зарар етишининг сабаблари ва миқдори тижорат акти тузилган мамлакатдаги қонун ва қоидалар асосида экспертиза орқали аниқлашни талаб қилиши мумкин.

Ташувчининг ҳуқуқларига тўхталиб ўтсак, биринчи навбатда, йўловчи томонидан етарли даражада мустаҳкам бўлмаган ва шикастланган ўрамда топширилган багажни қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Агарда ушбу камчилик ташиш жараёнида багажга зарар етишига ёки нобуд бўлишига сабаб бўлмайди деб ҳисобланса, у ташувчи томонидан қабул қилиб олинishi ва ташишга оид ҳужжатларда мавжуд камчилиги ҳақида тегишли қайдлар киритилиши лозим. Йўловчи томонидан ташишга қабул қилиниши тақиқланган предметлар топширилганда ташувчи йўловчининг барча юқини текшириш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Багажни текшириш йўловчининг иштирокида амалга оширилиши лозим.

СМПС Битимининг 26-моддасига мувофиқ, агар багаж қабул қилиб олинishi белгиланган жойда талаб қилиб олинмаса, у ташувчи томонидан йўловчининг ҳисобидан сақлаш учун топширилади. Багаж белгиланган станцияга келиб тушгандан ёки оралиқ станцияда божхона органларининг топшириғига биноан ушлаб қолингалиги тўғрисида хабар берилгандан бошлаб уч ой ичида талаб қилиб олинмаса, ташувчи багажни сотиб юбориш ҳуқуқига эга. Ташувчи сақлаш учун тўланмаган сумма ва бошқа харажатларни ушлаб қолган ҳолда сотиш натижасида олинган суммани йўловчига қайтариб бериши шарт [7]. Багажни қабул қилиб олинishi белгиланган жойга ўз вақтида ва бут ҳолатда етказиб бериш, шунингдек уни йўловчи томонидан ваколат берилган шахсга топшириш ташувчининг халқаро багаж ташиш шартномаси бўйича асосий мажбурияти ҳисобланади.

Багажни етказиб бериш вақти транспорт ҳаракати жадвалига мувофиқ бутун бориш йўлига нисбатан белгиланади. Багаж қабул қилиб олиниши белгиланган жойга етиб келган ва топширишга тақдим қилинган пайтда багажни ташиш мажбурияти бажарилган ҳисобланади.

Багаж қабул қилиб олиниши белгиланган жойга бут ҳолатда етказиб берилиши шарт. Ташувчи ёки йўловчи томонидан багажни ташиш вақтида ёки уни топшириш вақтида зарар етиш ва қисман нобуд бўлиш белгилари мавжуд бўлганда йўловчи багажнинг ичидаги нарсаларни текшириб олиши ва бу ҳақида тижорат актини тузиши шарт ҳисобланади. Бу ҳужжатда текширишнинг натижалари акс этади ҳамда ташувчи ва йўловчи томонидан имзоланади.

Қабул қилиб олиниши белгиланган жойга етказиб берилган багаж ваколат берилган шахсга топширилиши лозим. Багаж қоида тариқасида багаж қвитанциясида қабул қилиб олиниши белгиланган жойда топширилиши керак. Багажни топшириш транспорт қабул қилиб олиниши белгиланган станцияга етиб келгандан сўнг, уни тушириш ҳамда боғхона ва бошқа расмийлаштириш билан боғлиқ ишлар амалга оширилгандан сўнг амалга оширилади. Багаж багаж қвитанциясини тақдим қилган шахсга топширилади ва ташувчи томонидан олиб қолинади. Агар багаж йўқолган бўлса йўловчи халқаро шартнома ва битимларда кўрсатиб ўтилган зарарни қоплаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Багаж қвитанцияси мавжуд бўлмаган тақдирда эса йўловчи багаж унга тегишли эканлигини тўлиқ исботлаб бергандан кейингина топширилиши мумкин. Багаж қабул қилиб олиниш пайтида ташувчи йўловчидан багаж бориш йўлида ва бошқа станцияларда вужудга келган тўловларни, шунингдек ташиш қабул қилиниши тақиқланган предметларни топшириш натижасида ёки йўловчи томонидан халқаро йўловчи ва багаж қатновларида ўз мажбуриятларини бажармаслик натижасида ташувчига етказилган зарарлар билан боғлиқ тўловларни талаб қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Халқаро багаж ташиш шартномаси ўзида кўрсатиб ўтилган шартлар асосида шартнома тузилганлигини тасдиқловчи алоҳида ҳужжат ҳисобланувчи багаж қвитанцияси билан тасдиқланади.

Айрим ҳолатларда багаж қвитанцияси йўл билети билан қўшилган ёки унинг таркибига киритилган бўлади. Одатда багаж қвитанцияси ўзида қуйидаги маълумотларни акс эттиради: жўнаб кетиш жойи номи, багаж қабул қилиб олиниши белгиланган жой номи, жўнаб кетиш вақти, йўловчига оид маълумотлар (исми, фамилияси ва отасининг исми). Багаж қвитанцияси бланкиси қоида тариқасида жўнаб кетиш мамлакати тилида тўлдирилади. Халқаро шартномаларда багаж қвитанциясининг мавжуд эмаслиги, нотўғри эканлиги ва йўқолганлиги ташиш шартномасининг мавжудлигига ва ҳақиқий эмас деб топилмаслигига сабаб бўлмайди деган муҳим бир қоида ўрнатилган.

Халқаро багаж ташиш шартномаси муддати уни етказиб бериш муддатига тузилади ва багаж қвитанциясида кўрсатиб ўтилади. Бир қатор халқаро шартномаларда ташиш жараёнига таъсир қилувчи омиллар инobatга олинган ҳолда шартнома муддати узайтирилиши назарда тутилади. СПМС Битими багажни етказиб бериш муддатининг узайтирилиши мумкин бўлган ҳолатлар сифатида қуйидагиларни қайд этади:

– багаж бориш йўлида ҳар бир қайта юклашларга бир суткадан;

– боғхона ва бошқа қоидаларни бажариш билан боғлиқ бўлган қутилмаган тўхталишлар муддатига;

– темир йўллар бўйлаб ташишларни бошлаш ёки уларни давом эттиришга тўсқинлик қилувчи ҳаракатланишдаги танаффуслар вақти бундай танаффус темир йўл ташкилотининг айби билан вужудга келмаган бўлса;

– багажни текшириш билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш муддатига агарда бундай текшириш натижасида СМПС Битимида белгиланган қоидабузарликлар аниқланса;

– СМПС Битимида кўрсатиб ўтилган ҳолатларда қайта жўнатиш тартибиде багажни юбориш учун зарур бўлган муддатга [7].

Етказиб бериш муддатини узайтирилишига олиб келган ташишдаги тўхталишлар сабаблари ва муддатлари багаж қайдномасида ўз аксини топиши лозим.

Багажни ташиш нархи шартноманинг нархини ташкил қилади. У қатъий белгиланган тарифлар асосида аниқланади. Багажни ташиш ҳақи ташиш бошланишидан олдин амалга оширилади ва ташувчи томонидан йўловчига багаж қвитанцияси тақдим қилинади. Багажни ташиш учун сўнги ҳисоб-китоб багаж қабул қилиб олиниши белгиланган жойда амалга оширилади. Нархларнинг дастлабки нархлардан ўзгариши қўшимча багаж қвитанцияси билан расмийлаштирилади. Зарур бўлган ҳолларда йўловчи ташувчидан амалга оширилган тўловлар бўйича қўшимча маълумотнома талаб қилиш ҳуқуқига эга.

СПМС Битимининг 26-моддасига, мувофиқ агарда багаж ташувчининг айби туфайли қабул қилиб олиш станциясига белгиланган вақтда етказиб берилмаса, йўловчининг талабига мувофиқ багаж жўнатиш станциясига етказиб берилди ва бу учун ҳақ тўланмайди. Йўқолган деб топилган багаж қабул қилиб олиниши белгиланган станцияга етиб келмаган вақтдан бошлаб бир йил давомида топилса, у йўловчи томонидан бориш йўлининг станцияларидан бирига бепул етказиб берилиши лозим. Багаж қайта жўнатилганда эса йўловчи ташувчига қайта жўнатиш ва у билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни тўлаб бериши керак ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган ҳисоб-китоблар багаж қабул қилиб олиниши белгиланган станцияда амалга оширилади [7].

Багажни ташиш йўловчини ташиш каби халқаро шартномалар ва миллий қонунчиликда ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг бундай хусусияти халқаро багаж ташиш шартномаси халқаро йўловчи ташиш шартномаси учун факультативлигида кўринади. Багаж ташиш шартномасини мазмунини белгилаш шартнома тарафлари ҳисобланган ташувчи ва йўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш имкониятини яратиш билан бирга, шартнома интизомига амал қилишни таъминлаб беради ва вужудга келиши мумкин бўлган низоларни олдини олади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Гражданское право: Учебник / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. – М., 1997. Ч. 2. – С. 407 (авторы главы - Д.А. Медведев, В.Т. Смирнов).

2. Гражданское право: Учебник: В 3 т. / под ред. А.П.Сергеева. – М.: РФ-Пресс, 2009. Т. 2. – С. 819. Ни-

чего подобного мы не находим, рассматривая обязательство перевозчика в связи с доставкой багажа

3. Витрянский В.В. Договор перевозки. – М., 2001. – С. 314

4. Акцессор шартнома (лот. “accessio” – қўшимча, боғлиқ) – асосий шартномага қўшимча равишда расмийлаштирилган шартнома ҳисобланиб, юридик жиҳатдан унга боғлиқ ҳисобланади.

5. Остроумов Н.Н. Правовой режим воздушных перевозок // Закон. – 1997. – N 8. – С. 29.

6. Тарасов М.А. Очерки транспортного права. – М., 1951. – С. 87; Он же. Договор перевозки по советскому праву. – М, 1954. – С. 131; Изволенский В.Н. Правовые вопросы железнодорожных перевозок. – М., 1951. – С. 170; Быков А.Г., Половинчик Д.И. Основы автотранспортного права. – М, 1974. – С. 203; Комментарий к Гражданскому кодексу РСФСР / Под ред. С.Н. Братуся, О.Н. Садикова. – М., 1982. – С. 447 (автор главы - Г.Б. Астановский); Комментарий к Уставу железных дорог СССР / Под ред. Г.Б. Астановского. – М., 1986. – С. 279; Комментарий к Кодексу торгового мореплавания Российской Федерации / Под ред. Г.Г. Иванова. – М., 2000. – С. 322 (автор комментария - Т.А. Фадеева).

7. Соглашение о международном пассажирском сообщении (СМПС) с изменениями и дополнениями на 1 мая 2017 года // www.osjd.org